

# ВАТАНПАРВАР

НАВРҶЗ ТАБИАТ  
ОЧИЛИШИ, УЙ-  
ФОНИШ ВА ЯНГИ-  
ЛАНИШ ФАСЛИ БҶ-  
ЛИБ, ШАРҚ ДУНЁ-  
СИДАГИ ЭНГ ҚАДИ-  
МИЙ, БИЗ УЧУН  
АСЛ МИЛЛИЙ,  
ҒОЯТ АРДОҚЛИ ВА  
ЭЪЗОЗЛИ БАЙРАМ-  
ДИР.

Ислон **КАРИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 20 март, жума № 12 (2295).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 20 марта, 2009 год № 12 (2295).

Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотузда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу — цена договорная

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди, унда шу йил 27 мартда ўтказиш мўлжалланаётган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисига тайёргарлик жараёни кўриб чиқилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги масалани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.


Улар орасида жумладан «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар бор. «Стандартиштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ва бошқа бир қанча қонунлар ҳам кўриб чиқилади.

Шу билан бирга Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2008 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда Сенат ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Парламент юқори палатасининг Кенгашида Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Сенат Девоининг навбатдаги ялпи мажлисига тайёргарлик тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларни ўрганиш юзасидан марказда ва жойларда олиб борилаётган тайёргарлик ишларига онд ахборотлари кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор идора ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Матбуот хизмати.



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

**Ватан билан тирикмиз, Ватан билан буюкмиз!**

### ШУ СОНДА

- |  |    |   |       |
|--|----|---|-------|
| ● Посбоннинг илк қадамлари                     | 5  | ● TV дастур   | 12-13 |
| ● Билимли ёшлар — Қуролли Кучларга             | 6  | ● Сумалак тагига неча донга тош ташланади?                    | 14    |
| ● Зарафшон водийсидаги тўқай ўрмонзорларида    | 8  | ● Бармоқдан флешка ясади                                      | 16    |
| ● Наврўзнинг биринчи кунни эрталаб асал еса... | 10 | ● Бекзод армиядан «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан қайтди | 19    |
| ● Қанотсиз самолёт...                          | 11 | ● Устоз сийратига чизгилар                                    | 21    |



3 ҚАСАМЁД

ЮРАКЛАРДА  
САДОҚАТ  
БАЁТИ



5 ПОКАЗ  
ВООРУЖЕНИЯ И  
БОЕВОЙ ТЕХНИКИ

НА ОСНОВЕ  
НОВЫХ  
ПОДХОДОВ



18 ЕҶЛАР

ВАТАН, ШУНДАЙ  
ПОСБОНЛАРИНГ  
БОР!



24 МАДАНИЯТ

БАҲОР ВА  
ГҶЗАЛЛИК  
АЙЁМИ

# ЖАРАЁН

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИГИН



Марказий офицерлар саройида тарбиявий ишлар органи офицерлари иштирокида ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди. Мазкур тадбир мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўн етти йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида белгилаб берилган вазифалар ижросига бағишланди. Йиғинда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Хамроқуловнинг маърузаси тингланди.

Маънавий тарбия барча даврларда ҳам энг устувор вазифалардан бири саналган. Бугун эса ҳаётнинг ўзи олдимишга ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялашдек муҳим вазифани қўймоқда. Катта машаққатлар эвазига қўлга киритилган муборак мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни муносиб ҳимоя қилиш шу юртда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг мустақкам таянчи бўлган Қуролли

Кучларимизда ўтган йиллар давомида моҳияти ва кўлами жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Бунда тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, посбон онгида юрт тақдири учун масъуллиқ ҳиссини мустақкамлаш, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни, ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришга энг муҳим вазифа сифатида қаралди. Юртбошимиз мурожаатида маънавий тарбия борасида шундай дейилади: «Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустақкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим». Дарҳақиқат, айни кунда бу вазифалар фаолиятимизнинг асо-

сий мезонига айланганини алоҳида таъкидлаб ўтди, маърузачи.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, соҳа мутахассислари сўзга чиқиб, тарбиявий ишлар органи офицерлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталдилар. Бундан ташқари йиғин доирасида ҳуқуқий мавзуга бағишланган давра суҳбати ҳам ташкил қилинди.

Йиғинда услубий машғулотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида амалий машғулотларга ҳам кенг ўрин берилди. Тадбир сўнггида иштирокчиларнинг икки кунлик ўқув жараёнида ўзлаштирган билимлари тест синовидан ўтказилди.

Ўқув-услубий йиғинда тарбиявий ишларни ташкиллаштириш, самарадорлигини янада ошириш юзасидан керакли йўл-йўриқлар берилди, дейди офицер Одамбой Жуманиёзов. Мамлакатимиз раҳбарининг Қуролли Кучлар салоҳияти ва куч-қудратини ошириш юзасидан белгилаб берган вазифаларини бажариш борасида қилинадиган ишлар режаси айтиб ўтилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбир келгусида олиб бориладиган тарбиявий ишларимиз учун ўзига ҳос дастуриламал вазифасини ўтайди.

Йиғиннинг яна бир аҳамияти шундаки, дейди офицер Шавкат Бобоев, назарий ва амалий машғулотлар давомида илғор тажрибалар эътироф этилади. Уларни ўрганиш, хизмат фаолиятимизда татбиқ этиш имконига эга бўламиз. Тарбиянинг энг замонавий усуллари ҳақида кенг ва атрофлича маълумотлар берилди. Маънавий тарбия энг нозик ва энг масъулиятли вазифа бўлганлигидан ундаги самарали усуллар ҳақида ҳамниша бохабар бўлиш ўзининг ижобий самарасини кўрсатади.

Тарбиявий ишлар органи офицерларининг ўқув-услубий йиғинида маданий ҳордиқ олишларига ҳам эътибор қаратилди. Тадбир иштирокчилари пойтахтнинг диққатга сазовор жойларида бўлдилар.

Назокат НОДИРШОҶОВА.

Всенародный хашар

## ПОТРУДИЛИСЬ НА СЛАВУ

Активное участие во всенародном хашаре, посвященном предстоящему празднику Весны и обновления – Наврузу, приняли и воины Центрального военного округа.

Во время экологического субботника воинами округа были посажены саженцы 5457 деревьев, были побелены 27670 погонных метров бордюров, проведено благоустройство 10 военных городков и 8 детских площадок.

Среди тех, кто показал образцы плодотворного труда на вверенном участке, можно назвать капитанов Вохиджона Дехконова и Жамшида Рахимова, лейтенанта Батыра Уринбаева, младших сержантов Абнора Узакова и Мирзохида Абдусаматова, которые во всем подавали пример сослуживцам.

В парке боевых машин части при проведении паркохозяйственного дня отличился командир танка сержант Мамарахим Хамраев, организовав работы по обслуживанию грозной боевой техники на высоком уровне. Рачительный и хозяйский подход к вверенной технике и войсковому имуществу здесь является важным компонентом достижения победы в учебном бою.

А подчиненные офицера Ильхома Бегимкулова в этот день вспомнили наши национальные традиции, когда в канун всенародного праздника Наврузу повсеместно приводились в порядок арыки и сады, благоустраивались кишлаки. Именно на этих традициях наших предков воспитывается сегодняшнее поколение защитников Родины.

Майор Шавкат ХАШИМОВ.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасида прокурор-тергов ходимлари иштирокида амалий семинар машғулоти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Ш.Каримов Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни юзасидан маъруза қилиб, мазкур қонун кучга кирган вақтдан

бошлаб, шахнинг ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгариш юз бергани, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ва уларнинг ҳимоячиларининг ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайтирилганини таъкидлади. Шунингдек, мазкур қонун қабул қилинганлиги натижасида фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституция-

вий ҳуқуқлари кафолатининг мустақкамлиги таъминланганлигини қайд этди.

Шундан сўнг, фалсафа фанлари номзоди доцент Ш.Тўраев маъруза қилиб, маънавиятнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, инсон камолатидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Семинарда қатнашган ҳарбий прокуратура ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олишди.

Адлия капитани Ш.ХАЙДАРОВ.



В Ташкентском военном округе

## БОЕВУЮ ПОДГОТОВКУ НА СОВРЕМЕННЫЙ УРОВЕНЬ

На очередном заседании Военного совета Ташкентского военного округа были обсуждены задачи по дальнейшему реформированию и развитию войск ТВО на 2009–2010 учебный год в свете требований Президента Республики Узбекистан. С докладом по обсуждаемому вопросу выступил командующий войсками ТВО генерал-майор В. Махмудов.

Он отметил, что руководство нашего государства, избрав поддержанный всем народом стратегический курс на модернизацию и демократическое обновление страны, обязывает военнослужащих усилить внимание к дальнейшему реформированию нашей армии, повышению эффективности боевой и политической подготовки личного состава, усилению потенциала и боеспособности каждой воинской части, каждого подразделения.

Переход к системе призыва на срочную службу один раз в год, возросшие требования к уровню допризывной подготовки молодежи, а также расширение контрактной службы в армии, требуют коренного пересмотра работы всего командного состава. Необходимо продолжить работу по совершенствованию штатной структуры воинских частей, сокращению должностей в подразделениях тылового и технического обеспечения, укомплектованию должностей командиров групп сержантским составом. Все это должно способствовать дальнейшему усилению роли сержантов в организации качественной боевой подготовки личного состава, повседневной деятельности подразделений, а также повышению эффективности служебной деятельности младших офицеров.

Важнейшей задачей боевой учебы также становится освоение личным составом самых современных видов вооружения и военной техники, обеспечивающих высокую мобильность, маневренность и необходимую огневую мощь воинских подразделений: боевыми машинами, электронными системами разведки и наблюдения, эффективными средствами связи, надежными средствами индивидуальной и групповой защиты.

На заседании были заслушаны выступления офицеров Садриддина Муйдинова, Александра Калинина, Убайдулло Саттарова и Файзулло Шерматова о ходе подготовки возглавляемых ими воинских коллективов к новому учебному году.

Было отмечено, что благодаря новой практике призыва открываются большие возможности по по-

вышению качества учебно-боевой подготовки военнослужащих срочной службы, полного усвоению ими сложных военных специальностей.

Вместе с тем приведение уровня боевой учебы к современным требованиям должно сопровождаться дальнейшим совершенствованием морально-психологической, политической подготовки военнослужащих. Деятельность командиров всех уровней должна быть направлена на формирование у офицеров, сержантов и солдат высоких духовных, морально-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма, чувства ответственности за судьбу Родины. От успешного решения этих задач прямо зависит боеспособность Вооруженных Сил и безопасность страны.

Соб. инф.

# ҚАСАМЁД

## ЮРАКЛАРДА САДОҚАТ БАЁТИ

Ватан, юрт сарҳади юракдан бошланади. Киндик қоним тўкилган тупроқдан бошланади, юртим сарҳади. Юракда бир қўрғон бўлади. Уни забт этолмаган, сарҳадимга дахл қила билмайди. Қўрғоним мустаҳкам. У ажодларим жасоратидан, матонатидан, садоқатидан қурилган. Юракларини ўқлар тилган, кўксини найзалар тешган. Лекин Ватан олдида, миллат олдида берган сўзига содиқ қолган. Кўксини чангаллаб йиқилганда ҳам боболарим юрагидаги қўрғон бут қолаверган.

Қасамёд қабул қилаётган аскарларга боқиб, шулар хаёлдан ўтади. Ҳа, қадимда йигитнинг сўзи, қасами қиличидан-да ўткир, кескир бўлган. Жўмардликда боболаримизга тенг келадигани топилмаган.

Тарбиячи офицер Бахтиёр Ражабов ҳамроҳлигида чегарачи аскарларимизга ўқув йиғини давомида яратилган шарт-шароит билан танишдик. Спорт билан шуғулланишга замонавий тренажёрлар ўрнатилган. Ижтимоий-сиёсий ўқув хонаси ҳам талаб даражасида. Ҳатто шартнома бўйича хизмат сержанти Зарифжон Ҳайдаров мuddатли ҳарбий хизматга чақирилганлар ичидан танлаб олиб, қўл жанги сирларини ўргатишга ҳам улгурибди. Уларнинг машқларини кузатиб, ота-оналар, меҳмонлар учун намоён этишган кўргазмали чиқишларини кўриб, беихтиёр «отанга раҳмат», дейсиз.

Хизмат отлари, итлари сақланадиган жойни бориб кўрдик. Шаҳар уловига, тараққиётга кўникиб, юраверибмиз. Отлар зотининг фарқи ҳам бормайман. Бу ерда эса отлар бириктирилган ҳар бир аскар унинг зоти, ёши ва ҳоказоларни яхши билишади. «Сафга энди қўшилган аскарлар ичидан болалигидан от минган, улоқ чопган, хуллас бу жонзотнинг «тилини» тушунадиган йигитларни танлаб оламиз. Қараб-сизки, тулпорлар доимо гижинглаб, жанговар шай бўлиб турибди-да. От йигитнинг қаноти, деганларини чегарачи аскарларимизнинг чавандозлигини кўриб, янада теран англайсиз», дейди офицер Б.Ражабов.

Хуллас, Ҳарбий қасамёд қабул қилишгача аскарлар чегарачи учун зарур илк сабоқларни ўзлаштиришади.

– Иккинчи ўғлим ҳам чегара қўшинларида хизмат қилмоқда. Нуралим акаси Шоҳруҳга ҳавас қилиб, чегарачи бўлишга аҳд қилди. Хурсанд бўлдим. Йигит вояга етгач, юртиники бўлади-да. Сарҳадларимизни кўрсин, ҳушёр, сергак турсин, – дейди аскар отаси Саноқул Ойтўғдиев.

Ота юрагидаги кўп гапларни айтолмади. Мустақил Ўзбекистони сарҳадларини ҳимоялашдек шараф ўғлига ҳам nasib этганини, истиқлолимиз билан тенг улғаяётган авлодга ҳаваси келишини барибир кўзларини айтди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган йигитларга боқаман. Эр йигит бугун Ватанига, Президентига, халқига тантанали қасамёд қилмоқда. Шу кун, шу лаҳзадан эътиборан унга бурч туйғуси куч беради, қувват беради. Садоқат баёти уни юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга руҳлантиради.

Юраги депсиб, кўзлари чақнаб турган ўғлон истиқлолни, халқининг тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялашга, мамлакатни равнақи ва истиқболини асраб-авайлашга онт ичмоқда. Йигит юрагидаги кучни уйғотмоқда. Демакки, у ватанимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлардан, истиқлол сабаб янада чирой очиб бораётган Ўзбекистонимиздан ғурурланади, руҳланади.

Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучларида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони асосида фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақирилишини, белгиланган мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучлари резервиги март-апрель ойларида бўшатилишини яхши биламиз. Мана, мазкур Фармон асосида сафларни тўлдирган марду майдонларимиз бугун Ҳарбий қасамёд қабул қилишмоқда. Жорий этилган бу янгилик, йилига бир марта чақириниш аскарлардан жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликларни сифатли ўзлаштириб олишни, жисмоний ва

маънавий камол топишни, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай туриш руҳига асосланган дунёқарашни шакллантиришни тақозо этмоқдаки, бу руҳ, бу шижоат садоқат баётида ҳам сезилмоқда.

– Онам мени табриклашга, дуо қилишга келибди. Уларга боқиб, Ватан мен учун онам кўзларидан бошланади, дегим келади. Бу кўзлар, бу нигоҳ мени юртни севишга, Ўзбекистоним учун ёниб яшашга янада руҳлантиради, – дейди оддий аскар Жамшид Муҳамедов.

– Йигит юртни асраши керак. Билагидаги кучи, юрагидаги шижоатини халқни хизматига сарфласа барака топади, дуо олади, – дейди унинг онаси Гулчеҳра опа.

– Шундай алпларимиз билан ғурурланмай бўларканми?! Қадамларидан ўт чақнайди-я. Юртимиз чегаралари ишончли кўлларда эканлигига улардаги қатъиятни кўриб, янада амин бўласан, – ҳавасини яширолмай дейди аскар отаси Абдумухтор Маҳкамов.

Тантанали митингга сўзга чиққанлар ҳам шундайин каломларни айтишди. Ўзбекистон аскарларидан ғурурланиши, фахрлинишини айтишди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армиямиз сафлари мардлик касбини ҳаёти мазмуни деганлар билан тўлаётганини сўзлашди.

Қасамёд тантанасининг ўзига хос сурури билан қайтаётган, Наврўз сепини ёйган кўм-кўк далаларга боқаман. Баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Ўрик гуллари уфори хаёлни узоқ-узоқларга олиб қочади. Ҳали замон гулларга бурканадиган Ўзбекистоним кўз олдимга келади. «Ана шу жаннатмакон юртни, кўм-кўк далаларни, Наврўзини, олтин кузини, кумуш қишини, қўйингки ўз-ўзимизни, танлаган истиқлол ва тараққиёт йўлимизни асрашинг керак, юрт посбони! Сарҳадларимизда ҳушёр, сергак кечган ҳар онинг Ватанинг истиқболига, нури келажагига хизмат қилади», дея баралла айтгим келди.

Қасамёд қабул қилган аскарнинг юрагига қулоқ тунинг. Жасорат, матонат, садоқат деган туйғулар алангаланмоқда. Бунда бир оташ бор. Ватанпарварлик, бурчга, касбга бўлган муҳаббат оташи.

Майор А.САФАРОВ.

Подполковник М.МАТАЕВ суратга олган.



## УНУТИЛМАС КУН

НИВ Қоровул қўшинларига қарашли офицер О.Ким вақтинча командир вазифасини бажараётган қисмда аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Қоровул қўшинлари масъул офицери М.Абдуллаев аскарларни Ҳарбий қасамёд қабул қилганликларини билан табриклар экан, доимо сергак ва ҳушёр аскар бўлиб, Она-Ватан ҳимоясидек муқаддас ва шарафли вазифани виждонан бажаришларини, йигитлик бурчинини сидқидилдан адо этишларига тилак билдирди.

Шунингдек, тантанада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши вакили Ҳ.Исаметов ва ҳарбий қисм фахрийлар кенгаши раиси истъефодаги полковник В.Лазеревлар сўзга чиқиб, ўзларининг

дил сўзларини изҳор этдилар.

Фарғона вилояти Тошлоқ туманидан ташриф буюрган оддий аскар Ойбек Абдурахмоновнинг бобоси Низомиддин ота, Сурхондарё вилояти Бойсуи туманидан оддий аскар Хушнидjon Насруллаевнинг онаси Ҳалимахон опалар фарзандларини унутилмас кун билан муборакбод этинди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожибар Азизова ва ҳарбий оркестр яккахон ижрочилари Дилшод Бойхонов, Азизхон Қодирхоновлар томонидан намоён этилган концерт дастурлари тадбирга янада файз бағишлади.

Катта сержант Б.ЛУТФУЛЛАЕВ, муаллиф суратга олган.



# ОТКЛИК

За строкой Обращения Президента

## СТАТЬ ВЕДУЩИМИ ВОЕННО-НАУЧНЫМИ ЦЕНТРАМИ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ



В рамках дальнейшего углубления реформирования Вооруженных Сил, повышения их боевой мощи и боеспособности одним из важнейших направлений их деятельности было и остается последовательное совершенствование системы профессиональной подготовки военных кадров в высших военных образовательных учреждениях страны.

Работа в этом направлении проделана огромная. Осуществлен существенный пересмотр задач и направленности процесса обучения, структуры и системы подготовки и воспитания курсантов в русле приоритетов военной реформы. Разработаны новые учебные программы, направленные на подготовку высококвалифицированных офицеров, командиров и других специалистов для всех видов и родов войск, подлинных профессионалов, владеющих навыками организаторской и управленческой деятельности, имеющих широкий политический, правовой и культурный кругозор, решительность и волю, способных оперативно ориентироваться и самостоятельно действовать в сложных тактических условиях, принимать нестандартные решения, умеющих сплотить личный состав и обеспечить качественное выполнение поставленных задач.

Как показывают результаты проверок практической работы выпускников училищ в войсках, военные учебные заведения Министерства обороны в основном обеспечивают качественную подготовку интеллектуально развитых, профессионально грамотных офицеров, беспредельно преданных идеалам независимости, верных Родине, народу и Президенту, способных успешно решать тактические и стратегические задачи по обеспечению безопасности страны и мирной жизни нашего народа.

Вместе с этим отдельные выпускники училищ не обладают развитым оперативно-тактическим и тактическим мышлением, их решения и действия нередко трафаретны и схематичны, они неуверенно решают задачи управления подразделениями при подготовке их к ведению боевых действий в сложных условиях современного боя. Некоторые из них слабо владеют психолого-педагогическими основами обучения и воспитания подчиненных.

Учитывая это и в целях углубления военной реформы, повышения роли и значения высших военных училищ, Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами в Обращении четко формулирует новые задачи, стоящие перед высшими военными образовательными учреждениями на предстоящий период. «Коренного пересмотра требует деятельность высших военных образовательных учреждений по подготовке интеллектуально развитых, широко эрудированных и стратегически мыслящих офицерских кадров».

Это говорит о необходимости дальнейшей перестройки учебно-воспитательного процесса, повышения его эффективности и действенности, что, несомненно, будет способствовать устранению имеющихся недостатков, повысит качество и разносторонность подготовки офицерских кадров.

Перестраивая учебно-воспитательный процесс, руководство училищ должно ориентироваться на новейшие научно-практические разработки проблем военного строительства и всесторонне учитывать знания, ум, информационную осведомленность курсантов, их жизненный и служебный опыт, ориентироваться на всестороннее проявление ими своих лучших качеств, инициативы и творчества.

Насущная задача состоит и в том, чтобы в каждом курсанте видеть не просто исполнителя воли руководства

училища, а поднять активность молодых людей, раскрыть их огромный творческий потенциал. И пусть эти молодые умы растут в знаниях, навыках, предлагают новые идеи и реализуют их под руководством командно-преподавательского состава. «Военные училища, — говорит глава государства, — должны на деле стать ведущими военно-научными центрами Вооруженных Сил по освоению, апробации современных систем вооружения и техники, эффективных методов управления войсками и ведения боевых операций».

Посильная ли эта задача? Вполне посильная. Потому что все наши училища укомплектованы грамотными, высокоподготовленными специалистами, имеющими большой опыт работы в войсках. Здесь главное — руководству училищ, каждому преподавателю надо осознать, что задача, поставленная Президентом страны, выходит далеко за рамки очередных текущих задач. Она, по существу, означает собой новый этап в развитии военных образовательных учреждений, поднимает их на новый уровень общественно-политической и военно-образовательной значимости. Военные училища должны на деле стать ведущими военно-научными центрами Вооруженных Сил. Это, если хотите, — новая высота, новое качество, новые подходы и новые методы работы. Старыми подходами и со старым багажом знаний эту многоплановую задачу не решить. И не каждому она будет по плечу. Для таких решений может быть только одно — добровольно уступить место знающему, современно мыслящему.

И еще один важный момент требует глубокого осмысления: с началом нового этапа должна предъявляться самая высокая требовательность к научному уровню разработок, к практической полезности для Вооруженных Сил научных работ. Не наука для науки, а наука для улучшения практической деятельности Вооруженных Сил. Для высокоэффективной боевой деятельности. А это потребует более тесной связи училищ с войсками и совместной работы с войсковыми инженерами, рационализаторами, умельцами над реализацией жизненно важных проектов.

Поставленные главой государства задачи предъявляют новые, более высокие требования к учебно-материальной базе военных училищ. «Для этого, — говорит Президент, — они должны быть оснащены самыми современными тренажерами, способными моделировать обстановку максимально приближенную к боевым условиям, широко использовать в учебном процессе методы моделирования и симуляции. В этой связи необходимо в самое короткое время создать учебные подразделения Специального центра моделирования и симуляции Вооруженных Сил в Ташкентском общевойсковом, Чирчикском танковом командных училищах, возложив на них функции головных подразделений по разработке и внедрению этих методов, а также информационно-коммуникационных технологий в процессе подготовки и переподготовки офицерских кадров и сержантского состава армии».

Эта работа требует от руководства Ташкентского и Чирчикского военных училищ оперативности, деловитости и качественного решения поставленной задачи в кратчайшие сроки. Дело это сложное, но очень необходимое, и в его реализации ни в коем случае нельзя допустить медлительности, недобросовестности. Ответавание в этом деле неминуемо отразится на качестве подготовки офицерских кадров. А любое отставание в военном деле чревато непредсказуемыми последствиями.

Решение такой огромной важности задачи, поставленной перед военными училищами, зависит в первую очередь от командно-преподавательского состава училищ. Но, думаю, будет правильно подчеркнуть особую роль преподавателя. Он сегодня — ключевая фигура в реализации коренных преобразований в училище. От его знаний, педагогического мастерства, активной жизненной позиции, от его морально-волевого настроя, умения слышать пульс жизнедеятельности Вооруженных Сил, быть новатором, творчески подходить к решению стоящих задач — в решающей степени зависит успех намеченных преобразований, качество подготовки все новых и новых поколений офицерских кадров, в полной мере соответствующих требованиям времени, в котором мы живем. Задачи, стоящие перед преподавателями, очень сложные и объемные. Они требуют подлинного педагогического и научного подвижничества, постоянного поиска новых подходов в обучении и воспитании курсантов, самоотверженности, постоянной работы над собой и высокой меры оценки собственного труда. Задача руководства училища сделать все, чтобы творческая активность преподавателя не снижалась ни при каких обстоятельствах, а постоянно росла, поднималась на качественно новый уровень. Не будем забывать, что творчество и поиск, ответственность и деловитость, умение практически организовать дело и повести людей к намеченной цели в условиях реформирования и дальнейшего совершенствования Вооруженных Сил становятся драгоценными качествами каждого руководителя, а точнее, каждого офицера и сержанта.

Именно от преподавателя зависит понимание будущим офицером основ современного военного искусства, важнейших его слагаемых для достижения победы, среди которых наше превосходство в организации, в искусстве применения неожиданных для врага способов действий, всесторонняя профессиональная подготовка и компетентность офицеров и сержантов, отменное боевое мастерство всего личного состава, высокий моральный дух военнослужащих и наступательный порыв, инициатива офицеров, сержантов и солдат, их самоотверженность и глубокое осознание своей верности воинскому долгу, народу, Родине и Президенту.

Не для красного словца мы говорим о возрастающей роли преподавателя. Сейчас, когда наше высшее военное образование осуществляет кардинальный переход к новому качественному состоянию, оно нуждается и в новом преподавателе — образованном, убежденном, преданном идеалам независимости специалиста, и вместе с тем творчески активном, ищущем, отдающим порученному делу всего себя без остатка.

Масштабы работ огромны — и новая организация образования, и новые программы, и новое материально-техническое обеспечение, и внедрение компьютерных и информационных технологий, и создание подразделений Специального центра моделирования и симуляции. Наши военно-учебные заведения в целом располагают опытным профессорско-преподавательским составом. У нас десятки докторов и кандидатов наук, немало преподавателей награждены государственными наградами, имеют звание «заслуженный». В большинстве училищ сложились самобытные творческие коллективы, способные решать самые ответственные задачи.

Качественно и в короткие сроки будут решены и задачи, поставленные Верховным Главнокомандующим в Обращении, которое командный и преподавательский состав воспринял как Программу действий, как приказ, который должен быть выполнен по-военному — беспрекословно, точно и в срок.

В заключение хочется обратить внимание на еще один важный аспект. В Обращении глава государства обращает внимание на целый ряд важнейших положений, задач тактики, оперативного искусства и стратегии, которые определяют основные направления дальнейшего развития военного искусства в новых условиях, в обстановке усиливающейся напряженности в мире и регионе, в обстановке стремительного развития современных средств и способов борьбы. Думаю, что решение этих задач должно начинаться уже с училища. Решаться последовательно, по-деловому, на научной основе. Такого требования времени. Сейчас нельзя допустить расслабления, благодушия, колебаний, потери динамизма в решении задач углубления военной реформы и дальнейшего совершенствования боеспособности Вооруженных Сил. Это в полной мере относится и к деятельности военных вузов, призванных идти в ногу с кардинальными преобразованиями в Вооруженных Силах, а точнее быть, хотя бы на шаг впереди.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Показ вооружения и боевой техники

## НА ОСНОВЕ НОВЫХ ПОДХОДОВ



Как известно, начиная с этого года, призыв в ряды наших Вооруженных Сил осуществляется один раз в год, в феврале-марте, а увольнение в резерв в марте-апреле. Вот для этих военнослужащих срочной службы, отобранных на базе новых требований, которым предстоит проходить обучение согласно новым программам боевой подготовки, и проведен повсеместно показ вооружения и боевой техники.

За годы независимости в нашей стране проделана большая работа по повышению престижа воинской службы, воспитанию в подрастающем поколении искреннего уважения к профессии защитника Родины. Как отмечается в Обращении Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана: «Для молодых людей, отслуживших срочную службу, установлена целая система льгот при трудоустройстве и поступлении на учебу в высшие образовательные учреждения. Сегодня в вузах страны обучается свыше 22 тысяч молодых людей, прошедших армейскую школу мужества и добившихся отличных результатов в боевой и политической подготовке».

Естественно, и для военнослужащих срочной службы, которые пополнили ряды национальной армии Узбекистана в этом году, данный аспект является мощным стимулом для успешного освоения программы боевой подготовки. Тем более, в этом году эти молодые люди будут проходить обучение на базе новых программ, разработанных на основе новых подходов и новых требований, вытекающих из задач, поставленных в Обращении Президента Республики Узбекистан.

Юношам, призванным на срочную службу в ряды Вооруженных Сил, предстоит внести свой весомый вклад в дело обеспечения высокой огневой мощи нашей армии. Это значит, что они должны с первых дней своей службы увидеть самые лучшие образцы боевого применения этого вооружения и грозной военной техники. Это позволит проникнуться гордостью за нашу армию, укрепить веру в высокие боевые возможности.

Вот и в Ташкентском военном округе с большим успехом на днях прошли показательные занятия, где военнослужащие срочной службы увидели самые современные образцы боевой и специальной техники, находящейся сейчас на вооружении в армии суверенного Узбекистана. Они также выслушали рассказ компетентных специалистов о ее боевых возможностях, а потом им показали в деле ее огневой потенциал. Этот показ вдохновил солдат на старательное освоение своих воинских специальностей, настроил с огромной самоотдачей служить Родине во имя укрепления оборонной мощи нашей свободной Отчизны.

Майор Аблай КАМАЛОВ,  
корр. «Ватанпарвара».  
Фото автора.

## ПОСБОННИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Ҳарбий қисмда саф қўшниғ айтиб шаҳдам қадам ташлаб ўтаётган ёш аскарлар эътиборини тортди. Хизмат бошлаганларига ҳали бир ой тўлмаган бу ўғлонлар билан бўлган суҳбат эса мени янада тўққилантирди.

Давра суҳбатига йиғилган ёш посбонларга қарайман. Ҳарбий либос эгаларига хос қатъият, босқинлик, мақсад сари иштиқлиш туйғулари юз-кўзларида мужассам. Айниқса, уларнинг миллий маънавиятимиз, тарихимизга бўлган эътибори, яъни туғилиб ўсган гўшалари тарихини фахр билан сўзлаб беришлари, келажакда етуқ инсонлар бўлиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшилиш борасидаги орзулари таҳсинга лойиқ.

– Мен Навоий вилоятининг Навбахор туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганман, – дейди оддий аскар Воҳиджон Жамолов. – Айтишларича, қишлоғимиз Амир Темури бобомиз лашкарларига қўшилиб жанг қилган ва қаҳрамонликлар кўрсатган аёл номига Эжон деб қўйилган экан. Нафақат эр йиғитлари, балки аёллари ҳам Ватан озодлиги учун курашган юрт фарзанди эканлигиндан фахрланаман. Аждодларимизга муносиб ворис бўлишга ҳаракат қиламан. Шу сабабли олдимга қўйган қатъий мақсадларимдан бири йиғитлик бурчимни аъло даражада ўтаб, жанговар санъат сирларини мукаммал эгаллаш. Келажакда олий маълумотли мутахассис сифатида, юртимиз ободлиги ва тараққиётига ҳисса қўшиш.

– Бу ердаги барча сафдошларимнинг мақсади, эзгу ўйлари ўзаро муштарак, – дейди ўзини таништирар экан, Наманган вилоятининг Поп туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Темури Файзуллаев. – Хизматнинг илк кунларидан бошлаб шунга амин бўлдимки, йиғит киши учун армия хизматининг ўрни жуда катта экан. Айни дамда бизга тажрибали командирлар ҳарбий хизматнинг дастлабки сабоқларини беришмоқда. Машгулотлар биз кутгандан-да қизиқарли кечаяпти.



– Энг юксак орзуларимдан бири ҳарбий хизматчи бўлиш, – дея суҳбатга қўшилди Навоий вилоятининг Қалқонота қишлоғида вояга етган оддий аскар Алишер Жўракулов. – Шунинг учун хизматни аълочилар сафида ўтаб, олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Яна санокли кунлардан сўнг Ҳарбий қасамд қабул қиламиз. Уйлайманки, бу унутилмас оилар мен ва сафдошларим ҳаётида ўчмас из қолдиради.

Алишер орзулари ҳақида гапирар экан, қишлоғининг тарихини ҳам меҳр билан сўзлаб берди. Йиғитларнинг зукколигига тан берган ҳолда тарбиячи офицер Лутфулла Жўраевга юзланаман.

– Йилдан-йилга йиғитларимизда ҳарбий соҳани эгаллашга бўлган иштиқ ортиб бормоқда. Уларнинг аксарияти дунёқараши кенг, билимга чанқоқ, ғайратли ўғлонлар, – дейди суҳбатдошим фикримни тасдиқлар экан. – Бундай интилувчан аскарлар билан ишлаш биз учун осон. Улар Умумҳарбий низомлар талабларини тез ўзлаштиришмоқда. Барчасининг мақсади битта. Яъни ҳарбий хизматни намунали ўтаб, ўзлари орзу қилган касб-хунарларини эгаллаб, юртга муносиб фарзанд бўлиш.

Давра иштирокчиларидан ёш аскарлар – самарқандлик Отабек Исмоилов, андижонлик Сардор Абдусаломов, сирдарёлик Анвар Маъруфжонов, шерьиятга меҳри балинд самарқандлик Ширинбек Нарзиёлов ҳам ҳарбий хизматдаги илк давлари ҳақида яхши фикрлар билдириб, келажак режалари борасида тўхталиб ўтишди.

Бугунги кунда белгиланган синовлардан муваффақият ила ўтиб, ҳарбий хизматга лойиқ бўлиш осон эмас. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бу йиғитларимиз сараларнинг сараси. Уларнинг йиғитлик мактабиди кечаётган илк қадамлари залворли экан, ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, яқинлари бағрига ёруғ юз-ла қайтишларига шубҳа йўқ.

Зулфия НОСИРОВА.



Бдительность – наше оружие

## ЗА ПРОЯВЛЕННУЮ ИНИЦИАТИВУ

Наша армия, вобравшая в себя лучший опыт мирового военного строительства и в то же время свято хранящая национальные традиции, стала надежным гарантом обеспечения безопасности Родины, мирного труда и спокойствия населения, говорится в Обращении Президента Ислама Каримова, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана.

Поэтому охрана и оборона военных городков является важнейшим мероприятием по обеспечению боеспособности войск и осуществляется личным составом суточного наряда в соответствии с требованиями Общевоинских уставов Вооруженных Сил Республики Узбекистан, других руководящих документов Министерства обороны и Объединенного штаба.

Велика роль должностных лиц, отвечающих за организацию несения служб, подготовку лиц, назначенных в суточный наряд. Но и от заступающих на службу военнослужащих сегодня требуется не теряться в сложных ситуациях, проявлять бдительность, инициативу и настойчивость.

Как проявил их при несении службы командир группы старший лейтенант О. Мавлянов: четкая организация действий подчиненного личного состава помогла ему произвести задержание лиц, нарушающих порядок и требования безопасности службы.

Столь же инициативно действовали при несении службы во внутреннем наряде рядовые по контракту Х. Исакулов, О. Рахмонов, а в соседнем гарнизоне рядовые по контракту У. Усмонов и Ж. Ибрагимов, своевременно выявившие лиц, проявлявших повышенный интерес к военным объектам.

За бдительность и проявленную инициативу старший лейтенант О. Мавлянов, рядовые по контракту Х. Исакулов, О. Рахмонов, У. Усмонов и Ж. Ибрагимов награждены Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Владимир КАЛОШИН.

# ЧАҚИРУВ—2009

## МАСЪУЛИЯТ ЮКИНИ ҲИС ҚИЛИБ



Давлатимиз раҳбарининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучларида муҳим ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролини Кучларида муҳим ҳарбий хизматга йилга бир мартаба, яъни февраль-март ойларида чақириш белгиланган бўлиб, айни кунларда ушбу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Биз Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармасида бўлиб, бунга бевосита гувоҳ бўлдик.

Сир эмаски, чақирув жараёнини юксак талаблар даражасида амалга ошириш учун катта тайёргарлик зарур. Шу сабабли Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда

чақирув пунктларида бу жараёнга катта эътибор қаратилган. Бизга тақдим этилган маълумотга кўра, 2008 йилда республикадаги Беруний, Қўнғирот, Кегейли, Нукус туманлари ва Тахиятош шаҳрида янги чақирув пунктлари ва маъмурий бинолар фойдаланишга топширилган. Шу йилнинг февраль ойига қадар эса Тахтақўпир, Тўртқўл, Қораўзақ, Хўжайли, Қашикўл туман мудофаа ишлари бўлимларида жорий таъмирлаш, Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлими чақирув пунктлари эса капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Биз ижодий сафаримиз давомида Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармасининг замон талаблари асосида жиҳозланган янги йилнинг биноси билан танишдик. Бу ерда бўлажак аскарларни саралаб олиш, тиббий комиссия хо-

димлари, чақирув комиссияси аъзолари ҳамда ҳарбий қисм вакиллари фаолият юритишлари учун зарурий шароитлар ҳозирланган.

— Қорақалпоғистондаги барча туман ва шаҳар мудофаа ишлари чақирув пунктлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари талаблари асосида жиҳозланган, — дейди мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими офицер Акромжон Мўйиддинов. — Сифатли таъмирланган чақирув пунктларида зарур тиббиёт жиҳозлари ва бошқа асбоб-ускуналар ҳозирланган.

Бошқарма йилнинг пунктида ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар намойиши учун кичик кинозал, ҳарбий-касбий танлов хонаси, йилнинг йўналиш учун мўлжалланган зал, ҳамда хотира музейи ташкил қилинган. Шунингдек, чақирилувчиларга мўлжалланган ётоқхона, ошхона, дам олиш, маиший хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд.

### УЛУҒ МАҚСАД САРИ ЙЎЛ ОЛАР ЎҒЛОН

Бошқарма йилнинг пунктида бўлганимизда муҳим ҳарбий хизматга йўл олаётган ўғлонларнинг кузатув маросимида қатнашдик. Халқона айтганда «минг бир чиғирқдан» ўтиб, ҳарбийликка муносиб топилган бу йилнинг ҳавас қилса арзийди.

— Барча туман ва шаҳарларда ҳарбий хизмат борасида тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилди, — дейди офицер Мақсет Муратов. — Қуролини Кучлари сафига танлов асосида саралаб олиш тартиби, муҳим ҳарбий хизматчиларга хизмат даврида ва хизматдан сўнг бериладиган имтиёзлар тушунтириб борилди. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида чақирилувчиларни ҳарбий техник мутахассисликлар бўйича тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Шунингдек таъкидлаш жоизки, йилнинг мизда муҳим хизматни ўташ иштиёқи жуда юқори.

Бугун йилнинг пунктида бўлажак аскарларнинг навбатдаги гуруҳи хизматга кузатилаёпти.

— Ўғлим Жалғас Шамшетовга ҳарбий либос кийиш насиб этди, — дейди Света

Жадлипесова, —қувонч билан. — У Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув курсида ҳайдовчилик касбини ҳам эгаллади. Бугун энг бахтли оналардан бириман. Чунки фарзандим юрт қорига яраб турибди. Тиланим хизматга йўл олаётган барча йилгилар ўз бурчларини муносиб ўташсин.

— Жуда ҳаяжондаман. Ўғлим Раҳатбек Елебеков она Ватан қўрғони бўлишга йўл олаёпти, — дея суҳбатга қўшилди Нағима опа. — Унга ғайрат, иштиёқ билан хизмат қилишини тайинладим.

— Бир ўғил ва уч қизнинг онасиман, — ўзини таништиради Дилбар Турдишева. — Ўғлим аскар бўлишга ҳаракат қилганида уни чин дилдан қўллаб-қувватладим. Чунки ҳарбий хизмат йилгиларни ҳар томонлама тарбиялайди. Ватан, ота-она, оиласи қанчалар азизлигини теран ҳис қилади. Хизматни яхши ўтаб, бағримга ёруғ юз билан қайтсин.

Шу орада кузатув жараёнига масъул офицернинг буйруғи янгради: «Хайрлашув вақти тугади. Қани барча чақирилувчилар сафга». Бир зумда йилгилар белгиланган жойда қад ростлашди...

Шарафли соҳага айланган ҳарбий хизматга кузатиш, резервга бўшатирилган кутиб олиш тадбирлари катта тантаналар ила давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида амалга ошириладигани барчамизга аён.

— Кўриб турганимиздек, йилгиларни кузатиш ва кутиб олиш тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари, «Маҳалла» ва «Нуруний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, ҳамда ота-оналар иштирок этишмоқда, — дейди офицер Мўйиддинов шу ҳақда сўз кетар экан. — Ҳар бир кузатув ва кутиб олиш тадбирларида Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастурлари намойиш этилади.

Муҳим хизматдан резервга бўшатирилган фуқароларнинг бандлик масалалари доимий эътиборда. Шу кунга қадар юзлаб ёшлар турли соҳаларга ишга жойлаштирилди.

**Зулфия ЮНУСОВА,**  
«Ватанпарвар» муҳбири.

## ОТЦОВСКИЙ НАКАЗ

Бывший воин, прошедший школу армии, а ныне заведующий реабилитационным отделением Самаркандской городской больницы Хабибулло Муртазаев со своей супругой Шохсанам Саидовой недавно проводили в армию сына. Отец солдата на торжественном митинге высказал свое напутствие новому поколению защитников Родины.

В микрофон из уст родных и близких звучат слова напутствия. И вдруг неожиданно прозвучало:

— Слово имеет отец солдата, врач, капитан запаса Хабибулло Муртазаев!

Человек, прошедший, как говорится, огонь и воду в Вооруженных Силах, чуточку заволновался. «Какой из меня оратор?» — промелькнула у него мысль. Однако он, не раздумывая, по-военному, четко подошел к микрофону:

— Сегодня мы провожаем своих сыновей на срочную военную службу для выполнения священного долга, — сказал Х. Муртазаев. — Защищать Родину — это высокая честь, огромная ответственность для каждого гражданина. Я горжусь тем, что мой сын будет стоять на страже мирного труда нашего на-

рода, и верю, что он станет достойным защитником Родины.

Любовь к военному делу у Зафара зародилась еще в школьные годы. Он часто ходил со своим отцом в дальние походы, принимал участие в различных соревнованиях. Полученная закалка и выносливость сослужили в дальнейшем хорошую службу.

— После армии буду поступать в медицинский институт, — поделился своими планами призванный Зафар Муртазаев, — в этом году проходного балла не хватило.

Хотелось бы отметить, что по сравнению с предыдущими годами значительно повысился образовательный уровень наших призывников. Это позволяет призывным комиссиям направлять их на службу в армию в соответствии с имеющейся специальностью.

**Захир ХАСАНЗОДА.**

## БИЛИМЛИ ЁШЛАР — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРГА

Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йилнинг пункти муҳим ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан гавжум. Ҳадемай хизматга йўл оладиган ёшлар ота-оналари ва яқинлари билан суҳбатлашмоқда.

— Тест синовларини аъло баҳоларга топшириб, хизматга кетяман, — дейди Бухоро туманидан Илҳом Элмуродов.

— Бизнинг Жасурбек ҳам тестдан яхши балл тўлади, — дея суҳбатимизга қўшилди Бухоро шаҳрилик Саҳат Қўчқоров ҳарбий либос ярашиб турган ўғлига ишора қилиб. — У мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Бухоро автомобиль мактабининг битирди.

Суҳбатимизни тинглаб турган ота-онанинг мулоҳазаси эътиборини тортди.

— Бугунги ёшлар бўлакча. Билмаган нарсаси йўқ. Мустиқиллик болалари-да, — дейди отахон. Бугун кимдан сўрама, ҳарбий бўламан, дейди. Уша, энг зўр техникаларини ўзимизнинг йилгилар бошқаряпти. Имтиҳон бериб ҳарбийга борадиган замонлар келиши етти ухлаб тушимизга кирмаган эди. Йилгиларни ҳарбийга чертиб-чертиб олинадигани кўп маъқул иш бўлди...

— Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган фуқароларнинг муҳим ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонида миллий армиямиз салоҳиятини ошириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган, — дейди Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, подполковник Шаҳобиддин Хўжаев. — Муҳим ҳар-

бий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликларини пухта ўзлаштириб олишга кўмаклашиш, ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакли ва услубларини кенг жорий этиш, ҳарбий хизматчиларда Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай туриш ҳиссини кучайтириш шулар жумласидандир. Бу эса чақирилувчиларнинг интеллектуал салоҳияти юқори бўлишини тақозо этади. Бўлажак ҳарбий хизматчиларнинг билим ва дунёқарашини ҳолисона аниқлашнинг адолатли мезони сифатида ўзини оқлаган тест синовига катта эътибор қаратаётганимизнинг сабаби ҳам шунда.

— Муҳим ҳарбий хизматни аъло ўтаган фуқаролар учун республика олий ўқув юртига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорда қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилмоқда, — дейди Давлат тест марказининг Бухоро вилояти вакили, физика-математика фанлари номзоди Комилжон Қурбонов. — Бугунги кунда вилоятимизда бир ярим миңдан зиёд ёшлар ана шу имкониятдан фойдаланиб, грант ва тўлов-контракт асосида олий ўқув юртида таҳсил олмоқда.

**Ў.А.**

# МАШҒУЛОТ

## ЖАНГОВАР ШАЙЛИК – ИЛК САБОҚ ВА ЮТУҚЛАР

Инсон ҳаётини доволарга қиёслаш мумкин. Уларнинг бирини забт этсангиз, рўпарангиздан иккинчиси чиқади ва ҳаётингизда янги давр бошланади. Бу давр ҳар биримиз учун ўзига хос янгиликлар, қутилмаган воқеаларга бой бўлади. Эр йигит учун забт этилиши лозим бўлган доволардан бири – ҳарбий хизмат, деб ўйлайман.

Бежизга бу ҳақда гапирмаяпмиз. Маълумки, Юртбошимизнинг Фармонида биноан жорий йилнинг февраль-март ойларида Қуролли Кучларимиз сафлари чақирилувчилар билан тўлдирилди. Шу кунларда сафларга қўшилган ўғлонларимиз ҳарбий соҳа сирасорларини малакали офицерлар ҳамда армиямиз суянчи ва таянчи бўлган кичик командирлардан пухта ўзлаштиришмоқда.

...Эрта тонг. Ҳали қоронғулик чекинмасдан туриб, қисмда ўқув тревогаси янгради. Барча ўзига бириктирилган қурол-аслаҳасини, сафар қопини олиб, саф майдончасига тўпланди. Командирнинг буйруғига биноан бўлимлар полигон томон йўл олишди.

Полигон. Бу – посбонларнинг маҳоратини, билимини, жанговар шайлигини синовдан ўтказадиган майдон. Батальон командири офицер Зокир Сайфутдинов ёш аскарлар билан дала-ўқув машғулотларини, яъни ўқ отиш машқини ўтказиш учун полигон томон йўл олди. Гуруҳ посбонлари полигонга қадар бўлган масофада бир қатор тактик машғулотларни бажариб, ҳаракат қилишмоқда. Яъни, қуролларини жанговар шай тутган ҳолда, ўзларига берилган нуқталарни кузатиб, командирга ахборот беришмоқда. Бу каби тактик машғулотлар посбонларнинг тажрибалари ошишига хизмат қилади, албатта.

Белгиланган вақтда батальон шахсий таркиби гуруҳ-гуруҳ бўлиб, оралиқ масофани сақлаган ҳолда отиш майдончасига етиб келишди. Шундан сўнг, шахсий таркиб турли ўқув нуқталарига бўлиб чиқилди. Офицер Қодир Сарбоев етакчилигидаги гуруҳ эса ўқ отиш майдончасига келиб, ўқув назорат машқини бажаришга тайёргарлик кўра бошлади.

**Биринчи ўқув нуқтаси.** Бу ерда офицер Қосим Маҳкамов посбонларга қуролни ўқ отишга тайёрлаш машғулотини олиб бормоқда. Аниқроғи, тунги ва кундузги ўқ отиш машғулотлари жараёнида керак бўладиган барча асбоблардан фойдаланиб, посбонларга сабоқ бераёпти.

– Йиғин давомида ёш аскарларга отиш тайёргарлиги ва тактик машғулотлар бўйича назарий билимларни бердик, – дейди офицер Қ.Маҳкамов. – Бугунги нишонга отиш машқи посбонлар учун илк жанговар тайёргарлик машғулотини ҳисобланади. Шу боис бу машғулотга жиддий тайёргарлик кўриб, малакали офицер ва сержантларни жалб қилдик.

Машғулотни кузатар эканман, ёш аскарларнинг ҳарб илмига бўлган интилиши, қизиқиши ва шижоати, ҳар бир ўргатилаётган нарсасига диққат ила эътибор қаратишлари менда катта таассурот қолдирди.

**Иккинчи ўқув нуқтасида** офицер Дилмурод Са-

матов посбонларга ўқ отиш ва қуролни ишлатиш вақтидаги хавфсизлик қондаларини тушунтираяпти. Посбонлар машғулотни ўтаб бўлганларидан сўнг техника хавфсизлиги бўйича тегишли йўриқномага имзо чекиб, кейинги ўқув нуқтасига боришмоқда.

– Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, юрт ҳимоясига отландим, – дейди оддий аскар Обид Норқўзиев. – Хизматимга кўп бўлмаган бўлса-да, офицер ва сержантлардан соҳа сирасорларини пухта эгаллашга ҳаракат қилаяпман. Армияга келиб, бу ерда биз посбонлар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, қалбимда Ватанимга бўлган меҳрим янада кўпроқ жўш урди. Юрт қорига камарбаста бўлиб, халқ осойишталиги, сарҳадларимиз тинчлиги йўлида туну кун хизмат қилиб келаётган мард ўғлонлар сафидан жой олганимдан жуда фахрланаман.

**Навбатдаги ўқув нуқтасида** сержант Дилшод Тожибоев посбонлар билан қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш ўқув машқини олиб бораёпти.

– Ўқ отиш тайёргарлигидан олдин ўтказиладиган бу каби машғулотлар посбонларнинг нишонга беҳато отишларини таъминлайди, – дейди машғулот раҳбари офицер Қодир Акбаров. – Шунингдек, уларнинг билим ва маҳоратларини янада бойитади. Машғулот давомида аскарлар қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича яхши натижани қайд этишяпти. Бундан кўриниб турибдики, йиғин мобайнида посбонлар бу машқни мукамал эгаллашга интилишган.

**Яна бир ўқув нуқтасида** жанговар позицияни эгаллаш бўйича офицер Нодир Солиев машғулот олиб бораёпти. Посбонларнинг хатти-ҳаракатлари дадил. Улар ўзларини ҳақиқий жанг майдонида деб ҳис қилишяётгандек тасаввур уйғонади.

– Бугунги отиш тайёргарлиги машғулотига жиддий тайёргарлик кўрдик, – дейди оддий аскар Хуршид Боботов. – Полигонда биринчи бор бўлишим. Шунингдек, жанговар қуролдан ҳам биринчи марта ўқ отиш машқини бажараяпман. Бошида анча ҳаяжон бўлганди. Аммо, ўқув нуқталарида назарий билимларимни амалда мустаҳкамлашим менга куч-қувват бағишлади.

Ниҳоят, ўқ отиш машғулотини раҳбари томонидан офицер Қ.Сарбоев гуруҳига отиш майдончасига келиб, ўқув назорат машқини бажаришга рухсат берилди. Офицер З.Сайфутдинов посбонларнинг тайёргарлигини яна бир бор текшириб, ўз позицияларини эгаллашга буйруқ берди. Оддий аскар Илҳом Абдурасулов майдоннинг чап томонида, оддий аскар Элмурод Қосимов эса ўнг

томонида жойларини эгаллашиб, нишоннинг пайдо бўлишини кутишяпти.

Дастлабки нишон 100 метрлик масофада. Унинг кўтарилиб туриш вақти 10 секунд. Посбонлар мўлжалга олиб, нишонга ўқ узишди. Оддий аскар И.Абдурасулов нишонга беҳато ва аниқ урди. Оддий аскар Э.Қосимов эса иккинчи отишда нишонни яқсон қилди. Посбонлар олға ҳаракатланишиб, ўз позицияларини ўзгартиришди. Навбатдаги нишон 200 метрлик масофада, 10 секунддан икки марта пайдо бўлади. Посбонлар тик турган ва ўтирган ҳолда нишонга ўқ отишди. Натижа аълога баҳоланди. Машқ мураккаблашиб, нишон 300 метрлик масофада пайдо бўлди. Энди посбонлар ҳаракатдаги нишонни мўлжалга олишлари лозим. Бу анчагина мураккаб жараён бўлиб, посбондан катта маҳорат ва тажриба талаб қилинади. Бу сафар ҳам посбонлар нишонга аниқ уришди. Шу тариқа аскарлар жанговар қуролдан илк отиш машқини бажаришиб, уни муваффақиятли яқунлашди.

– Мен армиянинг ҳақиқатан ҳаёт мактаби эканлигига хизматга келиб, янада амин бўлдим, – дейди оддий аскар И.Абдурасулов. – Хизматга улкан иштиёқ билан келганман. Қисқа вақтда эр йигит армияда нималарни ўрганиши керак бўлса, барчасига эришяпман. Энг асосийси, миллий армиямизнинг посбони, унинг содиқ ҳимоячиси, деган шарафли номга сазовор бўлдим. Буни мен ўзимга юксак шараф, деб биламан. Машғулотларда командирларимиз бераётган тавсияларга диққат билан эътибор қиламан. Бугунги нишонга отиш машқида ҳам яхши натижага эришимда устоз офицерларимнинг ҳиссаси катта. Муддатли ҳарбий хизматнинг илк онлари қалбимда ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавас уйғотди. Келажакда Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи сифатида фаолият юритишни мақсад қилдим.

Машғулот раҳбарининг таъкидлашича, оддий аскарлар – Ренат Алиев, Акмал Орзиқулов, Маъмур Аннақулов, Фаррух Усмонов, Қувондиқ Очилов, Бахриддин Абдукаримов, Нурлан Ҳусеинов, Достон Абдуқахаров, Сумид Ҳабибуллаевлар ўқ отиш машқида юқори натижани қайд этишган бўлишса, оддий аскарлар У.Шоипов, И.Раҳимов ва И.Тўхташевлар қисмда «Энг илғор мерган», дея эътироф этилди.

Ҳа, сафга яқинда қўшилган посбонлар қуролдан нишонларга отиш машғулотини юксак савияда удаллашиб, жанговар шайликка муносиб ҳисса қўшидилар. Улар қўлга киритаётган ютуқлар замирида Ватанга муносиб посбон бўлиш, уни асраб-авайлашга ҳамisha шай туриш, билим ва маҳоратда тенгсиз бўлишдек олижаноб туйғулар мужассам.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**  
«Ватанпарвар» мухбири.  
Муаллиф суратга олган.



# ТАБИАТ

НАВРЎЗ

## ҲАР КУНУНГ ЎЛСУН НАВРЎЗ

Ургутнинг баланд тоғ тизмалари, қир-адирларга туташ қисмида Тўпхона аталмиш қадимий мавзе бор. Кексаларнинг айтишича, баланд тепаликлардан иборат бу ҳудудда кўплаб тарихий воқеалар юз берган.

Асрлар мобайнида ургутликлар Наврўзни ана шу тарихий масканда нишонлаб келишди. Тўпхона тепасида янграган карнай-сурнайлар садолари чор-атрофга ёйилади. Каттаю кичик, ёшу қари бу ерга оқиб келаверади. Табиат кўйида, бепоеъ тепаликлар бағрида, дошқозонларда сумалаклар қайнайди. Полвоилар кураш тушаллар. Улоқ чопаетган чавандозларнинг қий-қирғино, аргумоқлар кишнаши тоғ чўққиларига урилиб акс садо беради...

Иккинчи ё учинчи синфда ўқирдим. Наврўзни интиқиб кутардик. Шу кун катталар томонидан ширинликлар, байрам совғалари билан сийланган биз болаларнинг қувончи еру кўкка сизмасди. Ҳамма қатори ота-оналаримиз билан Наврўзни азалий сайилгоҳ Тўпхонада нишонлашни истардик. Аммо, бунинг учун дарсдан қолишга тўғри келарди.

Барибир Наврўз соғинчи ўқувчилик масъулиятдан устун чиқди. Ўша кун мактабга бормадим. Тўпхонага чиқдик. Ҳаммининг юзида байрамона кайфият, ҳамма хурсанд, хушчақчақ. Кўп синфдошларимни шу ерда учратиб бироз енгил тортидим. Ҳар қалай дарсдан қолган битта мен эмас эканман. Синф раҳбаримиз жуда қаттиққўл эди. Дарс қолдирганларни кечирмасди.

Байрам жуда зўр ўтди. Эртаси кун муаллимимиз синфга кириши билан, дарсга келмаганларга ўрнидан туришни буюрди. Деярли бутун синф оёққа қалқди... Нафасимизни ичимизга ютганча, бошимизни эгиб турардик.

— Биламан, ҳаммангиз кеча байрамга, сайилга чиққансиз, — деди муаллимимиз босиқ оҳангда. — Оққан дарё оқаверади. Ота-боболаримиз аъналарни, қадриятлари истаймизми-йўқми, давом этаверади. Шунинг учун сизни уришишга ҳаққим йўқ. Чунки Наврўз ажлодларимизнинг умрбоқий мероси. У — сизники, бутун халқимизники. Наврўзни бутун мамлакат бўйлаб кенг нишонлайдиган кунлар ҳам келади...

Кўп ўтмай, наинки ўқитувчимиз, балки бутун халқимизнинг азалий орзулари рўёбга чиқди. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида, кўплаб миллий қадриятларимиз қатори Наврўз ҳам қайта тикланди. Халқимиз эмин-эркин, ёйилиб байрам қиладиган бўлди Наврўзни.

Таъкидлаш жоизки, Наврўз кўҳна Шарқ, хусусан, бизга яқин ва қардош халқларнинг ҳам сеvimли байрами бўлиб келган. Зеро, тарихий манбаларда, жумладан Абу Райҳон Берунийнинг “Қа-

димги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Носируддин Бурҳонуддин ўғли Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврўз”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнама” асарларида бу айём азалдан катта шодиёна билан нишонлангани алоҳида қайд этилган. Тарихчи Наршахий бундан ўн аср муқаддам ўзининг “Бухоро тарихи” асарида бу байрам тўрт минг йилдан бери нишонланишини ёзган.

Ҳазил мулкининг султони Алишер Навоий ҳам яшариш фасли бўлмиш Наврўзнинг боқий ва бетакорлигини тараннум этган. Шоир ғазалларидан бири мана бу гўзал мисралар билан бошланади:

**Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам,  
Чаман сарви яшил хилқат, менинг сарви равоним ҳам.**

Мазкур байтнинг ўзиёқ Наврўз Навоий замонасида ҳам катта шоду хуррамлик билан нишонланганини кўрсатиб турибди. Маълумки, Наврўз кун кишилар янги, чиройли либослар кийиб, байрамни кутиб олган. Ҳазрат Навоий бу байтда Наврўз орқали инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни акс эттирган. Яъни, Наврўз келиши билан чаманда ўсган сарв дарахти ҳам, сарви равон, яъни сарв қадли маҳбуба ҳам яшил либосга бурканади: инсон ҳам, табиат ҳам яшариш, янгиланиш палласига киради. Шоирнинг яна бир ғазалида ажойиб бир ўхшатишга дуч келамиз:

**Васл аро кўрдим, тенг эмиш бўйию сочи —  
Туну кун экан, зоҳир улур бўлди чу Наврўз.**

Наврўз айнан тун билан кун тенглашган пайт. Одатда мумтоз адабиётда ёрнинг тимқора сочи қоронги тунга ўхшатилади. Унинг оппоқ вужуди эса, аксинча ёруғ кундузни эса солади. Бу ерда маҳбубанинг бўйи-баста ва сочи орасидаги тенглик ўз-ўзидан табиатдаги тенг кунлик — Наврўзга қиёс этилмоқда.

Ҳазрат Навоийнинг муборак қаламидан тўкилган “Ҳар тунунг қадр улубон, ҳар кунунг ўлсун Наврўз”, “Менга ҳар кун байрам, ҳар лаҳза наврўзе керак” сингари мисралари бу байрамни улуг мутафаккиримиз нечоғли қадрлаганини кўрсатади.

Мумтоз адабиётимизнинг яна бир буюк намояндаси Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодида ҳам баҳор тасвири, Наврўз васфи алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир ғазал-

ларидан бирида Наврўз ёр васли, шоду хуррамлик рамзи сифатида тилга олинади:

**Юзи наврўзию васл ийдини Бобур ганимат тут,  
Ки мундин яхши бўлмас, бўлса юз Наврўзу байрамлар.**

Асрлар ўтса-да, замонлар, давру давронлар ўзгарса-да, Наврўз халқимизнинг энг гўзал қадриятларидан бири сифатида эъзоз топиб бораверди. Шоирларимиз бу байрамни васф этишдан, ундан завқ-шавқ илҳом олишдан тўхтагани йўқ. Оташ-нафас шоира Нодирабегим ҳам ўз ғазалларида бу қутлуғ кунни ўзгача нафосат ила тараннум этган:

**Эй меҳри жамоли оламафрўз,  
Айёми висолинг — ийди Наврўз.**

Мазкур байтда ҳам жамоли оламини чароғон этгучи ёр билан кечгучи висол онлари Наврўз байрамга қиёсланади. Ўзбек адабиётининг яна бир забардаст вакили Муҳаммад Ризо Огаҳий бу байрамни ўзгача таърифлайди:

**Қилиб ойини меҳр оғоз Наврўз,  
Келиб киш фаслинг этди ёз Наврўз.  
Жаҳон сар то қадам файзу сафола,  
Бўлуб жаннатга файз андоз Наврўз.**

Дарҳақиқат, шоир айтганидек, Наврўз кириши билан қишнинг қаҳратон кунлари интиҳо топиб, табиатга, инсон руҳиятига ҳам илиқлик югуради. Қалблар меҳр-мурувватга, эзгуликка ошно бўлади. Наврўз келиши билан бутун борлиқ ўзгача файзу тароват, жаннатий гўзаллик касб этади.

Наврўз — қадимий ва боқий байрам. Бу қутлуғ айём ўнлаб мамлакатларда катта шодиёна, хурсандчилик билан кутиб олинади. Халқимиз неча минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик ва тенглик рамзи сифатида нишонлаб келади.

Наврўз кунлари ўтказиладиган сайиллар, турли-туман халқ ўйинлари, улоқ-кўпқари мусобақалари, тайёрланган тансиқ таомлар бу байрамнинг халқимиз ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутишини яққол кўрсатади. Наврўз кунлари гина-кудуратларни унутуш, яқин-йироқдаги қадрдонлар ҳолдан хабар олиш, ўзгалар эътиборига муҳтож кишилардан ҳол сўраш, меҳр-мурувват кўрсатиш ҳам ибратли аъналаримиз сирасига киради.

Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасига кўклам нафаси, Наврўз нашидаси кириб бормоқда. Халқимиз бу йилги Наврўзни ҳам юртимизга кут-барака, фаровонлик, тўқинлик, бахт-саодат олиб келсин, деган эзу ниятлар билан қарши олмақда.

Рустам ЖАББОРОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

## ТЎҚАЙЗОР ЎРМОНЛАР ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА БОЙ



«Зарафшон дарёси водийсида тўқай ўрмонзорларини тиклаш — минтақада биохимиа-хилликни сақлаб қолиш учун имконият». Ўзбекистонда ана шу ном остидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланди.

Маълумки, Зарафшон дарёси ўз аҳамияти жиҳатидан мамлакатимизнинг учинчи сув ўзанидир. Бу дарё Тожикистон ҳудудидagi юқори тоғ музликларидан бошланиб, ғарбий йуналишда пинмода Туркистон ва Ҳисор ҳамда жанубда Зарафшон тоғ тизмалари орқали шиддат билан оқади. Тоғлардан чиқишда у кенг ва кўп сувли оқимга айланади ва тоғлар билан қуршалган кенг водий бўйлаб салобат ила оқади.

Узулиги (870 километрдан ортиқ) ва ҳавзасининг майдони (18 минг квадрат километр) бўйича Зарафшон фақат Амударё ва Сирдарёдан кичикроқ ҳисобланади. Инсон қадим замонлардаёқ сериельат Зарафшон водийсини ўзлаштириб, бу ерда Самарқанд ва Бухоро каби сайёрамизнинг энг қадимий шаҳарларини бунёд этди. Миллоддан аввалги биринчи миң йиллик ўрғаларида бош-лаб дарё соҳилида мавжуд бўлган Сўғдиёна давлатини араб олимлари ва сайёҳлари ердаги жаннат, деб аташганлар.

Бундай фикр эса тасодифан пайдо бўлган эмас: қадим-қадимдан дарё водийси боғларга жуда бой бўлган. Бу боғлар ёввойи дарахтлардан урик, нок, олма, узум ва бошқа маданий ўсимликларнинг таъми ва хушбўйлиги бўйича ажойиб навларини келтириб чиқарган халқ селекционерлари меҳнати натижасида яратилган.

Ушбу нобой навлар айнан шу ердан бошлаб сайёҳлар ва савдогарлар билан биргаликда Буюк Ипак йўли бўйлаб дунё мамлакатларига тарқалган. Ҳатто ватани Хитой ҳисобланмиш шафтоли ҳам Зарафшон водийсида ўзининг иккинчи ватанини топган. Водийда маҳаллий селекционерлар томонидан олиб борилган ишлар натижасида янада ажойиб таъм сифатларига эга бўлган шафтоли яна ўзининг тарихий ватанига қайтди ва бошқа мамлакатларга ҳам кенг тарқалди.

Минг йиллар мобайнида инсон Зарафшон водийси ерларини плантациялар ва боғу роғларга айлантирди. Қадим даврлардан

эсдалик бўлиб фақат унча катта бўлмаган яшил оролчалар, аниқроғи, дарё ўзани ёқасида жойлашган реликт (қадимги) ўрмонларгина қолган. Тирик ва ўлик дарахтлардан ташқил тошган бутазорларнинг ўтиш жуда қийин бўлган жойлари ажойиб ва бой ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламидан иборат бўлган ҳақиқий жунгли (накалакзорни) эслатади. Айнан шундай жойлар Марказий Осиёда тўқай ўрмонлари, деб аталади.

Ушбу ўрмонлар узоқ геологик давр — палеоген даврида — бундан 60 миллион йил аввал шакллана бошлаган. Урта вақтларда Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган улкан қадимий дарё аста-секин чеккина бошлаган. У ўзидан сўнг қўллар ва серсув дарёларни қолдирган, уларнинг соҳиллари бўйлаб динозаврлар сайр қилиб юрган. Ўлкамизнинг кўплаб жойларида топишган тоғ жисмларида қайд этилган уларнинг қотиб қолган оёқ излари ҳам бундан далолат беради.

Тўқайларда ўша қадим даврлардан қолган тропик ўсимликлар оролчаларини, Зарафшон дарёси қуйилувчи Қизилқум саҳросида эса биз Африка саванналари ўсимликларини учратишимиз мумкин. Олимлар томонидан ҳозирги замонавий афро-осиё саҳролари ўсимлик дунёси ватани Марказий Осиё эканлиги аниқланган. Тўқайзорларда ўсувчи дарахтларнинг асосий турлари — бу терак ёки тўрангил (теракининг бир тури), мажнунтол, заранг, тол, юлғун, жийда, жиптидир. Дарахтлар, худди ҳақиқий жунглилардаги сингари, лианалар билан ўралган. Намлик кўпроқ жойларда кендир (толали ўтсимон ўсимлик) ва қамиш ўсади. Қуёш нурлари тушиб турадиган майдончаларда янгоқ кўпроқ учрайди.

Тўқай — 60 дан ортиқ хилдаги доривор ўсимликлар ўсадиган макон. Улар ичида энг танқиллари — зирк (барбарис), қизилпойча (зверобой), чаканда (облепиха), ширинмия, наъматак, қирқбўғини, баргизуб. Бундан ташқари, 20 хилдан ортиқ манзарали ўсимликларини учратиш мумкин. Ўнлаб техник ўсимликлар ичида мажнунтол ва теракининг бир қанча турлари учрайди. Мевали-резавор ўсимликлар тўқайзорларда яшовчи ҳайвонлар ва қушлар учун емиш сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Бу ерлар ёввойи ҳайвон ва қушларга бой эканлигини нам шўрхоқ ерлар ва кумларда акс этган уларнинг изларидан ҳам аниқлаб олиш мумкин. Бундан бир аср муқаддам бу тўқайзорларда кўплаб тўғизларини учратиш мумкин эди. Улар турон йўлбарси учун асосий емиш эди. Маҳаллий жунглилар гўзали, ўша вақтларда ҳатто Тошкент атрофида пайдо бўлиб турган бу йўлбарс тури тўғиз поддалари ҳамда улар яшайдиган жойлар — тўқайлар ва қаминзорларнинг кескин қисқариб кетиши натижасида йўқолиб кетди.

Айнан шу сабаб тўқай ўрмонларининг яна бир гўзали ва фаҳри — бухоро бугуси ёки хонгўлининг йўқолиб кетишига олиб келди. Хонгули Халқаро табиатни муҳофаза қилиш интифоқи Қизил китоби ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кириштирилган. Юзага келган вазиятни тўғрилаш мақсадида бухоро бугусини сақлаб қолиш ва кўпайтириш бўйича Халқаро дастур иш-лаб чиқилди. Мазкур дастур 1995 йилдан буён Франция илмий талқиқотлар миллий маркази ва Франция ташқи ишлар вазирлиги, Голландия ҳукумати ва бир қатор халқаро жамғармалар кўмагида амалга оширилмоқда. Дастурни амалга ошириш учун Зарафшон дарёси тўқайларида жойлашган давлат кўриқхонаси ташланган.

Мазкур тўқайзорларда машҳур зарафшон қирғовулини тиклаш ва сақлаш, бошқа ҳайвонлар ва қушларни кўпайтириш борасида талқиқот ва илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бунга тўқайзор ўрмонларини тиклаш борасидаги юқорида номи тилга олинган лойиҳа ҳам катта ёрдам бериши, шубҳасиз. Ушбу лойиҳани амалга оширишда мутахассислар билан бир қаторда маҳаллий ўрмон ҳўжалиги ходимлари, атрофда яшовчи аҳоли, фермерлар, мактаб ўқувчилари, Самарқанд давлат университетини биология факультети мутахассислари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича вилоят қўмитаси вакилларининг биргаликдаги сайёҳаракатлари албатта кўзланган мақсадга етишда муҳим омил бўлади, деб ишонамиз.

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.



# МАСЛАҲАТ

## ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ — УСТУВОР МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақидаги Фармонига мувофиқ Республика Ҳарбий прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, қўшинлар қўмондонликлари ва қўмита раислари томонидан имзоланган режа асосида ўтган давр мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ва фуқаролар ўртасида қонунчиликни таъминлаш, улар ўртасида қонунларни

тарғиб қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Республика ҳарбий прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишини янада яхшилаш, суриштирувчиларнинг билими, малакаси ҳамда тажрибасини ошириш борасида доимий равишда амалий ўқув машғулотлари ўтказиб бориш йўлга қўйилган. Ўқув машғулотларига тажрибали прокурор-тергов ходимлари, эксперт мутахассислар, психолог олимлар жалб қилинган бўлиб, бу қатнашчиларнинг назарий билимларини яна-

да оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари суриштирувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида процессуал ҳужжатлар намуналари тўплами ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, процессуал ҳужжатлар намуналари тўплами асосида Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи ва унга мувофиқ «Йўриқнома» ишлаб чиқилди.

Республика Ҳарбий прокуратураси органлари ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ишни ҳамкорликда ташкиллаштириш, суриштирувчиларнинг малакасини ошириш орқали жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш билан бир қаторда фуқа-

ролар ўртасида қонунларни тарғиб қилиш тадбирларига катта эътибор қаратмоқда.

Бу йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда ҳокимият органлари ва ўзини-ўзи бошқарув идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутаяди. Айниқса бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, уларда очиқ мулоқотлар ва учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Адлия подполковниги

**Б. КАЗАКОВ,**

**Фаргона ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси.**

## СУВ ҲАЁТ МАНБАИ ВА...



Сув ҳаёт манбаидир. Шу ўринда унинг ҳаётбахш аҳамиятини таърифлаб ўтиришимизга ҳожат бўлмаса керак. Халқимизда «ўт балосидан, сув балосидан асрасин...» деган гап бор. Халқнинг ҳар бир гапида бир ҳикмат яширин. Ҳаётни сувсиз тасаввур қилиб бўлмагани ҳолда унинг бало эканлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Табиий офат бўлган сув тошқинлари ана шу балонинг бир кўринишидир.

Айни дамларда юртимиз кўкларнинг

муаттар бўйлари билан тўлиб-тошган. Оламни асир қиладиган ана шу гўзал фаслнинг ҳам инсонларни ташвишга қўядиган ўзига яраша инжиқликлари бор. Табиий офатлар ичида энг хавфлиси саналган сув тошқинлари айнан шу фаслда юз бериши мумкин. Бунинг сабабчилари қуйидагилар саналади: кучли ёмғирлар қуйиши, қорнинг тўхтовсиз эриши, кучли шамоллар, дарёларда сунъий тўғонларнинг юзага келиши, гидроиншоотларнинг ер силкиниши

ёки бошқа сабаблар билан бузилиши.

Кейинги йилларда сув тошқини дунёнинг турли жойларида бот-бот юз бермоқда. Масалан, кучли ёмғирлар ёғиши натижасида сув сатҳи кескин кўтарилиб кетади, дарё, кўллардан сув тошиб, экин майдонлари, аҳоли турар-жойлари, йўллар сув остида қолади. Бундан ташқари электр энергия, алоқа узатиш, мелиоратив тизимлар ишдан чиқиши мумкин.

Дарё сувларининг оқимига тескари эсадиган кучли шамоллар ҳам тошқинга сабаб бўлади. Бундай шамоллар ҳам сув сатҳининг кескин кўтарилишига олиб келади. 1997 йилда Вьетнамда юз берган сув тошқини ҳам ана шундай кучли шамол натижасида юзага келган. Бунинг натижасида катта ҳудуддаги уй-жойлар, моддий ресурслар сув остида қолиб, кўплаб одамлар ҳалок бўлишган.

Биз юқорида тошқинга сабаб бўладиган ҳолатлардан бири сифатида сунъий сув тўғонларини тилга олиб ўтдик. Мазкур тўғон қандай ҳосил бўлади? Маълумки, дарё сувлари муттасил оқиб туради. Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши дарё сувларининг музлашига олиб келади. Илқ кунлар бошланиши билан музлар ёрилиб, оқимга эргашади. Ана шундай ҳолатларда музликлар йиғилиб, сувнинг оқимига қарши тўсиқлар ҳосил қилади. Бу тўсиқлар сунъий тўғон дейилади. Сунъий тўғонлар туфайли юзага келадиган сув тошқинлари дунё миқёсида тез-тез юз бериб туради.

Табиий офатлар кутилмаганда содир бўлиши билан хавфлидир. Шундай бўлса-да, унинг олдини олишга ёки эҳтиёт чоралари қўллашга ҳаракат қилиш керак. Катта миқдорда сув сақланадиган гидроиншоотларнинг халқ хўжалигида беқиёс аҳамияти борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Мазкур иншоотларга ер силкиниши, ер сурилиши, кучли селлар каби табиий ҳодисалар жиддий зарар етказиши мумкин. Буларнинг олдини олиш мақсадида республикамиздаги сув омборларининг ҳар бирида бирламчи ва иккиламчи сақловчи платиналар қурилган. Ҳар бир платинанинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун темир-бетон қоришмалардан фойдаланилган.

Сув тошқинларига қарши қўлланиладиган омиллар талайгина. Масалан, дарёлар сувининг сарфланиш даражасини ошириш шулар жумласига кирди. Бунда сув дарахтзорларга қўйиб юборилади, оқимга қарши далалар кўндаланг қилиб чуқур ҳайдалади ва ҳоказо.

Сув тошқини ғоят жиддий талафотларга сабаб бўлади. Бундай талафотлар мамлакат иқтисодига зарар етказиши мумкин. Табиат ҳодисаларини олдиндан билиш мушкул. Шундай бўлса-да уларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш, эҳтиёт чораларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**Ўктам РЎЗИҚУЛОВ,**  
**Маҳмуд ИЛҲОМОВ.**

## БЎҒМА

Бўғма (дифтерия) ўткир юқумли касаллик бўлиб, бемор одамдан соғлом одамга ҳаво-томчи орқали юқади. Касалликни бактериялар туркумига кирувчи бўғма таёқчалари чақиради. Бўғма қўзғатувчилари хона ҳавосида 18–40 кунгача яшайди. Улар зарарсизлантирувчи воситалар таъсирига жуда чидамсиз бўлиб, қайнатилганда ва қуёш нури таъсирида тезда ўлади, лекин совуқ шаронда ҳаёт фаолиятини узоқ муддат сақлаб қолиш хусусиятига эга.

Одатда аҳоли ўртасида табиий равишда соғлом бактерия ташувчилар бўлади. Янги жамоаларнинг ташкил топиши сабабли хасталик соғлом ташувчилар орқали бошқаларга мулоқот орқали юқиб, уларнинг касалланишига сабаб бўлади.

Бўғма микроблари асосан бурун-халқум, баъзан эса кўз, жинсий аъзолар шиллиқ пардалари ва теридаги жароҳатлар орқали одам танасига кириши мумкин. Касаллик юққандан сўнг, унинг клиник белгилари пайдо бўлгунгача бўлган давр (яширин даври) 2–10 кунни ташкил қилади. Қўзғатувчилар

кўпинча томоқдаги бодомча безларини зарарлаб, маҳаллий яллиғланишни пайдо қилади. Яллиғланган жойда оқ рангдаги тўрсимон парда ҳосил бўлиб, у кун сайин дағаллашиб, тарқалиб боради. Бўғма шамоллашнинг клиник белгилари каби бошланиб, умумий ҳолатининг, тана ҳароратининг кўтарилиши, ҳамда томоқда кучсиз оғриқ билан пайдо бўлади, лекин бунда бурун битиши, оқини кузатишмайди.

Беморга тўғри ташхис қўйилиб, вақтида даволанса ва комплекс даво чоралари кўриلسа, касаллик 5–10 кун давомида аста-секин чекинади. Агар даволанмаса, юрак, буйрак жароҳатланади, юмшоқ танглай фалажланиши туфайли овқатни ютиш қийинлашади.

Бўғма таёқчалари кучли таъсир этувчи токени (заҳар) ишлаб чиқаради ва у қонга сўрилиб, организмнинг умумий заҳарланишига сабаб бўлади, юрак мушаги, буйрак усти безлари ва периферик асаб тизимини шикастлайди. Қўзғатувчи токени таъсирида томоқнинг шиллиқ қаватида ва юз соҳасида ишн пайдо бўлади, бунинг оқибатида нафас

олиш қийинлашади. Бемор бўғилиш ва юракдаги ўзгаришлардан нобуд бўлиши мумкин.

Ушбу касаллик уюшган жамоалар ўртасида тез тарқалиш хусусиятига эга, шунинг учун қиш ва баҳор ойларида ҳарбий қисмларда, мактаб ва болалар боғчаларида олдиндан тушунтириш ишлари ва эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим. Бўғма тарқалишининг олдини олиш учун уни барвақт аниқлаш, беморларни тезда касалхонага ётқизиш, дезинфекция ишларини кучайтириш зарур.

Касалликка чалинмасликнинг энг мақбул йўли унга қарши режали равишда эмлашдир. Ҳозирги вақтда республикамизда болаларни бўғмага қарши эмлашнинг режали равишда олиб борилиши, улар ўртасида касалланиш даражасини кескин камайишига сабаб бўлди. Қуролли Кучларда ҳам ёш аскарларни режали равишда бўғмага қарши эмлаш натижасида касалланишнинг олди олинмоқда.

Ҳарбий хизматчилар орасида бўғма ва бошқа ҳаво-томчи орқали юқувчи юқумли касалликларнинг олдини олиш



учун биричи навбатда танани чиқиштириш, бадантарбия билан мунтазам шуғулланиш ва тоза ҳавода сайр қилиш керак. Қолаверса, ухлаш ва синф хоналари ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш, пол, дераза тоқчалари ва мебелларни зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида ҳар кун ювиш ва артиш ҳам касаллик чақирувчи микробларни йўқоттишга ёрдам беради.

**Тиббий хизмат майори**  
**А. АБЛОҚУЛОВ.**

# НАВРЎЗНОМА

НАВРЎЗ

## ҚУТЛУФ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ҳар бир халқнинг асрлар оша синондан ўтган абадий, гўзал ва ҳамиша навқирон байрамлари бўлади. Халқимизнинг қадимий, асрлар талотўпида ўзига хослиги ва моҳиятини йўқотмаган улуг байрамларидан бири Наврўздир.

Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да Наврўзнинг вужудга келишини «Эл-юртга фақат яхшилик келтирган шоҳ билан боғлиқ» деб асослайди:

Жамшид сочар олтину гавҳар,

Шу куни Янги йил – байрам дейишар.

Наврўз байрамнинг юзага келиши илмий жиҳатдан қўшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг баробар бўлиши, кундузнинг узая бориши, табиатнинг уйғониши, далаларда янги иш мавсумининг бошланиши билан бевосита боғлиқ бўлганлиги тасдиқланган. Наврўзнинг байрам сифатида кенг нишонлангани ҳақидаги дастлабки маълумотлар олов, сув, тупроқ ва ҳавони муқаддас деб билган зардуштийлик динида, дostonлар ва халқ оғзаки ижодида ўз аксини топган.

Уч минг йилдан ошқроқ вақт давомида эъозланиб, давом этиб келаётган мазкур қадрият халқимиз турмуш тарзи, аждодлар маънавий меросининг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Аслида унинг сарчашмалари ўлкамизда пайдо бўлган илк деҳқончилик, яъни неолит даврига бориб тақалади. Яъни деҳқончилик ва шаҳар маданияти юзага келиши бу байрамнинг шаклланишига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ёзувнинг пайдо бўлиши ва «Авесто»нинг яратилиши, антик замонда юзага келган бой оғзаки ижод ва адабиётда ёритилган бадий образлар Наврўз ҳақидаги қарашларни юзага келтиради.

Наврўзда дастлаб турли диний маросимлар, удумлар бажарилган, деҳқончилик билан боғлиқ маросимлар, расм-русумлар адо этилган, хос таомлар тайёрланган. Бундай таомларнинг энг олийси – сумалак ҳисобланади. Наврўзда амал қилинадиган барча удум ва маросимларда диққат-этибор кўпроқ деҳқончилик учун шароит-иқлимнинг яхши келиши, ҳосил мўл бўлишига қаратилади. Шу мақсадда, янги йил серсув ва серҳосил бўлиши учун Наврўз кунлари одамлар бир бирларига сув сепишган. Бу одат яқин кунларгача Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларининг баъзи ҳудудларида сақланиб келади. Урта Осиё халқлари маросимларида гулхан (ёки чироқ) ёқиш анъана ҳисобланган. Уйлар ва хоналар турли буталар, гуллар билан безатилган, одамлар бир-бирларига ун сепишган, бўялган тухумлар, пуллар совға қилишган. Байрам дастурхонини турли хил кўк сомсалар, нознеъматлар тўлдириб турган. Абу Райҳон Беруний ёзишича, «Наврўзнинг биринчи куни эрталаб асал еган одам, йил бўйи касал бўлмас экан. Айёмнинг олтинчи кунини эрта билан бир сўз айтишдан олдин қанд еса, бало-офатлардан фориғ бўлар экан».

«Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди», дейилади Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама»сида.

Ўрта аср тарихчиси Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Наврўз кунлари Самарқандда ҳамма жойда машшоқлар мусиқа чалишар, хонандалар куйлашар, рақслар ижро этиларди. Ижрозчилар ўзларининг қизиқ ҳикоялари, шўхликлари билан томошабинларга катта қувонч бағишлардилар. Наврўзни нишонлаш уч кундан тортиб, баъзан далаларда экин экиш ишлари бошлангунча давом этгани тарихий манбалардан маълум. Уларга кўра, байрам арафасида махсус йиғинлар ўтказилиб, белгиланган тadbирлар раиси сайланган. Одатда байрам кунлари карнай-сурнайлар чалиниб, дорбозлар, масхарабозлар, полвонларнинг чиқишлари, кўпкари, пойга, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилган, бедана, хўроз, қўчқор уриштириш каби халқ ўйинлари ўтказилган. Байрам арафасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилган. Бу кунда қавму қаришдошлар, дўсту биродарлар бир бирлариникига меҳмонга боришган, ўртадаги хафагарчилик, гина-кудуратлар унутилган. Тантаналар тугагач, деҳқонлар баҳорги дала ишларини бошлаб юборишган. Асрлар давомида мазмунан бойиб, теранлашиб борган Наврўз турли жойларда ўзига хос ранг-баранг анъаналари билан гўзал бўлган. Айниқса, Тошкент, Хоразм, Бухоро, Сурхон воҳалари, Қўқон, Шаҳрисабз шаҳарларида бу улуг айём ниҳоятда катта тантаналар билан нишонланган.

Мустабид тузум даврида маълум даражада унутилган Наврўз юртимиз мустақилликка эришгандан кейин гўё қайта дунёга келди. У ўзининг ҳақиқий ўрнини топиб, умумхалқ байрамига айланди. Истиқлол йилларида ушбу улуг ва муқаддас қадриятимизни эъозлаш, тантанали ўтказиш, ёш авлод онгида бу каби маънавий меросимизга ҳурмат, эҳтиром уйғотишга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Ҳар бир вилоят, туман, қишлоқларда Наврўзни кўтаринки руҳда, том маънода умумхалқ байрами сифатида нишонлаш анъанага айланган фикримизни тасдиқлайди. Мудоффа вазириликка қарашли ҳарбий қисм, муассаса ва ташкилотларда ҳам байрамга қизгин тайёргарлик кўрилади. Айниқса, яқинда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарлар учун Наврўз – кўшалок байрам. Чунки айнан байрам арафасида улар Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга содиқлик онтини ичадилар.

Ўлкамизга баҳор нафаси уфуриб, Наврўзи олам кириб келмоқда. Улуг аждодимиз Маҳмуд Қошғарий ибораси билан айтганда, бундай «шодлик ва хурсандчилик кунини ёмонлар яхши, ҳасиллар сахий, хунуқлар гўзал, гўзаллар эса, яна ҳам гўзаллашиб, олам гулистонга айланар» экан. Бунга шубҳа йўқ. Аждодларимиз қадрлаган, эъозлаган бу байрамда минг бир ҳикмат ниҳон экани барчага бирдай аён. Шу бонс ҳам «ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз!» – деган эди Ҳазрат Навоний.

Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Дилором РАҲИМОВА,  
Куролли Кучлар Марказий  
музейи илмий ходими.

## ҚАДИМ НАВОЛАРГА ЎЗИНГ БЕШИКСАН!

Марказий Осиё халқлари милoddан аввалги III асраёқ Наврўз байрамни Янги йил тариқасида кенг нишонлаганлар. Янги йил – йилнинг биринчи куни бўлиб, дунёдаги кўпгина халқларнинг энг муҳим байрамидир. Янги йилни кутиб олиш ва нишонлаш турли даврларга тўғри келган. Масалан, бизда Наврўз 21 март куни, европаликлар Янги йилни 1 январда, мўғул ва хитойликлар Янги йил – Цагалган байрамни февралда нишонлайдилар.

Баҳор фаслининг кириб келишини кутиб олишга тааллуқли бўлган барча урф-одатлар орасида Янги йил – Наврўз шакл ва мазмунан алоҳида ўрин тутати. Наврўз кишиларни табиатга яқинлаштирган, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро узвий алоқадорликни акс эттирган шарқ халқларининг ажойиб ва ноёб маданий-маънавий меросидир.

Қадим-қадимдан халқимиз Наврўз арафасида ризқ-рўзимиз манбаи бўлгани она ерга алоҳида меҳр билан ишлов бериб, уруғ қадаган, кўчат экиш маросимлари ташкил этилган, хилма-хил тансиқ таомлар, пишириқлар тайёрланган, турли мусобақалар, ўйин-кулгилар, сайиллар ва ҳоказолар бўлиб ўтган. Дарҳақиқат, Наврўз барчага олам-олам қувонч келтириб, маънавий озик берадиган қадимий анъанамиздир.

«Наврўз» деҳқонларнинг баҳорда дастлабки дала ишларини бошлашлари билан боғлиқ маросимдир. «Наврўз»нинг охириги кунларида ерларни шудгорлаш, экин экиш бошланади. Худди шу ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда «қўш-қўшиш», «қўш оши» «биринчи чигит» («Экин сайли») каби кўплаб удумлар вужудга келган.

Март ойининг бошланиши биланоқ катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган қариялар янги мавсум режаларини тузганлар, намгарчиликка, об-ҳавога қараб, қайси ерларга қандай экин экиш, суви қандай бўлиш ва уни тежаб-тергаб тақсимлаш, қайси кундан бошлаб ерни ҳайдаш, чигит қадаш, от-улов, омонларни ер ҳайдашга ҳозирлаш каби кўплаб масалалар хусусида маслаҳатлашиб олганлар.

Қадимий ва навқирон Наврўз республикамизнинг турли

шаҳар ва қишлоқларида ўзига хос нишонлаган. Байрам давомида полвонлар, аскиячилар, қизиқчилар, кўғирчоқбозлар, дорбозлар, бахши ва созандалар ўз санъатларини намойиш этганлар, халқ сайли, турли қадимий ўйинлар ўтказилган.

Наврўз – халқимизнинг яратувчанлик меҳнати билан боғлиқ, орзу-умидларини куйлаган, унинг турмуш тарзи, маънавияти, миллий руҳини тараннум этган, бой миллий санъат ва урф-одатларни ўзида мужассам этган байрамдир.

Манбаларда Наврўзнинг кўҳналиги, бир неча минг йилликларга дахлдорлиги ҳақида ривоятлар кўп. Энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём асарларида келтирилади. Алишер Навонийнинг «Садди Исқандарий» дostonида ҳам Наврўзнинг қадимдан байрам қилиниши таъкидланади.

«Наврўзнама» асарида Наврўз нишонлангани ҳақидаги ривоятлар подшоҳ Жамшид даври билан боғлаб кўрсатилади. «Жамшид шу кунини (Фарвардин ойининг боши) Наврўз аталсин, деб фармон берди ва одамларга ҳар йили Фарвардин ойини киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди», – деб ёзади Умар Ҳайём.

Маҳмуд Қошғарийнинг (XI аср) «Девони луготит турк» асарида ҳам бу ҳақда қимматли маълумотлар баён этилади.

X асрнинг буюк тарихчиси Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида ёзишича, қадимги варахшаликлар янги йил байрамни «Наврўзи кишоварзон», яъни «Деҳқонлар наврўзи» деб аташган. Бухоро деҳқонлари асрлар бўйи йил ҳисобини Наврўздан бошлаб юритишган. Наршахий бухороликларнинг Наврўзни қандай нишонлаганликлари билан боғлиқ мисоллар келтиради.

Ҳа, Мустақиллигимиз шарофати билан ўзимизга қайтган, қайтаётган барча қадриятларимиз бири-биридан азиз. Аммо Наврўзнинг гашти бўлақча. Наврўз – элимизнинг муроду мақсадини куйлаган, юртимизнинг орому осойишини ўйлаган, бутун борлиққа мурувват айлаган, бағрига эзгу муҳаббатни жойлаган, ёмонликлар йўлини бойлаган, яхшиликдан дoston сўйлаган, барчани бирдай сийлаган байрамдир.

Гулчеҳра ИБРАГИМОВА.



# ТУРФА ОЛАМ

## ҚАНОТСИЗ... САМОЛЁТ

Белорусиянинг «Камертон» истиқболли технологиялар унитар корхонаси энгил двигателли, қанот ўрнида чўзиқ, доирасифат мослама ўрнатилган самолёт лойиҳасини ихтиро қилди.

Экспертлар ушбу учиб аппаратининг бир неча қулайликлари борлигини таъкидлашмоқда. Масалан, оддий Ан-2 самолёти парвоз пайтида ён томондан эсанган 6 м/с тезликдаги шамолга ё парвоз курсини ўзгартириши, ёки парвозни умуман тўхтатишига тўғри келади. Ушбу самолёт эса, парвоз пайтида ён томондан эсадиган шамолга ҳозирги мавжуд ҳаво кемаларига қараганда икки баравар чидамлироқ. Яна бир қулайлиги, жуда қисқа масофада ва унчалик текис бўлмаган майдонда қўниш имкониятига эга. Шу билан бирга, унинг ҳавога кўтарилиши, бурилиши учун ҳам кўп масофа талаб қилинмайди. «Камертон» томонидан тарқатилган хабарларга қараганда, келгусида самолётни қўшни ва Европа мамлакатларида намоиш этиш учун ҳам пухта режалар тузилган. Айни кунларда янги самолёт синаб кўрилмақда.



## ФИЗИКИ СОЗДАЛИ ПРОТОТИП БАТАРЕИ НА СПИНАХ

Невероятная электродвижущая сила (ЭДС) спинового происхождения в специально подготовленной наноструктуре может открыть дорогу к созданию аккумуляторов, хранящих энергию «в квантовой форме». Так полагают ученые, поставившие новый эксперимент — Стюарт Барнс (Stewart E. Barnes) из университета Майами (University of Miami) и его коллеги из университетов Токио (University of Tokyo) и Тохоку (Tohoku University).

## ЭНГ КАТТА ХАЗИНА

АҚШлик хазина қидирувчилар инсоният тарихидаги энг катта хазинани топишди. У ярим тонна олмос ва 16 миллион каратли бриллиант, 70 тонна платина, 10 тонна олтин қўймаси (ёмбисен)дан иборат. Мазкур бойликнинг ярми Россияга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Қимматбаҳо хазина 1942 йил Америка минтақаси соҳилларида яқин жойда гарқ бўлган кема триумларида қўним топган. Топилманинг бугунги кундаги нархи 3,6 миллиард долларни ташкил этади. Кемани Американинг Sub Sea Research компанияси аниқлаган ва бу ҳақда хабар беришни истамаган экан. Бугунги кунда кеманинг қаердалиги ва номи сир тутилмоқда. Sub Sea Research компаниясининг расмий хабарларига кўра, мазкур кема иккинчи жаҳон уруши пайтида Европа портларининг биридан чиққан ва АҚШга ленд-лиз бўйича катта миқдорда бойлик келтирилган бўлган. Аммо кема манзилга етиб бормайди. Гайана соҳилларидан 40 миль узоқликда уни Германия сувости кемаи — U-87 чўктиради. Ушбу хазинага юридик жиҳатдан АҚШдан ташқари Россия, Буюк Британия ва Гайана даъво қилиши мумкин.

## С ПОМОЩЬЮ GOOGLE EARTH ОБНАРУЖИЛИ ГИГАНТСКУЮ ЛОВУШКУ ДЛЯ РЫБ

Снимки Google Earth помогли археологам найти древнюю ловушку для рыб. С помощью интернет-атласа Google Earth археологи, изучавшие аэрофотоснимки подводного рельефа около побережья Западного Уэльса (Великобритания), обнаружили гигантскую ловушку для рыб, предположительный возраст которой составляет тысячу лет.



## РИМЛЯНЕ ВЫСТРОИЛИ АКВЕДУК ДЛИНОЙ В 170 КИЛОМЕТРОВ

Немецкие ученые изучают гигантский акведук, большая часть которого построена под землей. Исследователи узнали, когда, как и зачем акведук строился, но не решили еще множества загадок древнего водопровода. Римские инженеры создали акведук длиной более чем в 170 км, чтобы обеспечить водой города древней римской провинции Сирии. По словам ученого, который обнаружил это древнее сооружение, акведук строился более века.



## СЕМИЗ ОДАМГА МАХСУС АВТОМОБИЛЬ

Дунёдаги энг оғир вазили одам — мексикалик Мануэл Урибе учун автомобиль ясаб берилди. Бу айнан Мануэл Урибе учун 1989 йилда ишлаб чиқарилган Chevrolet Astrovan автомобилига бир қатор тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш орқали амалга оширилди. Хусусан, машинанинг том қисми умуман олиб ташланди, ён ва орқа ўриндиқлар ҳам кераксиз деб топилди. Мануэл рулга хотинини ўтқазиб, ўзи орқа ўриндиқда жойлашадиган бўлди. Урибени автомобилдан тушириш ва кўтариш учун унча катта бўлмаган кўтариш кранидан фойдаланилади. Мануэл Урибени «Меме» деб атагани боис янги машинага ҳам шундай ном беришди: «Меме-мобиль».

Мануэл Урибе 2006 йилда ер юзидаги энг оғир вазили киши сифатида «Гинеснинг рекордлар китоби»га киритилган. Уша пайтда унинг оғирлиги 560 килограммни ташкил этарди. Сўнгги дамларда у 250 килограммгача тушишга эришди. Меме рафиқаси билан ушбу машинада денгиз бўйига боришни режалаштирмоқда.



## ЯНГИ ТИЗИМ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Европада назарий жиҳатдан бир дақиқа ичида 12,5 гигабитгача маълумотлар етказиб беришга қодир бўлган янги симсиз алоқа тизими такдим этилди.

Янги технология Wi-Fi га ҳам, WiMax га ҳам ўхшамайди, чунки у миллиметр ва субмиллиметрли диапазонда ишлайди, деб хабар беради Cyber Security.ru сайти. Шу вақтгача бу диапазонни ҳеч ким телекоммуникацияларга мос ҳолда кўриб чиқмаган, ундан радар тизимлари, хавфсизлик тизими, радиоастрономик телескоплар, ҳарбий тизимлар соҳасида фойдаланилган эди.



Технология ишлаб чиқувчиларининг таъкидлашича, улар истиқболли радио ва оптик технологияларни бирлаштириш ҳисобига ишлаб чиқаришда «квант сакраш»ни амалга оширишга эришган бўлсалар-да, бу янгиликни Европада амалий рўёбга чиқариш 2012-2014 йиллардан олдин рўй бермайди.

Маълумотларни тезкор узатиш тизимини ишлаб чиқиш Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган ИРНОВАС лойиҳаси доирасида олиб борилди. Унда академик ва саноат доиралари вакиллари иштирок этган. Бу борадаги тадқиқот ишлари давом этмоқда.

## КЕНГ КўЛАМЛИ ТАДБИР

28 март шанба кунини инсоният тарихидаги энг катта акция бўлиб ўтади. Халқаро ёввойи табиат жамғармаси томонидан ташкил этилаётган «Ер вақти-2009» номли тадбир мобайнида бир миллиардга яқин киши 60 дақиқага чироқларни ўчириб қўядилар.

Дунёнинг 80 мамлакатидидаги 950 та шаҳар аҳолиси маҳаллий вақт билан 20.30 да бу ишни амалга оширади. Мазкур акция иқлим ўзгаришлари муаммосига эътиборни жалб қилиш мақсадида уюштирилмоқда. У дастлаб 2007 йилда Австралида ўтказилган, бир йилдан сўнг эса умумсайёра кўламига эга бўлди. Ушанда 50 миллион киши чироқларни ўчириб қўйган. Бу йилги рақамлар эса янада мислсиз: бир миллиардга яқин киши, минглаб идора ва компаниялар унда иштирок этадилар, — деб ишонч билдиришмоқда ташкилотчилар.



# TV ДАСТУР

## 23 МАРТ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН	
6.00	«Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00	«Иқлим».
7.05	«Пойдевор».
7.40	«Икки дарё оралигида».
8.00	«Таҳлилнома».
8.50	«Олам ва одам» дастури: «Космос».
9.40	«Изҳор».
9.45	«Болалар дунёси».
10.05	«Ажойиб саёҳат».
10.35	«Юртим бўйлаб» дастури: «Навбахор».
11.00	«Ахборот».
11.15	«Умр манзаралари».
12.00	«Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50	«Иқлим».
12.55	«Қиш сонатаси».
14.00	«Ахборот».
14.20	«Ватанпарвар».
15.00	«Маънавият» дастури.
16.00	«Буюк аждодларимиз». Мирзо Улуғбек.
16.25	«Тасаввур ранглари».
16.40	«Созлар сеҳри».
	«Корақалпоқфильм» маҳсулот.
17.00	«Ахборот».
17.15	«Юртим бўйлаб» дастури:
	«Тувроқдаги мўжиза».
17.35	«Эртақлар — яхшиликка етаклар».
17.55	«Сизнинг адвокатингиз».
18.00	Миллий сериал: «Гулхан атрофидагилар».
18.40	«Наврўз наволари».
18.45	«Очун».
18.55	«Бир кун».
19.20	«ТВ-шифокор».
19.30	«Ахборот» (рус.)
20.05	«Умр манзаралари».
20.45	«Ватаннинг куйлайман».
21.00	«Ахборот».
21.30	Эркин мавзу.
21.50	«Қиш сонатаси».
23.00	«Иқлим».
23.05	«Моби Дик». Фильм.
24.00	«Ватанпарвар».
00.40	«Созлар сеҳри».
01.00	«Ахборот» (рус.)
01.30	«Кипотаниа».
02.00	«Маънавият» дастури.
04.00	«Ахборот».
04.30	«Умр манзаралари».
05.10	«Икки дарё оралигида».
05.30	«Юртим бўйлаб» дастури:
	«Навбахор».
05.50	Тонгги наволар.

ЎЗБЕКИСТОН	
7.00, 13.30	«Ешлар майдони».
7.30	«Мультипанорама».
7.40	«Каминанинг оиласи».
7.55	«Баҳор гулдастаси».
8.00, 19.30	«Меҳмонжонлардан айланай».
8.40	«Камолот».
8.50	«Келажак эгалари».
9.00, 17.00	«Даврининг боласи».
9.10	«Миллий мультфильм».
9.20	«Наврўз». Видеофильм.
9.50	«Навой набиралари».
10.00	«Давр». Ҳафта якуни.
10.30	«Ҳаёт сўқмоқлари».
10.50	«Орзулар камалаги». Фильм.
12.00	«Муъжизавий дунё».
14.00	«Чорраҳадаги уй».
14.30	«Афсона ва ҳақиқат».
15.20	«Камалак йўли».
16.00, 19.00, 22.00	«Давр».
16.10	«Наврўз мушоираси».
16.30	«Болаларга жониворлар ҳақида».
16.55	«Кувнок оҳанглари».
17.10	«Эртақлар оламида».
18.40	«Қишлоқдаги тенгдошим».
18.55	«Ассалом, Наврўз!»
20.10	«Автопатруль».
20.30	«Сехрли қўллар».
20.45	«Жумонг».
22.30	«Тасвир ва таассурот».
22.50	«Тошкент оқшоми».
23.00	«Ҳаёт-мамонт».

ТОШКЕНТ	
17.55	«Сеними, шошмай тур!»
18.05	«Телекурьер-маркет».
18.20	«Тошкент-2200».
18.25	«Анонс».
18.30	«Пойтахт» ахборот дастури.
18.50	«Анонс».
18.55	«Дил пайванди». 4-қисм.
19.20	«Бизнес-«Пойтахт».
19.25	«Муסיқа SMS».
19.45	«Анонс».
19.50	«Саломат бўлинг» (рус.)
20.00	«Пойтахт» ахборот дастури (рус.)
20.25	«Милагрос». Телесериал (рус.)
20.55	«Интервью» (рус.)
21.05	«Жозиба».
21.25	«Анонс».
21.30	«Пойтахт» ахборот дастури.
21.55	«Уяларим».
22.00	«Телекурьер-маркет».
22.15	«Аёл қалби».
22.30	«Пойтахт» ахборот дастури (рус.)
22.50	Кино SMS со звездами.
22.55	Кино: «Всё могут короли».

СПОРТ	
7.00	«Талқин». Информацион-таҳлилий курсатув.
7.30	Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
	«Пахтакор» — «Локомотив».
9.00	«Версия».
9.30	«Малахов+».
10.25	«Галактический футбол». Мультсериал.
10.50	«Спорт — менинг ҳаётим».
11.10	Интерфутбол.
12.50	«Профринг».
18.00	«Тет-а-тет».
18.10	«Баркамол авлод».
18.30	«Хабарлар» (рус тил.)
18.55	«Национальные игры Японии».
19.10	«Азия лото».

19.50	Биатлон. Кубок мира.
20.30	Регби. «Кубок шести наций».
21.30	«Хабарлар» (узб. тил.)
21.50	Интерфутбол.
23.25	Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
	«Нефтчи» — «Бунёдор».

24 МАРТ, СЕШАНБА	
ЎЗБЕКИСТОН	
6.00	«Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05	«Пойдевор».
7.40	«Икки дарё оралигида».
8.00	«Ахборот».
8.35	«Олам ва одам» дастури:
	«Вақт машинаси».
9.25	«Изҳор».
9.30	«Тайёрланмаган дарслар
	мамлакат». Мультфильм.
9.50	«Уйла! Изла! Топ!»
10.55	«Сизнинг адвокатингиз».
11.00	«Ахборот».
11.10	«ТВ-шифокор».
11.15	«Умр манзаралари».
11.50	«Ахборот» (инглиз).
12.00	«Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55	«Қиш сонатаси».
14.00	«Ахборот».
14.20	«Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.00	«Маънавият» дастури.
16.00	Тошкент—2200.
16.20	«Тезкор хабарлар».
16.40	«Тўйлар муборак».
17.00	«Ахборот».
17.15	«Худудлар ҳаёти».
17.35	«Эртақлар — яхшиликка етаклар».
17.55	«ТВ-бизнес хабарлари».
18.00	Миллий сериал:
	«Гулхан атрофидагилар».
18.40	«Наврўз наволари».
18.55	«Навойнинг англаш».
19.20	«ТВ-шифокор».
19.30	«Ахборот» (рус.)
20.05	«Умр манзаралари».
20.45	«Соз сеҳри».
21.00	«Ахборот».
21.30	«Бир ўлка-ки...»
21.50	«Қиш сонатаси».
23.05	«Моби Дик». Фильм.
24.00	«Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
00.40	Тошкент—2200.
	«Саёҳатта марҳабо!»
01.00	«Ахборот» (рус.)
01.30	«Ешлар майдони».
02.00	«Маънавият» дастури.
04.00	«Ахборот».
04.30	«Умр манзаралари».
05.10	«Икки дарё оралигида».
05.30	«Навойнинг англаш».
05.50	Тонгги наволар.

ЎЗБЕКИСТОН	
7.00, 13.30	«Ешлар майдони».
7.30	«Мультипанорама».
7.40	«Каминанинг оиласи».
8.00, 19.30	«Меҳмонжонлардан айланай».
8.35	«Қадрон қўшиқчи».
8.40	«Yoshlar-FM».
9.00, 17.00	«Даврининг боласи».
9.10	«Миллий мультфильм».
9.20	«Сув ҳам тугайдими?»
9.40	«Нафосат олами».
10.00, 13.00	«Давр».
10.10	«Оштин».
11.00	«Ватанпарвар».
11.40	«Ингитлар».
12.00	«Муъжизавий дунё».
12.55	«Миллий мерос».
13.10	«Тошкентнома».
13.25	«Шарқ дарвозаси».
14.00	«Чорраҳадаги уй».
14.30	«Афсона ва ҳақиқат».
15.20	«Наврўз илҳомлари».
15.30	«Сехрли қўллар».
15.50	«Юртим юраги».
16.00, 19.00, 22.00	«Давр».
16.10	«Наврўз нафаси».
16.30	«Болаларга жониворлар ҳақида».
17.10	«Эртақлар оламида».
18.35	«Илҳом қанотлари».
18.40	«Ешлар ва таълим».
18.55	«Наврўз олам».
20.10	«Автопатруль».
20.30	«Қишлоқдаги қадрон».
20.45	«Жумонг».
21.55	«Онажон қишлоғим».
22.30	«Футбол-2009».
23.00	«Ҳаёт-мамонт».

ТОШКЕНТ	
17.55	«Сеними, шошмай тур!»
18.05	«Телекурьер-маркет».
18.20	«Тошкент-2200».
18.30	«Пойтахт» ахборот дастури.
18.50	«Анонс».
18.55	«Дил пайванди». 5-қисм.
19.20	«Бизнес-«Пойтахт».
19.25	«Муסיқа SMS».
19.50	«Химоя».
20.00	«Пойтахт» ахборот дастури (рус.)
20.20	«Тошкент-2200» (рус.)
20.25	«Милагрос» (рус.)
20.55	«Репортаж».
21.05	«Жозиба».
21.30	«Пойтахт» ахборот дастури.
21.50	«Ягонаман, Тошкентим!»
21.55	«Уяларим».
22.00	«Телекурьер-маркет».
22.15	«Путешествие в Барселону».
22.30	«Пойтахт» ахборот дастури (рус.)
22.50	Кино SMS со звездами.
22.55	Кино: «Маленькие люди».

СПОРТ	
7.00, 21.30	«Хабарлар» (узб. тил.)
7.20	Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
	«Нефтчи» — «Бунёдор».
9.00, 18.30	«Хабарлар» (рус тил.)
9.25	«Малахов+».
10.20	«Галактический футбол». Мультсериал.
10.45	Интерфутбол.
12.20	Оғир атлетика.

12.50	Футбол. «Динамо» — «Хоразм».
	«Насаф» — «Андижан».
18.00	«Тет-а-тет».
18.10	«Спорт — менинг ҳаётим».
18.55	Теннис.
19.45	Биатлон. Кубок мира.
20.25	Регби. «Кубок шести наций».
21.00	«Футбол шарҳи».
21.50	Интерфутбол.
23.25	«Али». Художественный фильм. 1-я серия.

25 МАРТ, ЧОРШАНБА	
ЎЗБЕКИСТОН	
6.00	«Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00	«Иқлим».
7.05	«Пойдевор».
7.40	«Икки дарё оралигида».
8.00	«Ахборот».
8.40	«Олам ва одам» дастури:
	«Вақт машинаси».
9.30	«Изҳор».
9.35	«Турон ботир». Мультфильм.
9.55	«Бизнинг кутубхона».
10.05	«Ягона оилада».
10.30	«Вилот телерадиокомпанияси
	намоиш этиди».
10.50	«Рақсинг сеҳри олами».
11.00	«Ахборот».
11.10	«ТВ-шифокор».
11.15	«Умр манзаралари».
11.55	«Эски альбом».
12.00	«Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50	«Иқлим».
12.55	«Қиш сонатаси».
14.00	«Ахборот».
14.15	«Рангин дунё».
14.40	«Эркин иқтисодиёт».
15.00	«Маънавият» дастури.
16.00	Жаҳон муסיқаси хазинасидан.
	Шария Гуно. «Фауст». 1-қисм.
17.00	«Ахборот».
17.15	«Ташлимга эътибор —
	келажакка эътибор».
17.35	«Эртақлар — яхшиликка етаклар».
17.55	«Сизнинг адвокатингиз».
18.00	Миллий сериал:
	«Гулхан атрофидагилар».
18.40	«Яхшилар ёди».
19.00	«Тараққиёт сари».
19.20	«ТВ-шифокор».
19.30	«Ахборот» (рус.)
20.05	«Умр манзаралари».
20.45	«Ватаннинг куйлайман».
21.00	«Ахборот».
21.30	2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва
	фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
21.50	«Қиш сонатаси».
23.00	«Иқлим».
23.05	«Моби Дик». Фильм.
24.00	«Истеълод».
00.15	«Хамон ёдиди...»
01.00	«Ахборот» (рус.)
01.30	«Ешлар майдони».
02.00	«Маънавият» дастури.
04.00	«Ахборот».
04.30	«Умр манзаралари».
05.10	«Икки дарё оралигида».
05.30	«Қишлоқ ҳаёти».
05.50	Тонгги наволар.

ЎЗБЕКИСТОН	
7.00, 13.30	«Ешлар майдони».
7.30	«Мультипанорама».
7.40	«Каминанинг оиласи».
8.00, 19.30	«Меҳмонжонлардан айланай».
8.40	«Автопатруль».
9.00, 17.00	«Даврининг боласи».
9.10	«Миллий мультфильм».
9.20	«Сув ҳам тугайдими?»
9.40	«Нафосат олами».
10.00, 13.00	«Давр».
10.10	«Оштин».
11.00	«Футбол-2009».
11.30	«Эверест».
12.00	«Муъжизавий дунё».
12.55	«Миллий мерос».
13.10	«Тошкентнома».
13.25	«Пойтахтим».
14.00	«Чорраҳадаги уй».
14.30	«Афсона ва ҳақиқат».
15.20	«Наврўз илҳомлари».
15.30	«Сехрли қўллар».
16.00, 19.00, 22.00	«Давр».
16.10	«Наврўз нафаси».
16.30	«Болаларга жониворлар ҳақида».
17.10	«Эртақлар оламида».
18.40	«Қишлоғимиз қаҳрамони».
18.55	«Ассалом, Наврўз!»
20.10	«Келажак эгалари».
20.20	«Янаш сирлари».
20.45	«Жумонг».
22.30	«Тасвир ва таассурот».
22.50	«Тошкент оқшоми».
23.00	«Ҳаёт-мамонт».

ТОШКЕНТ	
7.25	«Салом, Тошкент!»
8.25	«Бизнес-«Пойтахт».
8.35	«Дил пайванди». 5-қисм.
9.00	«Телекурьер-маркет».
9.20	«Химоя».
9.30	«Пойтахт».
9.45	«Репортаж».
9.55	«Уяларим».
10.25	«Тошкент-2200».
10.30	«Пойтахт» (рус.)
10.40	«Милагрос» (рус.)
11.10	«Интервью» (рус.)
11.20	Мультфильм «Голубой слонёнок».
12.40	«Мисли вслух».
12.45	«Тошкент-2200» (рус.)
12.55	Кино: «Маленькие люди».
17.55	«Сеними, шошмай тур!»
18.05	«Телекурьер-маркет».
18.20	«Тошкент-2200».
18.30	«Пойтахт».
18.55	«Дил пайванди». 6-қисм.
19.20	«Бизнес-«Пойтахт».

19.50	«Дурдона».
20.00	«Пойтахт» (рус.)
20.25	«Милагрос» (рус.)
20.55	«Интервью».
21.05	«Жозиба».
21.30	«Пойтахт».
22.00	«Телекурьер-маркет».
22.15	«Эртақлар эгалари».
22.30	«Пойтахт» (рус.)
22.50	Кино SMS со звездами.
22.55	Кино: «Баскетбол в стиле кун-фу».

СПОРТ	
7.00, 21.30	«Хабарлар» (узб. тил.)
7.20	Интерфутбол.
9.00, 18.30	«Хабарлар» (рус тил.)
9.25	«Малахов+».
10.20	«Галактический футбол». Мультсериал.
10.45	Оғир атлетика.
11.15	Самбо. Ўзбекистон чемпионати.
11.45	«Футбол шарҳи».

# TV ДАСТУР

## ТОШКЕНТ

- 7.25 «Салом, Тошкент!»
- 8.25 Бизнес-«Пойтахт».
- 8.35 «Дил пайванди». 6-қисм.
- 9.00 «Телекурьер-маркет».
- 9.20 «Тошкентда латифа».
- 9.30 «Пойтахт».
- 9.45 «Интервью».
- 9.55 «Уйларим».
- 10.25 «Тошкент-2200».
- 10.30 «Пойтахт» (рус.)
- 10.40 «Милагрос» (рус.)
- 11.10 «Саломат бўлинг» (рус.)
- 11.20 Мультфильм «Хортон».
- 12.50 «Путешествие в Барселону».
- 13.05 «Тошкент-2200» (рус.)
- 13.15 Кино: «Баскетбол в стиле кун-фу».
- 17.55 «Сеними, шошмай тур!»
- 18.05 «Телекурьер-маркет».
- 18.20 «Тошкент-2200».
- 18.30, 21.30 «Пойтахт».
- 18.55 «Дил пайванди». 7-қисм.
- 19.20 Бизнес-«Пойтахт».
- 19.25 «Музыка SMS».
- 19.50 «Иқтисод-ревью» (рус.)
- 20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.)
- 20.20 «Тошкент-2200» (рус.)
- 20.25 «Милагрос» (рус.)
- 20.55 «Интервью» (рус.)
- 21.05 «Жозоба».
- 21.50 «Ягонамансан, Тошкентим!»
- 22.00 «Телекурьер-маркет».
- 22.15 «Юртим жамоли».
- 22.55 Кино: «Убийный футбол».

## СПОРТ

- 7.00 «Хабарлар» (узб. тил.)
- 7.20 Интерфутбол.
- 9.00 «Хабарлар» (рус тил.)
- 9.25 «Малахов+».
- 10.20 «Галактический футбол». Мультсериал.
- 10.45 «Халқ ўйинлари».
- 11.05 Регби. «Кубок шести наций».
- 12.05 Фигурное катание. Чемпионат мира.
- 18.00 «Тет-а-тет».
- 18.10 «Спорт салтанати».
- 18.30 «Хабарлар» (рус тил.)
- 18.55 Теннис.
- 20.00 Футбол. Италия чемпиони шарҳи.
- 20.45 «Ринг қироллари».
- 21.30 «Хабарлар» (узб. тил.)
- 21.50 Интерфутбол.
- 23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 27 МАРТ, ЖУМА

### ЎЗБЕКИСТОН

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Иқлим».
- 7.05 «Пойдевор».
- 7.40 «Икки дарё оралигида».
- 8.00 «Ахборот».
- 8.30 «Изҳор».
- 8.35 «Олам ва одам» дастури: «Ой».
- 9.30 «Болалар дунёси».
- 9.50 «Қорақалпоқнома».
- 10.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
- 10.35 «Хонадон».
- 11.00 «Ахборот».
- 11.10 «ТВ-шифокор».
- 11.15 «Умр манзаралари».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 12.50 «Иқлим».
- 13.00 «Менинг тоғам». Фильм. 1-қисм.
- 14.00 «Ахборот».
- 14.15 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
- 14.40 «Умр мазмуни».
- 15.00 «Маънавият» дастури.
- 16.00 Ю. Ражабий номдаги мақом ансамблининг концерти.
- 16.25 «Очун».
- 16.35 «Обод манзиллар».
- 17.00 «Ахборот».
- 17.15 «Саломатлик дастури».
- 17.35 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
- 17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
- 18.00 «Тулхан атрофидигилар».
- 18.40 «Навонийни англаш».
- 19.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».
- 19.20 «ТВ-шифокор».
- 19.30 «Ахборот» (рус.)
- 20.05 «Умр манзаралари».
- 20.45 «Ватанимни куйлайман».
- 21.00 «Ахборот».
- 21.30 «КиноТеатр».
- 22.00 «Менинг тоғам». Фильм. 2-қисм.
- 22.55 «Иқлим».
- 23.10 «Хонадон».
- 23.35 Миллий кино: «Юлдузнинг бер, осмон».
- 01.00 «Ахборот» (рус.)
- 01.30 «Ёшлар майдони».
- 02.00 «Маънавият» дастури.
- 04.00 «Ахборот».
- 04.30 «Умр манзаралари».
- 05.10 «Икки дарё оралигида».
- 05.30 «Очун».
- 05.40 Тонгги наволар.

## ЁШЛАР

- 7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
- 7.30 «Мультнапорама».
- 7.40 «Каминанинг онласи».
- 8.00, 19.30 «Меҳмонжонлардан айланай».
- 8.40 «Умр баҳори».
- 9.00, 17.00 «Даврининг боласи».
- 9.10 «Миллий мультфильм».
- 9.20 «Сув ҳам тугайдими?»
- 9.40 «Нафосат олами».
- 9.55 «Наврўз олами».

- 10.00, 13.00 «Давр».
- 10.10 «Ошин».
- 10.55 «Баҳор гулдаси».
- 11.00 «Эверест».
- 11.30 «Уйимдаги фарштам».
- 11.50 «Ёшлар ва таълим».
- 12.00 «Муъжизавий дунё».
- 12.55 «Миллий мерос».
- 13.10 «Тошкентнома».
- 14.00 «Чорраҳадаги уй».
- 14.30 «Афсона ва ҳақиқат».
- 15.20 «Наврўз илҳомлари».
- 15.30 «Сехрли қўллар».
- 15.55 «Зумрад баҳор».
- 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
- 16.10 «Ассалом, баҳор!»
- 16.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
- 16.55 «Қувноқ оҳанглари».
- 17.10 «Эртақлар оламида».
- 18.40 «Қишлоқдаги қадрдон».
- 18.55 «Ассалом, Наврўз!»
- 20.10 «Бугун».
- 20.45 «Жумонг».
- 21.55 «Онажон қишлоғим».
- 22.30 «Чемпион».
- 22.50 «Тошкент оқшони».
- 23.00 «Ҳаёт-мамонт».

## ТОШКЕНТ

- 7.25 «Салом, Тошкент!»
- 8.25 Бизнес-«Пойтахт».
- 8.35 «Дил пайванди». 7-қисм.
- 9.00 «Телекурьер-маркет».
- 9.20 «Дурдона».
- 9.30 «Пойтахт».
- 9.40 «Эртақлар эгалари».
- 9.55 «Уйларим».
- 10.25 «Тошкент-2200».
- 10.30 «Пойтахт» (рус.)
- 10.40 «Милагрос» (рус.)
- 11.10 «Интервью» (рус.)
- 11.20 Мультфильм «Би Муви медовый заговор».
- 12.50 «Иқтисод-ревью» (рус.)
- 13.00 «Тошкент-2200» (рус.)
- 13.10 Кино: «Убийный футбол».
- 17.55 «Афиша» (рус.)
- 18.05 «Телекурьер-маркет».
- 18.30 «Пойтахт».
- 18.55 «Дил пайванди». 8-қисм.
- 19.20 Бизнес-«Пойтахт».
- 19.50 «Саломат бўлинг».
- 20.00 «Пойтахт» (рус.)
- 20.20 «Тошкент-2200» (рус.)
- 20.25 «Милагрос» (рус.)
- 20.55 «Репортаж» (рус.)
- 21.05 «Жозоба».
- 21.30 «Пойтахт».
- 21.55 «Уйларим».
- 22.00 «Телекурьер-маркет».
- 22.15 «Маърифат фидойилари».
- 22.30 «Пойтахт» (рус.)
- 22.50 Кино SMS со звездами.
- 22.55 Любимые кинофильмы: «Полосатый рейс».

## СПОРТ

- 7.00 «Хабарлар» (узб. тил.)
- 7.20 Интерфутбол.
- 9.00 «Хабарлар» (рус тил.)
- 9.25 «Малахов+».
- 10.20 «Галактический футбол». Мультсериал.
- 10.45 «Спортимиз маликалари».
- 11.10 Фигурное катание. Чемпионат мира.
- 12.40 «Кулгу шифо».
- 13.10 «Сукер».
- 18.00 «Тет-а-тет».
- 18.10 «Баркамол авлод».
- 18.30 «Хабарлар» (рус тил.)
- 18.55 Теннис.
- 19.45 «Гол».
- 20.45 «Стать ближе». Ток-шоу.
- 21.30 «Хабарлар» (узб. тил.)
- 21.50 «Аптека слушает».
- 22.35 Интерфутбол.
- 00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 28 МАРТ, ШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Иқлим».
- 7.10 Миллий кино: «Мунис онам». 1-қисм.
- 8.00 «Ахборот».
- 8.30 «Чин ва Дэйл». Мультфильм.
- 9.10 «Музыка дунёси».
- 9.35 «Меҳр қўлда». Хатларга шарҳ.
- 9.55 «Минг бир ривоят».
- 10.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».
- 10.20 1. «Чинисен». 2. «Маурит».
- 11.00 «Оналар мактаби».
- 11.20 «Умр манзаралари».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 13.00 «Менинг тоғам». Фильм. 2-қисм.
- 14.00 «Ахборот».
- 14.20 «Наврўз нашидаси».
- 14.40 «Ота-оналар учун тузоқ». Фильм.
- 16.55 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
- 17.15 «Минг бир маслаҳат».
- 17.35 «Шурданақ». Ҳажвий курсатув.
- 18.10 «Саломатлик сирлари».
- 18.30 «КиноТеатр».
- 19.00 «Рангин дунё».
- 19.30 «Ахборот» (рус.)
- 20.05 «Денгиздан томчи».
- 20.40 «Шарқ тароналари».
- 21.00 «Ахборот».
- 21.40 «Воқеа».
- 22.05 «Йўловчилар». Фильм.
- 23.35 «Воқеа».
- 00.05 «Тараннум».
- 00.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўшди улкам».
- 01.00 «Ахборот» (рус.)
- 01.30 «Ёшлар майдони».
- 02.00 «КиноТеатр».
- 02.30 Миллий кино: «Бахт қадри».
- 03.40 «Рангин дунё».
- 04.00 «Ахборот».
- 04.35 «Минг бир ривоят».
- 04.40 Миллий кино: «Қўларинг маънос». 1-қисм.
- 05.40 Тонгги наволар.

## ЁШЛАР

- 7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
- 7.30 «Мультнапорама».
- 7.40 «Каминанинг онласи».
- 8.00, 19.30 «Меҳмонжонлардан айланай».
- 8.40 «Айланай...»
- 9.00, 17.00 «Даврининг боласи».
- 9.10 «Миллий мультфильм».
- 9.20 «Оловдан огоҳ бўл!»
- 9.40 «Нафосат олами».
- 10.00, 13.00 «Давр».
- 10.10 Миллий кино: «Йўқолган одам».
- 11.30 «Ёшлар билан».
- 12.00 «Муъжизавий дунё».
- 12.55 «Миллий мерос».
- 13.10 «Тошкентнома».
- 13.25 «Юртим юраги».
- 14.00 «Чорраҳадаги уй».
- 14.30 «Тараннум».
- 15.10 «Қишлоқдаги қадрдон».
- 15.20 «Наврўз илҳомлари».
- 15.30 «Сехрли қўллар».
- 15.45 «Олтин тупроқ».
- 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
- 16.10 «Навоний набиралари».
- 16.20 «Билагон энциклопедияси».
- 17.10 «Эртақлар оламида».
- 18.40 «Илҳом қанотлари».
- 18.45 «Табассум қил!»
- 19.30 Миллий кино: «Тўйлар муборак!»
- 20.35 «Наврўз илҳомлари».
- 20.40 «Онажон қишлоғим».
- 20.45 «Жумонг».
- 21.55 «Наврўз муборак!»
- 22.30 Жаҳон киноси: «Китни жиловлаган қиз».

## ТОШКЕНТ

- 7.25 «Салом, Тошкент!»
- 8.25 Бизнес-«Пойтахт».
- 8.35 «Дил пайванди». 8-қисм.
- 9.00 «Телекурьер-маркет».
- 9.20 «Ягонамансан, Тошкентим!»
- 9.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
- 9.40 «Аёл қалби».
- 9.55 «Уйларим».
- 10.25 «Тошкент-2200».
- 10.30 «Пойтахт» (рус.)
- 10.40 «Милагрос» (рус.)
- 11.10 «Репортаж» (рус.)
- 11.20 «Афиша» (рус.)
- 11.30 Кино: «Полосатый рейс».
- 13.05 «Тошкент-2200» (рус.)
- 13.10 «Байрам ошхонаси».
- 13.20 «Юртим жамоли».
- 13.45 «Саломат бўлинг».
- 14.00 Мультфильм «Алибобо ва қирқ қароғчи».
- 14.30 «Болаликка қайтиб».
- 14.50 «Байрам ошхонаси».
- 15.00 «Нима учун?»
- 15.45 «Кинотакдим».
- 16.10 Кино: «Тақдир чархпалаги».
- 18.05 «Телекурьер-маркет».
- 18.20 «Тошкент-2200».
- 18.30, 21.30 «Пойтахт».
- 18.55 «Дил пайванди». 9-қисм.
- 19.20 Бизнес-«Пойтахт».
- 19.50 «Интервью».
- 20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.)
- 20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
- 21.05 «Жозоба».
- 21.50 «Тошкентда латифа».
- 21.55 «Телекурьер-маркет».
- 22.10 «Истеъдод».
- 22.25 «Мисли вслух».
- 22.55 Кино: «Проблеск гениальности».

## СПОРТ

- 8.00 «Хабарлар» (узб. тил.)
- 8.25 «Маҳалламиз пахлавонлари».
- 9.00 «Хабарлар» (рус тил.)
- 9.20 Интерфутбол.
- 11.00 «Галактический футбол». Мультсериал.
- 11.25 «Тақдир чизгилари».
- 11.45 Фигурное катание. Чемпионат мира.
- 13.15 «Рақибингиз — гроссмейстер».
- 13.35 «Жиззах тулпорлари».
- 16.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Қатар миллий терма жамоалари.
- 18.50 «Хабарлар» (рус. тил.)
- 19.15 «Военное дело».
- 19.40 «Ровесник».
- 20.00 «Фото-ревью».
- 20.20 «Беллашуа». Хужжатли фильм.
- 20.30 «Ring»да Муҳаммад Али — Оскар Бонавена.
- 21.00 «Файтер». Восточные единоборства.
- 21.30 «Хабарлар» (узб. тил.)
- 21.50 Интерфутбол.
- 23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 29 МАРТ, ЯКШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Иқлим».
- 7.05 ТВ-анионс.
- 7.10 Миллий кино: «Мунис онам». 2-қисм.
- 8.00 «Ахборот».
- 8.30 ТВ-анионс.
- 8.35 «Бизнинг кутубхона».
- 8.45 «Самовий қаср». Мультфильм.

- 9.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чуст пичоқлари».
- 10.00 «Саломатлик сирлари».
- 10.20 «Минг бир хунар».
- 10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
- 11.25 «Шарқ тароналари».
- 11.40 «Сизки, мени йўқламадингиз». Теленовелла.
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 12.50 «Иқлим».
- 12.55 «Очиқ дастурхон».
- 13.40 «Қўқов». Фильм.
- 14.55 «Заковат».
- «Болалар сайёраси»:
- 16.00 «Самовий қаср». Мультфильм.
- 17.00 «Ҳамон ёдимда...»
- 17.40 ТВ-анионс.
- 17.45 Миллий кино: «Қизғалдоқ».
- 19.30 «Таҳлинома» (рус.)
- 20.10 «Денгиздан томчи».
- 20.40 «Кўнгли қўшиқ истайди».
- 21.00 «Таҳлинома».
- 21.50 «Азизим».
- 22.20 «Хорчилар». Фильм.
- 24.00 «Ҳамон ёдимда...»
- 00.40 «Сизки, мени йўқламадингиз». Теленовелла.
- 01.00 «Таҳлинома» (рус.)
- 01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
- 02.15 «Шарқ тароналари».
- 02.30 «Денгиздан томчи».
- 03.00 «Очиқ дастурхон».
- 03.45 «Минг бир хунар».
- 04.00 «Таҳлинома».
- 04.45 Миллий кино: «Қўларинг маънос». 2-қисм.
- 05.50 Тонгги наволар.

## ЁШЛАР

- 7.00 «Сумалак базми».
- 7.50 «Қадрдон қўшиқлар».
- 8.00 Миллий кино: «Кулол ва хумча».
- 9.15 «Наврўз илҳомлари».
- 9.20 «Якшанба ноунтуси».
- 9.40 «Соғлик — бойлик».
- 10.00 «Ватанпарвар».
- 10.40 «Мультнапорама».
- 12.00 «Болалар давраси».
- 12.30 «Эртақлар оламида».
- 14.00 «Қишки олимпиада».
- 15.00 «Дуторчи қизлар».
- 15.15 «Наврўзи олам».
- 15.20 «Камолот».
- 15.30 «Эверест».
- 16.00 Ҳинд киноси: «Ҳамроз». 1-қисм.
- 17.35 «Тошкент-2200».
- 17.40 Ҳинд киноси: «Ҳамроз». 2-қисм.
- 18.55 «Ассалом, Наврўз!»
- 19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
- 19.30 «Табассум қил!»
- 19.40 «Унутилмас оҳанглари».
- 20.20 «Камалак йўли».
- 21.00 Жаҳон киноси: «Сирли орол».
- 00.00 «Юрт тинчлиги».

## ТОШКЕНТ

- 7.25 «Салом, Тошкент!»
- 8.25 Бизнес-«Пойтахт».
- 8.35 «Дил пайванди». 9-қисм.
- 9.00 «Телекурьер-маркет».
- 9.20 «Ягонамансан, Тошкентим!»
- 9.30 «Пойтахт».
- 9.50 «Интервью».
- 10.30 «Пойтахт» (рус.)
- 10.45 Индийское кино: «Сангам». 1-я и 2-я серии.
- 13.50 «Мысли вслух».
- 14.00 «Телекурьер-маркет».
- 14.15 Кино: «Крошка из Беверли-Хиллз».
- 15.55 «Планета Земля. Пещеры». Познавательная программа.
- 16.45 «Истеъдод».
- 17.00 «Байрам ошхонаси».
- 17.10 «Телекурьер-маркет».
- 17.25 «Жозоба».
- 17.50 «Саргузаштлар ороли».
- 18.15 «Болаликка қайтиб».
- 18.35 «Байрам ошхонаси».
- 18.45 «Тошкентда латифа».
- 18.55 «Дил пайванди». 10-қисм.
- 19.20 «Байрам ошхонаси».
- 19.30 «Телекурьер-маркет».
- 19.45 «Сумалакдан тош топдим». Фильм-концерт.
- 21.05 «Открытая дверь».
- 21.35 «Мысли вслух».
- 21.40 Кино SMS со звездами: «Четыре пера», «Лагаан», «Слуга государев».

## СПОРТ

- 8.00 «Хабарлар» (узб. тил.)
- 8.20 «Қувноқ стартлар».
- 9.00 «Хабарлар» (рус тил.)
- 9.20 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Қатар.
- 11.00 «Пахлавонлар беллашуви». Экстремал спорт биринчилиги.
- 11.50 «АВТОграф».
- 12.10 Фигурное катание. Чемпионат мира.
- 13.40 «Бойсунда баҳор».
- 18.00 «Соғлом оила».
- 18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
- 18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви.
- 20.30 «Видеот спорти».
- 21.30 «Талкин». Информационно-таҳлилий курсатув.
- 22.00 «Профринг».
- 22.55 Интерфутбол.
- 00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

# ХОНАДОН

НАВРЎ

Байрам дастурхонингизга

## «ФАРОВОНЛИК» ПАЛОВИ

Паловнинг мазкур янги варианты унинг бир қанча турлари рецептларини бириктириш натижасида яратилган. Ошга ишлатиладиган асосий маҳсулотлардан ташқари унинг масаллиқлари таркибига саримсоқпиёз, нўхот, майиз, анор донлари ва бошқалар кирди.

Ушбу палов таркибига кирувчи масаллиқларнинг кўпчилиги, улардан таралувчи ўзига хос хушбўй ҳид, энг нозик таъмлارнинг бириктирилиши, юксак тўйимлилик (калориялик), парҳезга оид хусусиятлар ва жозибдорлик – буларнинг барчаси биргаликда паловга ўзига хос тансиқлик характери беради ва дастурхонингизга байрамона руҳ бахшида этади.

Тайёрлаш усули: ёғ яхшилаб қиздирилади, унда пиёз, сўнгра майда бўлақларга бўлинган гўшт қизаргунча қовурилади. Тўрт бурчак шаклида (0,5x0,5x0,5 см) тўғралган сабзи солиниб, гўшт билан биргаликда ярим тайёр ҳолатга қовурилади. Сўнгра олдиндан ивигиб қўйилган нўхот (таъбга қараб беҳи ҳам), таги кесилган бутун саримсоқпиёз (чеснок) солинади, устига сув солиб ўртача оловда нўхот пишгунча қайнатилади. Нўхот тўлиқ пишиб етилганидан сўнгра туз ва зирворлар қўшилади. Кейин бир текисда гуруч, ивигилган майиз солинади, устига керакли миқдорда сув солиб, тайёр ҳолга келгунча қайнатилади. Сўнгра олов олиб ташланади ва 20–25 дақиқа мобайнида ўз буғида дамланади.

Дастурхонга тортиш олдиндан паловга безак бериш учун 1–2 дона бутун тухум сувда қайнатиб пиширилади, алоҳида идишда дона шаклида майда қилиб кесилган сабзи (ёки беҳи бўлақлари) ҳам сувда пиширилади. Пиёздан «саватча» шаклида кесиб олинади ва ичига анор донлари тўлдирилади.

Палов тайёр бўлганидан сўнгра эҳтиёткорлик билан унинг орасидаги саримсоқпиёз (ёки беҳи) чиқариб олинади, таом яхшилаб аралаштирилади ва катта лаганга чиройли қилиб сузилади. Устига олдиндан кесиб тайёрлаб қўйилган тухум бўлақлари, анор донлари билан тўлдирилган пиёз саватчалари, сабздан кесилган «олдузчалар» кетма-кет қилиб қўйилади, энг чекка атрофига эса турпидан тайёрланган кичик «шақлчалар» терилади.

**Масаллиқлар:** 200 г гуручга 50 г гўшт, 50 г ёғ, 100 г сабзи, 50 г пиёз, 10 г саримсоқпиёз, 5 г нўхот, 5 г майиз, 5 г анор донлари миқдорда олинади, туз ва зирворлар таъбга қараб солинади. Безатиш учун эса юқорида тилга олинган маҳсулотлардан фойдаланилади.



## «НАВРЎ» САЛАТИ

Ариқланган турпидан сомон шаклида майда қилиб тўғрайиш, сомон шаклида тўғралган пиёз, сабзи, қовурилган гўшт, пишган тухум ва манонез кўшиш, яхшилаб аралаштирасиз, сўнгра туз сепиб таъмин ростилайиш.

Салатни ликончаларга солиб, сепиб терей барги ва анор дончалар билан безатасиз.

Бундай салат серёғ ва хамирли овқатлар билан пастеямол қилинади.

Салат тайёрлаш учун: 1 дона каттароқ турпи, 1–2 дона қизил сабзи, 2 дона пиёз, 200 гр. қовурилган мол гўшти, 2 та тухум ва манонез керак бўлади. Туз таъбга қараб ишлатилади.

## ҚОВУРИЛГАН КЎК СОМСА

Хамир қорилгандан сўнгра 50 гли зувалачалар ясайсиз ва бу зувалачалардан жўвада бир қаватли жилд ясайсиз. Ҳар бир жилдга ошқўқлардан тайёрланган қиймадан солиб, ярим ой шаклида сомса тугасиз. Сомсаларни доғланган ёққа солиб пиширасиз.

Кўк сомсанинг қиймасини тайёрлаш учун отқулоқ, йўнғичқа, шўра, ялпиз, жағ-жағ ва бошқа ошқўқлар, кўк пиёз ва оқ пиёз керак бўлади. Мана шу кўрсатилганларнинг ҳаммасини майдалаб чопганингиздан кейин туз билан қаламбир қўшиб доғланган ёққа солиб, яхшилаб қовурасиз. Сўнгра қиймага пиширилган тухумни майдалаб аралаштирасиз.

**Кўк сомсанинг хамири учун:** 1 кг ун, 2 стакан сув, 2 чой қошиғида туз ишлатилади.

**Қиймасига:** жами кўклардан 2 кг, 4–5 бош оқ пиёз, 2 боғ кўк пиёз, туз, қаламбир, 2 та тухум керак бўлади.

**Қийма қовуриш учун:** 150 г сариёғ, сомсани қовуриш учун эса 300 г пахта мойи кетади.



## СУМАЛАК

«Қайроқи буғдой»ни териб тозалаб, совуқ сув билан яхшилаб ювасиз. Зангламайдиган идишга солиб, уч кунгача ивигиб қўясиз. Усимта ҳосил бўлгач, сувдан олиб тоза фанер тахта устига 1–1,5 см қалинликда қилиб ёйиб, бетига доқа ёпасиз-да, ёруроқ, аммо кўёш нури тушмайдиган жойга қўясиз.

Буғдой униб чиққунча ҳар кун эрталаб бетига сув сегиб турасиз. Буғдой униб майсаси игна бўйи бўлганда (3–4 кундан сўнгра), ўсимтани 15x15 см ли қилиб кесиб фанердан ажратиб оласиз ва гўшт қиймалагичдан ўтказиб лаганга соласиз. Устидан пича сув қуйиб аралаштириб, доқада сузиб шарбатини чинни косага қўясиз. Трупини яна лаганга солиб, сув аралаштирасиз ва сузиб шарбатини бошқа чинни косага соласиз. Шу тариқа бу

инини уч марта қайтариб, ҳар сафар ҳосил бўлган шарбатни алоҳида-алоҳида идишга қуйиб оласиз. Қозонни қиздириб пахта мойи солиб, яхшилаб доғлаб бирор соат совутасиз, сўнгра ёққа ун ва биринчи сузилган шарбатни солиб яхшилаб аралаштирасиз. Ҳосил бўлган аталани ёғоч чўмич билан аралаштиринг ва кумоқ-кумоқ бўлиб қолмаслигига эътибор беринг, аталани баланд оловга қуйиб қайнатганингиздан кейин иккинчи сузилган шарбатни қўшасиз, бу ҳам қайнаб чиққач, учинчи сузилган шарбатни қуйиб қайнатасиз.

Сумалак қайнаб қуйида бошлаганда уни ёғоч куракча билан бетўхтов кавлаб турасиз, аке ҳолда қуйиб кетиши мумкин. Сумалакни таги олиб кетмаслиги учун қозонга ўрик данагидек келадиган 15–20 та силиқ тошчаларни ювиб соласиз. Тошчалар ўрнига баъзан ёнғоқ ҳам солинади.

Тайёр сумалак куюқ аталадек, ранги оч жигар ранг, мазаси ширин бўлиши керак.

Агар сумалакни тоғиб кўрганда ундан ачимтир таъм келиб турса, сумалакка бир оз сув қўшиб қайнатилиши яна давом эттирасиз.

Сумалак тайёр бўлгач, қозонни оловдан олиб димлаб қўясиз ва 2–3 соатдан сўнгра пиёзаларга қуйиб дастурхонга тортасиз. Ёнғоқ солган бўлсангиз уни чақиб, ҳар бир пиёлага бир нечтадан мағиз соласиз.

**Сумалак тайёрлаш учун:** 0,5 кг қайроқи буғдой, 2 кг оқ буғдой уни, 15–20 та ёнғоқ ёки шунча тошчалар керак бўлади.

Удумлар, анъаналар

## ЕТТИ ХИЛ ДАРАХТ БАРГИ

Наврўз кунини туғилган боланинг исмини Наврўз қўйишган.

Наврўз кунини одамлар ота-онаси, яқин кишилари, йиғитлар унашилган маҳбубалари билан дийдорлашганлар.

Наврўзда атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

Наврўз дастурхонига 7 хил дарахт баргидан намуна келтириб қўйилади. Улар: мажнунгол, зайтун, беҳи, анор, бодом, писта, ёнғоқлар. Шулар қаторида қатиқ, суг, пишлоқ, тухум, балиқ ва ёниб турган шамлар ҳам қўйилган!

Сумалак тагига олмасин учун қозонга етти ёки ўн уч дона тош ташлаб қўйилади.

Наврўз кунини бўй етган қизлар бир жойга тўпланишиб чиройли гулчамбарлар ясашади. Булоқдан кўзаларга сув олиб келиб, ичига узук, исирға, таंगा ташлашган. Кейин қўшиқ лапарлар остида сувдан чиқазиб олинган нишонлар бахт рамзи деб ҳисобланган.



НАВРЎЗ

# БЕККАТ

СКАНВОРД

Умар Хайём асари									Яй-лов
Айём таоми	Хабардор		Дарахтзор	Эрта тонг	Билим соҳиби			...боз (илон ўргатувчи)	
			Касбадаги усталик						
Эчки боласи						Садоқатли	Ёрдам, кумак		
			Қалб				Тансиқ таом		
Бегона гийҳ	Осмон		Назмий асар	Барака					
Шифобахш усимлик					...тун		Тафовут	Чорва соҳаси	
			Сув йўли						
Ҳамалнинг белгиси	Олқиш	Куй	Мартабали киши				Мева		
			*** Наврўз янги йилнинг биринчи куну бўлиб, оламнинг яратилганига далили қилинган. ***						
			Иш жонивори						
Волида	Томон								
			Ширинлик						
	Фурсат	Безак							
			Сайёра				Пояси қаттиқ усимлик		
Тўқай куши	Садоқат	Севинч	Жавоҳир			Шеър Торли соз	Мевали дарахт онаси		
			Баҳор элчиси						

\*\*\* Наврўз янги йилнинг биринчи куну бўлиб, оламнинг яратилганига далили қилинган. \*\*\*

Абу Райҳон Беруний

## ГАЗЕТАНИНГ 11-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**ЭНИГА:** Файратли. Куз. Нав. «Латофатнома». Ота. Ватт. Агра. Олам. Олача. Робита. Окоп. Иқтисод. Лой. Шам. Ашир. Шамол. Катет. Тус. Ини. Аро. Раж. Мазут. Аро. Синов. Ром. Зирак. Фарада.  
**БҮЙИГА:** Фаллаорол. Арфа. Лотин. Камалак. Торобий. Нов. Уват. Трап. Атташе. Маишат. Оталиқ. Дол. Математик. Чора. Сим. Куй. Ташриф. Лан. Рафта. Аср. Ип. Ари. «Оромижон». Зиравор.  
 Фозилжон ОРИПОВ тузди.

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



На этой неделе вам придется целыми днями разгребать накопившиеся проблемы. Главное — не запускать текущих дел. Начало недели может спутать все планы и замыслы, но уже к середине наступит прояснение. В выходные уделите больше внимания родственникам, особенно детям.



На этой неделе прозорливость и интуиция окажутся как нельзя кстати, помогая вам избежать конфликтных ситуаций. Может измениться мнение о некоторых друзьях. Философский подход к жизни позволит вам выйти на более высокий уровень сознания.



Вы будете доводить до логического завершения абсолютно все начатые дела именно на этой неделе. Приток сил позволит в буквальном смысле свернуть горы. Могут воплотиться в жизнь даже самые несбыточные мечты. В выходные дни организуйте небольшой праздник.



Если вы на этой неделе приложите определенные усилия, то препятствий в достижении желаемых результатов не возникнет. Появится возможность реализовать свои желания и сделать ответственные шаги. Поддержка близких людей помогут создать отличные предпосылки для будущего успеха.



На этой неделе будут удачны деловые встречи. Ваша задача — произвести на партнеров благоприятное впечатление. В выходные душа попросит покоя и одиночества — устройте себе передышку, тем более, что это благоприятно отразится на здоровье.



Ситуация на этой неделе обещает сложиться таким образом, что от серьезных шагов будет уже никак не отвертеться. Неплохо бы подойти к этому рубежу во всеоружии. У вас появится возможность заложить фундамент для крупных позитивных перемен.



Решения, от которых зависит будущее, принимайте на этой неделе самостоятельно. Не прислушивайтесь к советам окружающих, так как ваша ситуация нестандартна. Снизьте немного темп работы и сократите ее объем — вам необходим кратковременный отдых.



На этой неделе постарайтесь снизить нагрузки, так как вам будет свойственна повышенная утомляемость. Каждое ваше слово для окружающих будет играть огромное значение. Избегайте ссор и споров. Выходные проведите с друзьями или с родственниками на природе.




Неделя может открыть для вас прекрасные возможности. Многие проблемы исчезнут, а дела будут идти успешно. Возможны новые контакты, способствующие расширению деловых возможностей. Работы на этой неделе будет много.



На этой неделе вам просто необходимо проявить активность — это позволит реализовать давно вынашиваемые планы и идеи. Не забывайте разбираться с текущими проблемами. Неделя удачна для поездок, командировок и начала дальних путешествий.



В начале недели вы будете вынашивать важные планы, которые реализуются в ближайшем будущем. Решение спорного вопроса лучше отложить. Оптимизм и уверенность в себе сделают для вас то, чего вы бы не добились никакими ухищрениями.



Если вы в отпуске, то самое время наслаждаться жизненными радостями. Вероятен успех на службе, которого вы совсем не ждали. В деловых контактах с партнерами проявите осторожность. Будьте внимательнее при работе с бумагами, договорами, при заключении сделок.

## Табассум

### ДАСТХАТ

— Ия, ёзган аризангизга нуқта қўймабсиз-ку!  
 — Ҳаҳ, эсим қурсин. Илтимос, ўзингиз қўйиб қўя қолинг.  
 — Йўқ, мен қўя олмайман. Дастхат бир хил бўлиши керак.

### АВВАЛ МИННАТДОР-ЧИЛИК...

Ҳамшира беморга маслаҳат берди:  
 — Агар врачга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлсангиз, буни операциядан олдин қилганингиз маъқул, акс ҳолда кейин кеч бўлиши мумкин.

### «МАСЛАҲАТ БЕРМАЙМАН»

Врач беморни текшириб кўргач, қовоғини солиб, бошини қимирлатди...

Бемор:  
 — Доктор! Менга нима бўлибди?  
 — Ҳа-а, акажон, э-э-х, ҳа-а...  
 — Ҳеч бўлмаса, тузатса бўладими?  
 — Ҳўш, нима десам экан-а? Операция қилиш керак. Лекин, олдиндан айтаман, бу жуда мураккаб

ва оғир операция бўлади.

— Операциядан кейин яшайманми?  
 — Яшаш? Шундай операциядан сўнг? Ҳа, яшасангиз керак. Аммо, очигини айтсам, мен сизга буни маслаҳат бермасдим.

### БАЛКИ ҚАЙТАР

— Айтчи, Клава. Сени эринг бирон марта кечқурун уйдан чиқиб кетганми?  
 — Ҳа, олти йил аввал шундай бўлганди. Лекин, балки у қайтиб келар...

### НИМА АҚЛЛИРОҚ?

— Нима ақллироқ — мушукми ёки кучук?  
 — Албатта, мушук-да! Сен ҳеч қачон ўнга мушук тундра бўйлаб юк ортилган чангини тортиб юрганни кўрганмисан?

### МАСЛАҲАТЧИНИНГ ЖАЗОСИ

— Нега кўзинг кўкариб кетди?  
 — Кеча дўстим тўй саёҳатидан қайтиб келди.  
 — Ҳўш, бунга уни нима алоқаси бор?  
 — Унга уйланишни мен маслаҳат берган эдим...


## Рекорды Книги Гиннеса



На прошедшем в ОАЭ Четвертом фестивале финишеров Книга рекордов Гиннеса зарегистрировала самое большое блюдо с финишерами. Параметры победившего блюда: длина 10,06 метра, ширина 2,03 метра. Для выгрузки блюда из грузовика потребовалась помощь 200 мужчин.



Компания «Panasonic» создала самую долговечную щелочную (щелочную) батарейку в мире. Это подтверждается записью в Книге рекордов Гиннеса. Новая батарейка «Evolta», название которой составлено из слов «эволюция» и «напряжение», будет работать на 20% дольше, чем аналогичные продукты под марками «Duracell» и «Energizer», утверждают в Matsushita Electric Industrial Co.



Издатели Книги рекордов Гиннеса наградили бразильского писателя Пауло Коэльо специальным призом за самый переводимый роман! «Алхимика» издан на 67 языках мира.





# УСЛУБИЯТ

## МАҚСАД — ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ПОСБОННИ ТАРБИЯЛАШ

Тарбиявий ишларнинг усул ва шакллари жуда кўп. Булар ичида қай бирдан фойдаланиш командир ва бошлиқларнинг маҳоратига, қолаверса, қўл остидаги хизматчини чуқур ўрганиб, унга таъсир кўрсата оладиган услуб ёки шаклни тўғри танлай олишига боғлиқ. Бу ўринда қулай, тезкор, аниқ, мақсадли ва самарали усул — бу яқка тартибдаги тарбиявий ишлардир.



Сурат таҳририят архивидан олинди.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи аввало, кимга ва нима учун хизмат қилаётганини, аждодлар анъана ва қадриятларининг давомчилиги эканлигини англаб етиши, зиммасидаги масъулиятли вазифани сифатли ва виждонан адо этишида муҳим асос бўлади.

Президентимиз, Қуrollи Кучларимиз Олий Бош қўмондон Ислам Каримов «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида «Армия сафларида ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим» деган фикрни билдирганлар. Шу бондан Қуrollи Кучларнинг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида белгиланган асосий вазифаларнинг бирида ҳарбий хизматчиларимизнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлик даражасини янада такомиллаштириш, барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти, офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда юксак жанговар тайёргарлик ва ҳарбий интизомни сақлашда, шахсий таркиб билан олиб борилаётган тарбиявий ишларда яқка тартибдаги тарбиявий ишлар муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда яқка тартибдаги тарбиявий ишларнинг қуйидаги асосий йўналишларини санаб ўтаемиз:

- ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялаш;
- дунёқарашни шакллантириш, Қуrollи Кучлар сафида хизмат қилиш шараф эканлигини чуқур аниқлаш;
- бўлинманинги жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- шахсий таркибни аскарлик биродарлик руҳида тарбиялаш;
- ҳарбий хизматчининг ахлоқий-руҳий ҳолатини ўрганиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини тўғри йўналтириш;
- ҳарбий хизматчининг хизматга мослашишига, унинг муаммолари ечимини топишга ёрдам бериш;
- Ҳарбий хизматчининг юксак маънавий-ахлоқий даражасини ва жанговар хусусиятларини, касбий маҳоратини ошириш.

Шунингдек, яқка тартибдаги тарбиявий ишлар-

нинг қуйидаги усулларини қўллаш тавсия этилади:

1. Қўл остидагиларнинг ҳужжатларини: ҳарбий гувоҳнома, хизмат варақаси, тиббий китобчаси ва бошқа турдаги маълумотномаларни чуқур ўрганиш.
2. Ҳарбий хизматнинг турли ҳолатларида қўл остидагиларни кузатиш;
3. Бўйсунувчилар ҳақида бошқа командирларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш, ҳисобга олиш.
4. Алоҳида вазифа бериш, шу асосда уларнинг қобилиятини ва бажарган ишлари сифатини текшириш.
5. Ҳар бир аскар билан юзма-юз, яқка тартибда суҳбат ўтказиш.
6. Ҳарбий хизматчиларни хизматнинг турли хил шароитларида синаш, тажриба ўтказиш.
7. Аскарга ўқишда ва хизмат мажбуриятларини бажаришда алоҳида ёрдам кўрсатиш, қолоқларни илғорларга бириктириш.
8. Ҳарбий хизматчининг билимидан, қобилиятдан, хизмат тажрибаси, ишга муносабати, характери ва ўзига хос томонларидан келиб чиққан ҳолда талаб қўйиш.
9. Дўстона танқидни йўлга қўйиш.
10. Ота-онаси, ўқиган мактаби, коллеж ва лицей ўқитувчилари, яшайдиган маҳалла қўмитаси билан алоқани йўлга қўйиш.

Яқка тартибдаги тарбиявий ишларнинг юқориди тавсия этилган усуллари ҳар қандай тоифадаги ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Шулар орқали ҳарбий хизматчи ҳақида маълумотлар тўпланиб, таҳлил этилади, тарбияланувчи ҳақида маълум бир фикрга келинади, унга нисбатан тарбиянинг самарали усуллари қўлланилади.

Ҳарбий хизматчиларни ўрганиш давомида тўп-ланган маълумотлар бўлима командирлари томонидан ҳар бир аскарга нисбатан олиб бориладиган «Педагогик кундалик»да, шартнома асосидаги ҳарбий хизматни оддий аскар, сержант ва офицер лавозимида ўтаётганлар учун эса «Яқка тартибдаги тарбиявий ишларни ўтказиш журнали»да ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ бўлади. Командирлар ушбу ҳужжатларга муайян ҳарбий хизматчи ҳақида бошланғич маълумотларни, унинг фаолиятини кузатишдан олган таассуротларини, яқка тартибдаги суҳбат натижаларини, хулқидаги ўзгаришларини ва у ҳақидаги муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.

Яқка тартибдаги тарбиявий ишларнинг энг асосий ва самарали услубларидан бири суҳбатдир. Яқка тартибдаги суҳбатни ҳар хил шароитда, турли жойда ўтказиш мумкин. Бундай усул инсон билан очиқ, ҳолисона тарзда, турли мавзуларда суҳбатлашиш имконини беради. Катта ва кичик ўрта-

сидаги суҳбат ҳеч қачон исиз кетмайди. У албатта, ҳар бир қалбда ўз аксини топади. Одамлар билан мулоқотда улар қалбига йўл топа билиш ютуқлар гаровидир. Ўз қўл остидагиларни яхши билиш, уларни яқиндан ўрганиш ҳар бир командирнинг мажбуриятидир.

Яқка тартибдаги тарбиявий ишлар командирдан доимо тайёргарликни, ҳарбий психологик билимни, эътибор, сезгирлик ва маҳоратни талаб қилади.

**Яқка тартибдаги суҳбатни қуйидаги йўналишларда ўтказиш мумкин:**

- ҳарбий хизматчи билан яқиндан танишиш, оилавий аҳволи ва характерини ўрганиш;
- ҳарбий хизматга мослаша олмаётган, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик режаларини қийин ўзлаштираётганларни тарбиялаш ва йўналтириш;
- ҳарбий интизомни бузган ва бузишга мойил бўлган ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш;
- жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларни кўрсатаётган намунали ҳарбий хизматчиларни янада руҳлантириш, ижобий сифатларини тарғиб қилиш ва уларни жамоа ишига жалб қилиш мақсадида;
- бўлинмадаги ахлоқий-руҳий ҳолатни ўрганиш ёки бирон бир ҳарбий хизматчи ҳақида кенгроқ маълумот олиш мақсадида;
- ҳарбий хизматчини юқори лавозимга тайинлаш ёки навбатдаги унвон берилишидан олдин ва бошқа мақсадларда.

Суҳбат жараёнида ўзини эркин тутиш, бир-бирига ишонч ва самимият руҳини яратиш керак. Командир суҳбатни ўтказишдан олдин аввало мавзусини, мақсадларини аниқлаб олиб тахминий саволларни тузиши лозим.

**Яқка тартибдаги суҳбатни ўтказишда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:**

- суҳбат ўтказиш учун танланган жой ва шароит очиқ гаплашиш имконини бериши керак;
- буйруқ оҳангида, дўқ-пўписа билан гаплашмаслик, суҳбат самимий бўлмоғи лозим;
- яқка тартибдаги суҳбат сўнгида командир бўйсунувчига маълум бир маслаҳат ва насиҳатни, вазифани бериши лозим;
- суҳбат бирон бир мақсадга йўналтирилган бўлиши, тахминан қандай натижага эришишни, суҳбатдошдан қандай маълумотларни олмоқчи эканлигини олдиндан аниқлаб олиш тавсия этилади.

Суҳбат давомида ёзиб бориш тавсия этилмайди, чунки бу суҳбатдошда ишончсизликни, иккиланишни келтириб чиқариши мумкин. Суҳбатдан сўнг тўп-ланган маълумотларни умумлаштириб «Педагогик кундалик»га киритиш тавсия қилинади. Командир яқка тартибдаги тарбиявий иш давомида олинган маълумотлардан тарбиявий ишлар жараёнида, жанговар тайёргарлик ва навбатчиликни ташкиллаштиришда, алоҳида вазифалар қўйишда фойдаланиши лозим. Қўл остидаги ҳарбий хизматчиларнинг руҳий ҳолатларини билиш командир учун жанговар ҳаракатлар вақтида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Кўпгина ёш ҳарбий хизматчилар жанговар хизмат машаққатларини сабот билан энгиб, ҳарбий билимларни ҳеч қандай тўсиқсиз эгаллай олади, аммо баъзилари учун ўқиш ва ҳарбий хизмат жараёни жуда мураккаб кечади. Командир ва унинг ўринбосари ўз вақтида бўйсунувчидаги мана шу хусусият, ва кечинмалардан огоҳ бўлиб, уларга эътибор, ёрдам бериб, аниқ тадбирларни ишлаб чиқиши, хизмат давомида буларни ҳисобга олиши лозим.

Яқка тартибдаги тарбиявий ишларга доир барча тадбирлар бўлинмада ойлик тарбиявий ишлар режасида аниқ кўрсатилиши лозим. Ҳарбий интизом таҳлил қилинганда ҳар бир мансабдор шахснинг интизомни мустаҳкамлаш жараёнидаги иштирокига баҳо бериш лозим.

**«Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор»,** деб таъкидлаган эдилар Юртбошимиз. Юқоридидаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкин, қўл остидаги посбоннинг, ҳарбий хизматчининг характерини, ички дунёсини, талаб ва эҳтиёжларини яхши билган командир ва бошлиқ хизмат фаолиятида, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юксак натижаларни қайд этиши аниқ.

Майор Ў. УРУНОВ.

# ЁШЛАР

НАВРЎ

## ВАТАН, ШУНДАЙ ПОСБОНЛАРИНГ БОР!

Бугуннинг посбони ҳар томонлама чуқур билимга эга, ҳарбий соҳанинг сирларини пухта ўзлаштирган, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилишга қодир бўлмоғи керак. Айниқса, офицер кадрлар ўзининг билими, салоҳияти, муваффақиятлари билан барчага ўрнак, ибрат бўлиши лозим. Қуролли Кучларимизнинг замон талабларига жавоб беришида бу жуда муҳимдир.



Қаҳрамонимиз курсант Эльман Пашаев ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилаётган ёшларимиздан. Ҳозирда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида таҳсил олаётган ўғлоннинг қўлга киритаётган ютуқларига барча ҳавас билан қарайди.

– Билим юртимизда интилувчан, серғайрат ёшлар жуда кўп, – дейди офицер Нурулло Муродов. – Курсантларнинг ичида Эльман Пашаев ажралиб туради. Билимга чанқоқ, илғор бу йигитни сабоқдошлари ҳурмат қилади. Чунки мақсад сари олға интилиш, ўз устида ишлаш, ҳар қандай қийинчиликни сабот билан енгиб ўтишда у ҳамиша сафдошларига намуна бўлиб келади-да.

Ҳаётини шарафли соҳа билан боғлаган шунқор Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида туғилиб ўсган. Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ ҳарбийликка меҳр қўйган ўғлон фақат аъло баҳоларга ўқишга, бўш вақтларида спорт билан мунтазам шуғулланишга ҳаракат қилар эди. Мактабни тамомлагач, олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топширади. «Интилганга толе ёр», дейди халқимиз. Пухта тайёргарлик ўз натижасини берди. Ниҳоят у орзусига эришди – курсантлик номига сазовор бўлди.

– Ўғлим билан фахрланаман, – дейди унинг онаси Сара опа. – Эльман мени албатта мақсадига етишига ишонтирди. Ушанда фарзандимнинг нечоғли қатъиятли, иродали йигит эканига амин бўлганман. Ўғлим сим қоқиб орзуси ушалгани, юқори балл билан ўқишга киргани ҳақида айтганида қанчалик суюнганимни кўрсангиз эди. Шунда англадимки, бу дунёда ота-она учун фарзандининг қувончидан ҳам сурурли лаҳза бўлмас экан.

Курсант Пашаев айни дамда учинчи курсда таҳсил олмоқда. У ўтган уч йил давомида кўп нарсаларни ўрганди. Соҳага оид билимларни, ҳарб илмининг сирларини мукамал ўзлаштиришида устоз офицерлар Николай Енисеев, Нурулло Муродовлар яқиндан ёрдам бериб келишгаётган бўлса, амалий машғулотларда офицерлар Равшан Эргашев, Олим Қултоев, Шукрулло Азимовларнинг кўп йиллик тажрибалари унга ниҳоятда асқотмоқда. Қаҳрамонимизнинг билим юрти миқёсида энг аълочи, илғор курсант дея эътироф этилишида ана шу инсонларнинг хизмати беҳиёс.

Учинчи курс курсантлари учун айни пайтда мустақил амалий машғулотлар давом этмоқда. Машғулотларда улардан олган билим ва кўникмаларини намоён этишлари, ҳарбий техникани моҳирона бошқаришлари, белгиланган вазифани адо этишлари, ўзларининг командирлик салоҳиятларини кўрсата билишлари та-

лаб этилади. Яхши кўрсаткичларни қайд этган курсантлар номи эълон қилинганда улар орасида Э. Пашаевнинг ҳам борлиги ҳеч кимни ажаблантирмади.

– Сабоқдошимга ҳавасим келади, – дейди учинчи курс курсанти Жамол Юсупов. – Билимли, қобилиятли йигит. Муҳими, ўз ишнини яхши билади, касбини севади. Қандай ишга киришмасин, унга шунчаки ёндашмайди, балки сидқидилдан адо этишга интилади. Шунинг учун ҳам у билим юртимизнинг энг кўзга кўринган курсантларидан. Биз ҳамиша ундан ўрнак олишга ҳаракат қиламиз.

Қаҳрамонимиз яқинда «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Камолот»: мен ва имкониятларим» номли маънавий-маърифий дастури доирасида ўтказилган «Камолот» стипендияси танловида ғолиб деб топилди. Ўқиш ва жамоат ишларида фаол, изланувчан, билимли, ташаббускор ёшларни рағбатлантириш, уларнинг меҳнатини юзага чиқариш, истиқболимиз эгаларини келажакка ишонч, миллий истиқлол гоёлари руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадларни ўз олдига қўйган мазкур танловда бу йил илк бор олий ҳарбий билим юртлари курсантлари ҳам иштирок этишди. Эльманнинг ана шу нуфузли танловда ғолиб чиққани таҳсинга сазовор.

Мамлакатимизда қаҳрамонимиз сингари Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли ишга бел боғлаган, келгусида офицер сифатида Қуролли Кучларимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга аҳд қилган ёшлар жуда кўп. Уларнинг билимга чанқоқлиги, интилувчанлиги, эришгаётган ютуқларини кўриб, тинчлигимиз ва осойишталигимиз ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўламиз.

Жамшид НИЁЗОВ,  
«Ватанпарвар» муҳбири.

Катта лейтенант Ёшин Ҳақимов суратга олган.

## КЕЛАЖАҚДА КИМ БЎЛМОҚЧИСИЗ?

Ҳар бир инсон болаликданоқ келажакда бирор бир касб эгаси бўлишни, сеvimли соҳа ва машғулот билан шуғулланишни орзу-ният қилади, ўз олдига улкан мақсадлар қўяди ва режалар тузади. Одамларнинг танлаган касб-йўналишлари турмушлари файзли, умрлари мазмунли бўлишида асосий ўрин тутувчи мезонлардан биридир.

Аниқроғи, танлаган касбингиз ҳаётингизнинг асосини ташкил этади. Зеро, инсоннинг мақсадсиз, ҳаракатсиз, орзусиз камолотга эришиши, мавжудлиги моҳиятини англаб етиши ва мазмунли умр кечириши амри маҳол.

Юқорида айтиб ўтилгандек, буюк ва мусавффо орзулар беғубор болаликнинг бахтиёр онларидан бошланади. Ўғил болалар асосан, келажакда учувчи, ҳарбий ёки қурувчи бўлишни орзу қилса, қиз болалар эса моҳир чевар, шифокор, ўқитувчи, рассом бўлишни ният қиладилар.

Болаларда бу касбларга қизиқиш ва мақсадлар уйғонишига уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари қолаверса, эртақ ва фильмлардаги қаҳрамонлар фаолиятига ҳавас, хайрихоҳлик сабаб бўлади, деб ўйлайман.

Болаликдан ўсмирликка улғай борган сари қизиқишлар, мақсадлар янгилашиб, ўзгариб, ҳаракатлар, интилиш ва изланишлар шу орзуларга мувофиқлаша бошлайдилар. Болаликда фақатгина учувчи ёки ҳарбийлик касбларининг билган бўлса, улғайгач, менежер, архитек-

тор, археолог каби касблар билан танишиш имконига эга бўлади. Фикрлаш ва дунёқараш ўсиб, мақсадлар янги босқичга ўтади.

Психологларнинг фикрларига кўра, инсоннинг касб танлаш бўйича узил-кесил қарорга келиш ҳолати ўсмирлик даврида содир бўлади. Ўсмирлик даврида болада машҳур инсонларнинг касбига, етакчилик ва машҳурликка томон олиб борувчи соҳа йўналишларига бўлган қизиқиши кучаяркан.

Бугун келажакда қайси касб эгаси бўлиши тўғрисида берилган саволга кўплаб ўғил болалар дипломат, юрист ёки банкир, қизлар эса иқтисодчи, менежер, таржимон, деб жавоб беради. Улар бу касбларни қандай мақсад ва қизиқиш асосида танлаган? Нега кўпчилик ёшлар чет элда ўқишни, ишлашни ёки яшашни орзу қилади? Хўш, ёшлар ўз танлаган касблари, соҳа йўналишлари ҳақида етарли тушунча ва маълумотларга эгамилар?

Бундайин саволларга жавоб топиш учун мактаб, лицей ва коллежларда ўқувчининг характерини ўрганиш ва уни касбга йўналтиришда психологик сўровномалар ўтказилганда, менимча «Келажакда ким бўлмоқчиси?» деган савол билан чекланмаслик лозим.

Шерзод РАЖБОВ,  
ЎзДЖТУ қошидаги 1-сонли  
академик лицей ўқувчиси.

## ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАР ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Болажонлар-ширинтойлар-2009» Болалар модаси фестивали ниҳоясига етди.

Юртимизда ёш авлод келажак ва истиқбол ҳақида ғам-хўрлик кўрсатиш, бадний дидини шакллантириш, маънавияти ва тафаккурини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жиҳатлар болалар модасини янада ривожлантириш, жумладан, юртимиз табиий иқлими, ўғил-қизларнинг ёши, психологияси, дунёқарашига мос бежирим, қулай ва сифатли кийим-кечаклар яратишда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

«Болажонлар-ширинтойлар-2009» Болалар модаси фестивалида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим даргоҳларида билим олаётган талабалар билан биргаликда ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият олиб бораётган дизайнер-модельерларнинг элликка яқин тўпламидан жой олган уч юз етмишдан зиёд янги либос намоиши этилди. Тадбир доирасида кўргазмалар, болалар суратлари ва моделлари танлов-

лари, болалар либосларини яратиш ва моделлаштиришга бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Фестивалда «Эски шаҳар» Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази аъзолари Раъно Зоҳидова, Турғунной Олимова, дизайнер Денис Томиллин, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари Фотима ва Зухра Муҳамедова, Надежда Бушьяк, Марина Дю, Наргиза Отажоновна, Барно Рихсиева, Алёна Кан, «Муруваттекс» ишлаб чиқариш корхонаси дизайнери Дилдора Абдуллаева, «Парадайс» мода мактаби вакили Александра Чичинова, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Рухшона Мўминова, «Арт бюро Колибри» мода мактаби вакиллари Моҳинур Юсупова, Анна Янкова турли номинацияларда ғолибликни қўлга киритди.

(ЎЗА).

## ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲИССАСИ

Наврўз байрами олдидан республикамизнинг барча вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларида Умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Жумладан, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам ҳашар кўтаринки руҳда, ёшларнинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги остида ташкиллаштирилди. Икки кун мобайнида давом этган Умумхалқ хайрия ҳашари ёшлар сайлига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Унда Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедрасида таҳсил олаётган талабалар ҳам фаол қатнашиб, тевақаратрофини тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига беминнат ҳисса қўшишди. Шунингдек, «Бир ёшга бир ниҳол» шiori остида турли хил мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатларини олиб келиб экишди. Дарахтларга шакл берилиб, уларнинг таги юмшатиildi.

Умумхалқ хайрия ҳашари якунида энг илғор ўқув цикллари профессор ўқитувчилари ва талабалар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилиб, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорликлари барчага ўрнак қилиб кўрсатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўттиш керакки, мазкур тадбир орқали, эртанги кунимиз эгалари, келажакимиз давомчилари бўлмиш ёшларимизнинг қалбларига қадриятларимиз янада чуқурроқ сингдирилди.

Майор Қамбарали АЗИЗОВ.



# АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

## ҲАЁТ МАКТАБИНИНГ САБОҒИ

Фарзандининг улғайиб, камолга етганини кўрган ота-онанинг қувончини сўз билан таърифлаш қийин. Бундай бахтиёр онларни ҳаяжон ила ўғлини аскарликка кузатаётган, орадан бир йил ўтгач, энтикиш билан уни кутиб олишга чиққан, ҳарбий либосда кўриб, кўзларида севиш ёшлари балқиган ота-оналар мисолида яққол тасаввур қилса бўлади.



Бугун юртимиздаги кўплаб хонадонларда ҳаётнинг ушбу унутилмас давларини кўриш мумкин. Яъни, кўклар таровати қалбларга илиқлик олиб келган айни кунларда муддатли ҳарбий хизматдан қайтган аскарлар хонадониди ўзига хос хурсандчилик. Отанинг кўкси тоғ, акаю сингил чексиз фахрда, қариндош-уруғ, дўсту биродарлар, қўни-қўшнилари эса ҳавас билан боқишмоқда. Файзли дастурхон атрофидаги суҳбатларда ҳам аскар йигитининг ушбу муддат ичида армияда кўрганлари, ўрганганлари, янада куч-қувватга тўлиб, дунёқарашини анча кенгайгани асосий мавзуга айланган. Одий қилиб айтганда, ушбу шодна шукуҳи бутун маҳалла, бутун қишлоққа тарқалган.

Паркент туманида истиқомат қилувчи Усмоновлар хонадониди ҳам ўзгача кун. Санжарнинг муддатли ҳарбий хизматининг белгиланган муддатини адо этиб, ёруғ юз билан қайтганини эшитганлар уни йўқлаб келишган. Ўқтам ўғлон билан суҳбатлашган, фикр алмашган киши борки, унинг ҳаётга бўлган муносабати ўзгаргани, фикрлари теранлашганини дарҳол пайқайди.

– Армияни ҳаёт мактаби дейишади, – дейди Санжар. – Чиндан ҳам, аскарлик инсон умрининг энг муҳим босқичи эканига амин бўлдим. Муддатли ҳарбий

хизмат даврида командирларимизнинг ўғити, кўмаги билан ҳам маънави, ҳам жисмонан тобландик. Айниқса, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликка оид машғулотлар менда катта таассурот қолдирди. Келгусида олий ўқув юртида таҳсил олишни режалаштирганман. Бу борада менга армияда олган сабоқларим қўл келишига ишонаман.

Ҳа, йигитлик, ҳаёт мактаби аталмиш армиянинг ёшларимиз маънавий, жисмоний камолати, уларнинг миллий истиқлол гоёлари, Ватанга садоқат руҳида камол топишларида аҳамияти катта бўлаёттир. Бугун бу мактабнинг сабоғини олганлар қаҳрамонимиз, каби давлатимизнинг юксак ғамхўрлиги ва эътиборидан миннатдор. Таъкидлаш жоизки, олиб борилган ислоҳотлар сабаб, улкан ўзгаришлар амалга оширилди, армия тинч ва осойишта ҳаётимизнинг ишончли кафолатига айланди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Қуроли Кучлари ташкил топганининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида таъкидлаганидек, миллий армиямизни замон талаблари даражасида шаклланишини таъминлаш йўлидаги ислоҳотлар бундан кейин ҳам давом эттирилади. Ушбу йўлдаги энг муҳим қадамлардан бири сифатида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон

Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини келтириш мумкин. Мазкур ҳужжатга асосан, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга қақурув йилда бир марта – февраль-март ойларида, белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Қуроли Кучлари захирасига бўшатиш эса март-апрель ойларида амалга ошириладиган бўлди. Айтиб ўтиш керакки, мазкур ҳужжат қақурув сифати ва самарадорлигини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳолига кенг тушултиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қақурув комиссияларининг ишида ошкораликни таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари жалб қилинди. Ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган аскарларни кутиб олиш тадбирларини катта тантана сифатида нишонлаш анъанага айланди.

Албатта, аскарларнинг кейинги фаолияти ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлаштириш ва олий ўқув юртига кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланган. Жумладан, муддатли ҳарбий хизмат давомида ижтимоий-сиёсий, жанговар ва жисмоний тайёргарликлар бўйича юқори кўрсаткичларга эришган, вазифасини виждонан адо этиши, машғулотларда фаоллиги билан сафдошларига ўрнак бўлган посбонларга бериладиган тавсияномалар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, захирага бўшатишларидан сўнг ишга жойлаштирилиши, олий ўқув юртидаги тайёрлов курсларида бепул таълим олишларидан бугун кўпчилик хабардор. Буларнинг барчаси ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртиларида армия сафларида мардик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафар ёшларимиз таълим олмақда. Улардан бири тошкентлик Алишер Акбархўжаевдир.

Алишер айни пайтда Тошкент давлат техника университетининг авиация факультетида таҳсил олмақда. У тенгқурлари орасида ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан алоҳида ажралди туради. Буни Алишернинг университет «Камолот» ЁИХ факультет стакчиси эканидан ҳам билиш мумкин. Устозлар ҳам қўл остиларида мана шундай иқтидорли йигитнинг тарбияланаётганидан хурсанд. Унинг эришаётган ютуқларидан, айниқса онаси жуда-жуда мамнун.

– Фарзанд тарбияси жуда нозик масала, – дейди у. – Бу иш ҳар бир ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мен ўзимни жуда бахтиёр ҳис қиламан. Чунки Алишер истаганимдек йигит бўлди. Муддатли ҳарбий хизматга бориш истаганини билдирганда қанчалик севинганимни билсангиз эди. Ахир армияда эрийгит кўп нарсани ўрганганида. Муддатли ҳарбий хизматдан қайтганида ўғлимда катта ўзгаришлар бўлганини, қатъияти, ўзига ишончи ортганини кўрдим. Ишончим комилки, ўғлим келажакда ўз касбининг устаси бўлади ва мамлакатимиз ривожини учун ҳисса қўшади.

Шавкат ОРТИҚОВ.

## КУЗАТИШ МАРОСИМИ

Пойтахтимиздаги марказий темир йўл вокзалида Тошкент ҳарбий округи қисм ва бўлимларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб, резервга бўшатиш аскарларини кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Округ офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиладигани, соҳада амалга ошириладиган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун том маънода шон-шараф ишига айлангани таъкидланди.

– Хизмат давомида Ватанини ҳимоя қилиш энг олий бурч эканини янада теран англадим, – дейди резервга бўшаб, Қашқадарёга йўл олаётган Бекзод Муқимов. – Ана шу бурчини намунали ўтаб уйга қайтаётганимдан хурсандман. Мардик ва матонат мактабига айланган

армияда ҳар томонлама тобландим, дунёқарашим, ҳаётга муносабатим ўзгарди. Аскарлик ҳаётимда унутилмас давр бўлиб қолади.

Десантчилар қисмида хизмат қилган бу йигит хизмат давомида сафдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлди. Ўқув машғулотларида яхши натижаларга эришиб, фахрий ёрлик ва «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочилиги», «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Бундан ташқари, олий ўқув юртига кириш учун тест топширишда имтиёз берадиган қўмондонлик тавсияномасига ҳам эга бўлди.

– Армияда ҳар томонлама шаклландим, билимим ошди, – дейди уйга йўл олаётган самарқандлик Фе-

рузбек Шокиралиев. – Ҳарбий соҳага бўлган қизиқишим ортди, келажакда офицер бўлишга аҳд қилдим. Энди ана шу мақсад йўлида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун жиддий тайёргарлик кўраман.

– Бу йигитлар ўз бурчини ҳалол ва виждонан бажариб, командир ва бошлиқлар ишончини оқлаб, ота-онаси бағрига ёруғ юз билан қайтмоқда, – дейди офицер Алишер Мунинов. – Уларнинг кўпчилиги ўқув-жанговар тайёргарлик, турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, қатор ютуқларни қўлга киритди. Ишончимиз комилки, келгусида улар ўқиш ва ишда ҳам тенгдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлади.

Холмурод САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

# АДАБИЁТ

НАВРЎ

## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

(Тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).  
УЧИНЧИ БОБ

7

Маликшоҳнинг келиши султоннинг ўтини янгилади. Синд бўйидаги даҳшатли воқеалар, волидан муҳтарамаси, хотин, болачақасини дарёга оқизгани балким юзинчими, мингинчими мартадир кўз ўнгидан ўтди.

Ушанда кемаданми, гирдоб қаъриданми волидан муҳтарамасининг «болам» деб отилиб чиққан овози ҳамон қулоғи остидан кетмайди. Ҳар эшитганида юраги орқасига тортади. Гўёки бир ўлиб-тирилади.

Дарёни кечиб ўтгач, туққанларидан дарак топишнинг иложи бўлгани йўқ. Ўқлару қилчлар дарё сари йўлини тўсди. Шатра кўшини ва тоғликлар ҳужумини барбод этгунича вақт кўлан кетди. Ҳиндустоннинг бир бўлагидан ўз байроғи ҳилпираб, ҳукми қарор топгач, дарёнинг кўш соҳилига одамларини юборди. Сув усти ва сув остини тафтиш айлади. Ҳеч қаердан «болам» деган нидони тополмади.

Гулбегим... Ҳн гулидин бир гули очилмай хазон бўлганим. Ўғлим Жамоллидин... норасидам...

Сочини чангаллади султон. Ўз кўллари ўз бошини эзай деди.

Тонгга яқин ўзига ўзи берган азоблардан толиқиб кўзи иллингандими-йўқми қулоқларига ўша нидо келди. «Болам!»

Сапчиб турди ўрнидан. Хобхонаси эшитгани тарақлатиб очганча ташқарига отилди. Соқчилар, хос навкарлар оёққа турди. Не тонгки, атроф-жавониб жимжит эди. Қора чўққилар элас кўзга ташланар, борлиқ уйкуга чўмган. Қоронғулик ичида бўлсада, ҳамма нарса бор, тошлар, дарахтлар, жылғалар, яқин-йироқ, дўст-душман одамлар. Фақат волидан муҳтарамаси йўқ, унинг болам, деган овози йўқ. Фақат Гулбегимнинг ёниб тургучи кўзлари, Жамоллидиннинг қулпуларини намоен этолгучи куч йўқ дунёда.

Дунё тор...

Уни тор айлаган олчоқлардур, ёвузлардур, босқинчилардур. Уларнинг тухумини қуритмагунча дунё кенг бўлолмас.

Султон томирларида қон оловлашиб борарди.

8

Шамсулмулк одам танишликда камдан-кам адашарди. Юз-кўзга қарашданоқ ҳар кимнинг ботини, феъли, умргузаронлик тарзини била оларди. Аммо бу гал у адашди. Қаттиқ адашди.

Ҳинд ҳукмдорлари ичида у Шамсиддин Элтуғмиш билан Носириддин Кубачани бошқаларига қараганда оқ-қорани таний оладиган, ақл-фаросатда пешқадамлардан деб олдилари кўп эшитган ва негадир шунга ишонар ҳам эди. Дарёни кечиб, ўзини Кубача қароргоҳида кўрганида эртаги кундан умидворлик ҳисси кўнглига таскин берган эди.

Чингизхон кўшини қарийб Ҳинд чегараларига келиб қолгани, бунинг оқибати не бўлишини Кубача англагайдир, агар ақли муслим кўлини қўлга бермас эркан, тузатиб бўлмас фалокатлар рўй беражати у сездар, деб ўйлаган эди. Султон дарёни омон-эсон кечиб ўтганини эшитгач эса, Кубача унга пешвоз чиқар деган хаёлга ҳам борган эди. Чунки, Чингизхоннинг Жалоллидинча яхши билладиган, бу қудратли хоқонга бас келоладиган ундан бошқа баҳодир йўқлиги, нажот калити фақат султон илгида эканлиги кундай равшан эди.

Лекин, биринчи кунданоқ аён бўлдики, Кубача бу ҳақиқатни англашдан ожиз. Билъакс, у хоқонга қараганда ҳам султондан чўчиди ва унга қарши аллақачон бел боғлаган. Боз устига, Элтуғмиш ва бошқа ҳукмдорларни султонга қарши гижтижлаб турар.

Илк суҳбатдаёқ султонга қора чаплаганида Шамсулмулк ҳайрон бўлган эди. Султоннинг ўнг қўли ҳисобланмиш одамга, вазир султон шаънини булғайтурган гапларни қалаштириб ташлаш...

Ўша суҳбатдан кейиноқ Шамсулмулк бу бадхўй даргоҳдан не қилиб бўлса-да қутулиб, султон ҳузурига етиб олишни мўлжаллаган эди. Бундан олдин Гулбегимнинг хабарини султонга етказмоқлик шарт эдики, Шамсулмулк бу ҳақда кўп ўйлар ва ўзича турли режалар тузарди.

Соҳилдан тутиб келинган ва эшик оғасига дастёр этиб кўйилган йигит бул ишда кўл келмасми экан? Йигитни у султон ҳузурига бир марта кўрган, сўнг савашлардаги жасоратини эшитган эди. Адашмас, йигит қуролсиз Тўғонбекка ини бўлур. Исмин Қамбарбек дегайлар эди. Унга таянмоқ хато бўлмас.

Шамсулмулк унинг билан учрашишга чоғланган кунда йигитни Абу Совуқ Кубачадан тилаб олди ва юлиб кетди...

10

– Ўшал кўринган баҳайбат чўққи Кўкқоя бўлур, – деди Нуруний Абдул Маҳакка.

Ул бошини кўтариб юқори қаради. Қоя шундай сарбаланд ва ҳашаматли эдики, Абдул Маҳак ундан кўз узолмай пичирлади: «Наажаб! Наажаб!»

Қоя кўкка тугашиб, унинг билан ачомлашиб тургандай эди. Кўк билан қоя бир бутунлик касб этган, яхлит бир мафтункор маъвога айланган эди. Тепасидан шаршаралар оқиб турар. Ранго-ранг гуллар, япроқлари шуълага йўғрилган дарахтлар, ямийил майсазорлар шаршаранинг шаффоф томчиларига бурканиб, ўзидан нажиб ифорлар тарқатади.

Гўё ўша шаршара томчилари Абдул Маҳак кўнглига уфуриб киргандай, губорларини ювиб юборгандай бўлди. Худди ҳар битта хужайраси тозарди. Бутун борлигида бир ором сездди.

– Эмди бирпас тин ол, – деди Нуруний. – Ул олий маъво бўсағасига бошингни кўйиб чарчоғингни ёз.

– Йўқ, – деди Абдул Маҳак, – чарчоқ нетсин, билъакс, отдайман.

– Унда кўзгал, эй, умидли банда, мен эсам оёқларимга дам берай. Иншооллоҳ, орқангдин етиб боргаймен.

Шундай дея Абдул Маҳакни кузатиб қолди Нуруний.

Абдул Маҳак тоққа тирмаша кетди. Сал ўтмай англади-ки, чўққига элтгучи сўқмоқ ердагисига асло ўхшамас, майда тошлари чўққир-тиканак, оёқини тилар, боз устига, жар ёқалаб ўтар, қулаб кетишга бир қалтис қадам кифоя экан.

Абдул Маҳак худди кумурсқадай ўзини эҳтиётлаб, дам-бадам юқорилаб бораверди. Бир жойга еганида оёғи остидаги тош ўйнаб кетдию жарга ағанай бошлади, кўзи ўнг томондаги харсангга тушиб унга ўзини ташламаганида пастга ўқдай учган бўларди.

Харсангни кучиб бирпас етди Абдул Маҳак, ўзига келгач, тагин юқорига силжий кетди. Ҳар қадамда қоқилиб-суришиб, оёқлари тилиниб бўлса-да, илгарилаб бораверди.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, бир вақт қараса, кўк чўққига етай деб қолибди. Борлиғига қувонч инди. Таранг тортилган бўғилари бўшашганини сезиб, жиндай ҳордиқ олишни ихтиёр этди. Сўқмоқ четидоги оппоқ ва ясси харсангга чиқиб ястаниб ётди.

Тун кирди, у худди кундуздагидек ёруғ эди. Хур қизлари хув оқ-оппоқ тепадан туриб уни ўз қошларига чорларди. «Ўзи сизларни излаб, узоқ йўл босиб келганман, – деди ота уларга боқиб, – иншооллоҳ, дийдорлашини фурсати етибдур».

Шундай дея Абдул Маҳак пастда элас-элас кўзга ташланаётган заминга боқди. Бир чавақдоз қиз қайғадир от елдириб бормоқда эди. Ота уни таниди, қизи Қамбарисо. «Алҳамдилуллоҳ, бошинг омон эркан, жон қизим», деди ота ул томон термулиб. Сўнг кўзига ўғли Тўғонбек кўричди. У ўз синглиси Қамбарисонини илҳақ кутаётгандай эди. «Алҳамдилуллоҳ», деди яна ота.

Шодлигини изҳор айламоқ бўлиб Нурунийни ахтарди. Унг томони, сўл ёнига кўз ташлади. Шариллаб турган жилға бўйларидан излади кўзлари. У ҳеч қаерда йўқ эди. Абдул Маҳак ул



Нуруний Хўжаи Хизр экан-да, деган хаёлга борди. Бу фикрига бора-бора қаттиқ ишониб қолди. Олий маъвога йўл кўрсатган ҳам, етаклаб олиб келган ҳам Ул, Ул!

Абдул Маҳак жилмайганча уйкуга кетди. Бу фароғатли уйку унга сўнгсиз ҳузурлар бағишлар эди.

Аламдийда ИНСОН

...Тун қўйнига кириб,  
Унинг паноҳида эврилди руҳга!

11

Жуд тоғи теграсида яшовчи Хоккар қавми ройининг бир ўғил ва бир қизи бор эди. Ўғли баҳодирликда, қизи Сангина гўзалликда тенгсиз эди. Сангина хусн-жамолдан ташқари, ақл ва дониш соҳибаси ҳам бўлиб, давлат ва сиёсат ишларида ёш босган отасининг билгир маслаҳатгўйи эди.

Рой Кубачага таянар, унга кўп йиллардан бери закот тўлаб келар, шундан бўлса эҳтимол тоғлик барча қавм ва кўшинлар султон Жалоллидин қўл остига ўтганида ҳам Хоккар ўз-ўзича қолди. Султонга ёв ҳам, дўст ҳам бўлмади. Бетарафлик йўлини тутди.

Кубачага ройининг бу тутуми маъқул келар, шунинг баробарида кўнглида шубҳа ҳам йўқ эмасди. Агар қўйиб берилса, султон Хоккарни босиб олиши мумкинлигини ўйлаб, хатарни бартараф этиш чораларини изларди. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор эди. Рой қизининг чиройи ва ақли-шуури овозаси тарқатган сайин Кубача кўнглида унга уйланиш иштиёқи ҳам ортаборган эди. Уйланиш унга Хоккарни қўлга киритиш йўли бўлиб ҳам кўриларди. Шунга кўра Хоккарни муҳофаза этиш баҳонасида унинг чегарасига ўз кўшинини келтириб жойлаштирди.

Сангина отасига деди:

– Кубачанинг бул иши султон Жалоллидин ғазабини кўзгатмай қўймас. Султон ғазаб эрса бизин-да, Кубачанинг ўзини-да хароб айлар. Вақт борида Кубача ўз кўшинини худудини олиб кетсин.

– Гапинг чин, қизим, – деди рой, – буни билурмен. Аммо кўшинингни олиб кет деб, Кубачага қай тил ила айтурмен. Ниятимни билгани он ул саваш бошлагай. Билурсен, биз унга бас келолмасмиз.

– Ундок қилмоғига йўл бермагаймиз, – деди Сангина ишонч билан. – Султон Жалоллидин ила дарҳол дўстлик риштасини боғламоқ даркор, деб ўйлармен.

Сангинанинг гапи тагида бошқа маъно ҳам бор эди.

(Давоми бор).

## БИНАФША

Февраль ойи, айни қирчиллама қиш палласи бўлишига қарамай, кун иссиқ. Қуёш чарқлаб, одамлар худди баҳордагидай енгил кийинишиб олишган. Кўкдам нафаси уфуриб турган шундай ажойиб кунда ишим юришмай тушқунликка тушган, тунд бир қиёфада хиёбондан ўтиб кетаётгандим.

– Ойинжон, қаранг, манави нима? – жаранглаган овоз хаёлимни бўлди.

Бештиёр овоз келган томонга қарадим. Мендан икки қадим нарида, тарвақайлаб кетган асрий чинорнинг тагида беш ёшлар чамасидаги қизча турар, кўзларини катта-катта очганча нимагадир тикиларди. Йўл четидоги ўрниқда ештига аёл журнал ўқиб ўтирарди. У қизининг овозини эшитиб, кўзини журналдан узмади ҳам, фақат эринибгина:

– Қани олиб кел-чи, нима экан у? – деб қўя қолди.

Шу пайт қизиқишим устун келди, қизча томон қадам босдим. Қизча энгашиб, ямийил майсалар орасидаги... бинафшани узишга чоғланаётган эди. Чинор тагида очилган бинафшалар нозиккина новдасида тебранганча худди гунафшаранг кўзлар мисоли қизчага тикилиб туришарди. Қизчанинг бинафшани узишга чоғланган қўлидан тутиб, тўхтатдим.

– Қўй, қизим, узма бу гулларни. – дедим. – Бу ахир баҳор элчиси – бинафша-ку! Узсанг, гуллар сўлиб қолади, сен эса уларни ташлаб юборасан. Узмасанг, улар яна бир

неча кунгача очилиб, сенга ўхшаш қизчаларга завқ улашиб туришади.

Қизча кинриқларини пирпиратиб бир менга, бир бинафшаларга тикиларди.

– Чиройли экан! – деди ниҳоят ва ойиси томон чопқиллаб кетди. – Ойинжон, қаранг, чинорнинг тагида чиройли гуллар очилибди. Анави холам уларни бинафша, даяптилар.

Аёл нидамай ўрнидан турди, журнални сумкачасига тикди-ю, қизининг қўлидан тортиқлаганча метро томон кетди. Бинафшалар томон қиё боқмади ҳам. Қизча эса пилдираб кетаркан, бир неча марта орқасига ўгирилиб қаради. Унинг қора кўзларида ёш ҳалқаланиб турарди.

Баҳор малағига энгашидим. Бинафшанинг нафис ифори димоғимга урилди. Унинг солдағини гулбарглари кўзимга дунёдаги энг чиройли ҳилқат бўлиб кўричди. Эрта бир кун февралнинг аёзиро қорбўронларида қолишдан чўчимай, бошчасини адл тутганча кўзини қувнатиб турган жасур гулни жудаям яхши кўриб кетдим. Бармоқларим билан гулбарглари аста силадим.

Тўсатдан бояги тушқунлик кайфиятий бутунлай йўқолганини сездим. Қалбимганилик бир ёруғлик қўйилди, ишим юришмаганини ҳам паққос унутдим. Мен шу дақиқада ўзим жудаям соғинган баҳор нафасини туйганим.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА.

## СУМАЛАК ТАЪМИ

Ҳовлимизнинг боққа чиқадиган ташқи эшиги бўларди. Ушбу эшик орқали нафақат боғимизга, балки Уста ака деган кишининг ҳовлисига ўтиш мумкин эди. Боғимиздан бир парча ерни бувам ўша кўшнимизга берган, деган гапни ҳам эшитганман.

1950 йилнинг баҳорида Уста ака киравериш хонадаги супақда бугдой ундирга бошлади. Унинг ёлғиз ўғли 4-5 яшар бўлиб, менинг тенгдошим эди. У билан бирга ўйнаб юрардик. Шунинг учун унаётган бугдойни ҳар куни бир кўриб кўярдик. Бир куни ҳовлимизда хотин-халаж, кампирлар кўпайиб кетишди. Уларнинг сумалак, сумалак деган гапларини эшитиб ҳайрон қолдим. Мен сумалак деганда кўпроқ қиш пайтлари томларда осилиб турадиган сумалакларини тўшунганман-да. Уруш тугаганидан сўнг кўп вақт ўтмаган, одамлар ҳали сумалак қилишмаган ва мен сумалакни кўрмаган, таъминни ҳам билмас эдим. Ички ҳовлимиздан ташқарида Уста акаларнинг уйига яқин ерга иккита ёруқ қилиниб, маҳалланинг чўян қозонлари келтириб ўрнашди. Сумалак деганлари дарровда пишмас экан. Вақт алламаҳал бўлиб қолганда аямлар мени ухлашга ётқизиб қўйганлари ёдим-да. Аямнинг «Сумалак эрталаб пишад», деган гапларидан кейин хотиржам ухлаган эдим

ўшанда. Эрталаб кўзимни очиб, сумалакка қараб югурдим. Иккала қозон ҳам бўм-бўш эди. Аямларнинг кайфиятлари яхши эмас. Маълум бўлишича, очарчилик, йўқчилик таъсирида маҳалламиздаги ушбу қозонларнинг биттаси ўн йиллардан бери ишлатилмагани туфайли дарз кетган экан. Маҳалладошлар қозоннинг дарз кетган ерига бир нарс суртибми, ёпиштирибми, бизниқига олиб келишган. Неча йиллардан бери бу тансиқ таом пиширилмагани учун унинг дарагини эшитганлар етти маҳалладан бир сикимдан бўлса ҳам ун, ёғ келтиришган эди. Қозонлардаги сумалаклар димлаб қўйилганида «майиб» қозоннинг тагидан бир парча чўян ўпирилиб тушиб, бир қозон сумалак қулга оқиб кетибди. Катта бувимлар «салқдан хижолатта қолдим энди», деб юм-юм йиғлаб, қолган бир қозон сумалакнинг ҳаммасини маҳаллага тарқаттирибдилар. Қариқдош-уруғларга сумалакдан бир ялашгина насиб қилибди. Аямлар «Ўғлим уйғониб, мендан сумалак сўраса, нима бераман», деб ишета тагида бир ялам сумалакни яшириб олиб қўйган эканлар. Ҳаюзгача ўша сумалакнинг таъми оғзимдан кетгани йўқ. Бу катта ҳовлимиз, катта бувимларнинг сумалаклари таъми эди...

Мансуржон ТОИРОВ.

## ХОТИРА

## УСТОЗ СИЙРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Ўзбекистон халқ шоири.

Ўнгимизда номи кўпчиликка маълум ва таниқли, ўта талабчан домла сифатида эмас, энг яқин дўст, сирдош оғайни бўлиб гавдалана бошлади: кечқурунги бўш пайтлар биз, талабаларга қўшилиб копток тепар, шахмат ўйнар, кўпчиликни «адабий давра»га чорлаб, бу соҳанинг сеҳрли олами ҳақида жозибали ҳикоятлар айтиб, бизларни оҳанрабодай ўзига жалб этарди. Баъзан гурунг мавзуи баҳс тусини олиб, ярим тунгача чўзилар, шунда Озод домла дорилфунун ўқитувчилари учун ажратилган махсус саранжом-сарништа хосхоналарни унутиб, бизнинг тўс-тўполонли «халқона» баракларда қолиб ҳам кетарди. Мен ана ўшанда Озод ака феълидаги жуда катта инсоний соддаликни, ўзидан кичикроқ ёшдагиларга нисбатан акаларча меҳр-оқибатни ҳис этганман.

Матбуотда илк шеърим босилгач, унга биринчи бўлиб Озод Шарафиддинов муносабат билдирган эдилар. Бу, албатта, адабиётнинг қутлуғ даргоҳи томон дадилроқ қадам қўйишимга бир туртки эди, бу даргоҳ олдидаги зиммадорликни елкамга юклади.

Сўнгра Озод Шарафиддинов «Ўзбекистон маданияти» газетасида «Талант ва масъулия» номли мақола эълон қилди. У менинг биринчи шеърлар тўплами – «Тонг нафаси» ҳақида эди.

Шўро тузуми шароитида, атрофи ўлчоқли чегаралар билан ўраб қўйилган муҳитда шоир номини олиб яшаш қанчалик қийин бўлса, танқидчи деган номни кўтариб юриш ҳам осон бўлмаган.

Хукмрон партиянинг «соцреализм» деган ақидаларидан бир қадам ҳам четга чиқмасликни қатъий талаб этувчи йўл-йўриқлари бор бўлиб, бунга шак келтирадиганлар топилса, бошида тегирмон тоши юргизиларди.

Шунинг учун шоиру ёзувчиларнинг ўрни партияга қай даражада содиқ эканлигига қараб белгиланар, шунга яраша ордену ёрлиқлар билан мурувват кўрсатиларди. Шундай бўлгач, ўша даврда адабиётда ижодкор иқтидорининг ҳақиқий баҳоси, ҳалол мезони бўлмаган. Бизлар шунга ўрганган эдик, кўнникандик ҳам.

Мана шу гайриҳақиқат қобилларига чидай олманган одамлардан биттаси улуғ ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бўлса, яна биттаси мунаққид Озод Шарафиддинов эди.

Бундай муҳитга қарши исён кўтаргани учун бу зотлар елкасида калтак синган. Уларга очиқдан-очиқ партия сиёсатига қарши турган, деган айбнома ёпиш-

тирилган эди. Бу фидойиларга ўзини яқин билган ижодкорлар турли йўللار билан таъқиб остига олинган, номлари «қора рўйхатлар»га тиркалган.

Шунга қарамасдан, кўпчилик ижод аҳли, айниқса, ёшлар Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарафиддиновни ҳақиқат жарчилари деб билар, уларга чироққа талпингандай интилардилар. Чунки шу кишиларгина пайдо бўлган ҳар қандай асар ҳақида юз-хотирсиз ҳаққоний гапни айтиши мумкин эди.

Озод Шарафиддинов талантни илғарди, талантни кўра биларди, деб мақташади. Талантни илғашку қийин нарса эмас. Яхши шеърни ёмон шеърдан бошқалар ҳам фарқлай билади. Бу жуда катта донишмандлик талаб қилмайди. Лекин истеъдод ёнидан индамасдан ўтиб, пачоқ адибни олқишлайдиган одамларга қойил қолиш керак. Озод Шарафиддинов бундай «қойилмақом» мунаққидлар қаторига кирмасди. Борини қандоқ бўлса – шундоқлигича айттарди-қўярди.

Яна Озод Шарафиддинов ўзининг манфаатини ўйламади, деб айтишади. Йўқ, Озод Шарафиддинов ўз манфаатини обдон ўйларди, лекин у бугунги манфаатини эмас, келажакдаги манфаатини ўйларди. «Бир кун келиб мен ҳақимда, мен айтган гапларим ҳақида авлодлар нима дейди?» деб ўйларди. Чунки вақт саракни саракка, пучакни пучакка ажратиши ҳақиқатдир.

Биз кўпроқ Озод ака билан Абдулла Қаҳҳор хонадонидида кўришардик. Чунки Абдулла Қаҳҳордай ёзувчи ҳузурига мени, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимовни етаклаб бориб таништирган Озод домла эди. Биз, ёшлар билан буюк адиб орасида кўприк бўлган инсон эди Озод Шарафиддинов.

Минг маротаба шукрки, Озод ака яхши кунларни, ўз меҳнатларининг чин қадр топганини кўрдилар. «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар, «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўлдилар. Мамлакат Президенти томонидан эъозландилар. Буларнинг ҳаммаси ўша машаққатлар, изтироблар эвазига топилган жуда катта Бахт эди.

Мен яна бир нарсадан беҳад хурсандманки, Озод ака умрларининг охиригача эътиқодга содиқ қолиб, ҳақ гапни айтиб турдилар. «Қанақа бўларкин, шунга айтсам, гап тегиб қолмаскин?» демасдилар. Бу хислат Озод акага ярашарди.

Ҳар бир замонда ижод аҳлидан, зиёлилардан жасорат талаб қилиш учун Озод Шарафиддиновдай инсонлар керак. Бунақа одамларни ҳудойим бизнинг бахтимизга, жамият бахти учун беради.

XX аср ўзбек адабий муҳитида ўз ибратли шахсияти, мустақкам эътиқоду дунёқараши билан зиёлиларимизнинг бутун бир авлоди учун намуна бўлиб танилган аллома Озод Шарафиддинов менинг нафақат шоир, балки инсон сифатида шаклланишимга катта таъсир кўрсатган чин маънодаги устоз эдилар.

У киши билан танишимиз университетдаги талабалик йилларига тўғри келган бўлиб, бошланғич курсларда бизга сабоқ бера бошлаганлар. Кейин эса ўша пайтларда авж олган «пахта терим кампанияси» деб аталмиш талабаларнинг ойларида чўзилувчи «мумҳашар» пайтлари – Мирзачўл далаларида яқиндан танишганмиз. Ушанда Озод Шарафиддинов кўз

## МЕН БОБОМГА СЎЗ БЕРГАНМАН...

Мен Ўзбекистонда таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов онласида дунёга келиш бахтига муяссар бўлдим. Шу хонадонда ўсиб-улғаймоқдан. Тўғрисулик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишни бобожоним йиллар давомида оптимизга сингдириб бордилар. Эсимни танибманки, уйқудан турган заҳотимоқ, ашил-тапи ювишиб, бобомнинг хоналарига ошиқардим. Шундай пайтларда бобом, одатдагидек, иш устида бўлардилар. Бобом мени ҳар доим очик чехра билан кутиб олардилар. Ширин сўзлар билан эркалаб, ҳазиллашардилар.

Бобом оғир хасталикка чалиниб, юришдан қолганларида мени элдигина б ёнга тўлгандим. Ушандан бошлаб мен уларга китобларни тахлашда, буюмларини у ердан бу ерга олишда, телефон орқали жавоб беришда ва газета-журналларнинг янги сонларини олиб келишда ёрдамлаша бошладим. Бўш вақтининг деярли ҳаммаси бобомнинг олдларида ўтарди. Сен менинг шахсий котибам бўласан, дердилар. Бобом доим ишга нисбатан масъулиятни ҳис қилишга ўргатдилар. Гоҳида: «Қамола, қани қилган ишларинг ҳақида ҳисоб бергин», десалар, икки варақ тўла рўйхатини ўқиб берадим. Унинг ичидида майда-чуйда ишлар ҳам ўрин олган бўлар эди. Шунда бобом жуда «камтар» қўрсан-да деб алқаб қўярдилар. Ширинликка ўч бўлганимдан уйда беркитиб қўйилган турли ширинликларни излаб топиб, бобом билан бирга баҳам кўрардим. Врачлар келиб бобомнинг қонини ўлчаб, қанди ошиб кетган, менинг эса қўлларимга тошма тошиб кетган бўларди.

Мактабга борганимдан сўнг бошланғич синф ўқитувчимиз олдимизга бир қанча талабларни қўйди. Шеър ёдлаш, китоб ўқиш, ҳисоб-китоб каби вазифаларни бажаришга тез киришиб кетишга ҳаракат қилдим. Айниқса, она тили, адабиёт, чет тили ҳамда тарих фанларини қизқиб ўқишга ҳаракат қилдим. Мактабда жуда кўп дўстлар орттирдим. Айниқса, чин дўст мактабда, сафарда билинади, деган мақолга узоқ юртларга қилган саёҳатларимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Бир гал сафарда бўлганимизда ҳаммадан кўра кўпроқ бобомнинг сонганимиз. 15 кунга ҳам чидай олмай кўз ёш тўққандим ҳатто. Мана, энди бобом олдимда йўқ. Ҳозир ҳам бўш қолдим дегунча бобомнинг хоналарига югураман. Бу хонадаги ҳар бир буюм ва сон-саноксиз китоблар мен учун гоёта муқаддасдир. Мени уйда йўқотиб қўйишса, фақат ана шу ердан топишар-

ди. Бобомнинг хоналарида узоқ қолиб кетаман. Китобларни бир-бир қўлимга олиб, чангини артаман, кўзимга суртаман. Китобларни, ҳали матбуотда чоп этиб улгурилмаган қўлёзмаларини мутолаа қилар эканман, ўзимни ажиб бир дунёга сайр этгандай ҳис қиламан. Чуқур мазмун сингдирилган сатрлар мени оҳанрабодек ўзига тортади. Уларда бобомнинг қўл излари қолган. Уларни ўқиганим сайин дунёни, ҳаётни янада чуқурроқ англагандек бўламан. Бобомнинг нафасларини сезгандек, овозларини эшитгандек бўламан гўё... Қалбни эзгулик нури билан лиммо-лим қиладиган бениҳоя қудратни ҳис қиламан уларда. Ахир бу китоблар, ҳали матбуот юзини кўрмаган даста-даста қўлёзмалар бобожоним ҳаётининг мазмуни эди-ку. Ахир бобомлар уларнинг барчасини неча бор ўз ингоҳларидан ўтказганлар! Умрларининг энг сўнгги дамларигача улардан айрилмадилар. Ҳатто жонлари узилаётган пайтда ҳам айтар сўзлари китоб, васиятлари уларни авайлаб-асраш ҳақида бўлди. Кетма-кет операциялар, тинимсиз оғриқ азобларига қарамасдан, бобом ҳеч қачон бўш ўтирмадилар. Ҳар доим китоб ўқиш, ёзиш билан машғул эдилар. Докторлар китоб ўқиниларини ман қилган пайтларда ҳам қулоқ солмасдилар. Шундан кейин ҳам бобомнинг сабр-тоқатларига, ўз маслагини эътиқодига содиқлигига қойил қолмай бўладимиз? Балким бобомни бедаво дард тинимсиз азоб-уқубатга солган маҳаллар унга мадад ва куч-қувват берган, ҳаётга, яшашга ундаган ҳам ўша маслак ва эътиқоднинг бениҳоя мустақамлигидир.

Бугунги кун одамлари бутунлай бошқача. Тезкор ва шиддатли замонда оламни тушуниш, идрок этиш, унга муносабат ҳам ўзгариб бормоқда. Лекин китобга бўлган муносабат ҳар қандай замонда ҳам ўзгармаслиги, аксинча, ортиб бориши зарур, дердилар буваам доим. «Энди менинг умрим ҳам охирилаб қолди... Умидим сизлардан, болам. Тилимиз жавоҳирларини кўпроқ ўрганишлар. Мана бу китобларни авайлаб-асраб, тўлдириб, кўпайтириб, келгуси авлодларга етказишга ҳаракат қил. Сен албатта менинг йўлимдан борасан. Келажакда адабиётимиз бўстонини яратувчи ниҳоллардан бири бўлғайсан, илоҳим. Лекин ҳали ўқитгин, ёшсан, навниҳолсан. Кўп ўқитгин, изланишинг зарур...»

Ҳа, бобом бутун умрларини бағишлаб ёзган бу китобларни мукамал ўқиб чиқиб, унинг замиридаги ҳақиқатларни кашф этиш, идрок қилиш, улардан баҳраманд бўлган ҳолда бобомнинг ниятларини рўёбга чиқариш менинг ягона орзумдир.




«Сизлардан, умримнинг энг сўнгги дамларигача эъозлаб келган мустақил юртимдан, Юртбошимдан миннатдорман, – дегандилар бобом вафот этишларидан олдин. – Сизларга айтар сўзимни, халқимга, Ватанимга меҳр-муҳаббатимни ана шу китоблардаги сатрларимга жойлаганман». Эҳ, бобожон, Сиз ўлмагансиз, деб ҳайқиргим келади. Сиз ўзингиз қолдирган ана шу бебаҳо китобларингиз билан абадул-абад яшаб қоласиз.

Камола ШАРАФИДИНОВА.

# СПОРТ

## ДОВРУҚЛИ ЭЛНИНГ ДОВРУҚЛИ ФАРЗАНДИ



Бугунги кунда халқаро спорт майдонларида Ўзбекистон деган қадим ва мафтункор юртни, ўзбек деган улуг миллиятни олам аҳлига танитаётган, доврўқли қилаётган ўғил-қизлари билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади. Мамлакат қудратини ҳеч нарса спорт каби оламга кўз-кўз қила олмас керак. Юрт шухратини ана шундай дунёга танитаётган матонатли ўғлонлардан бири, исми жисмига ғоят мос бўлган Шухрат Арслоновдир.

У каратэ бўйича етти карра Ўзбекистон чемпиони, уч карра халқаро турнирлар ғолиби ҳисобланади. IV дан қора белбоғ, дзюдо бўйича III дан соҳибидир.

Шухрат пойтахтнинг Хуршид маҳалласида ўсиб, улғайган. Уч ёшидан бошлаб спортнинг каратэ тури билан шуғулланиб келади. Бунда у вояга етган оила муҳитининг таъсири катта. Унинг отаси IV дан қора белбоғ соҳибидир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, спорт устаси Арслон Элов номини республикамизда жуда яхши биладилар. Айнан шу инсон мамлакатимизда каратэ спорт турининг оммалашшида катта ҳисса қўшди. Катта фарзандлари Шавкат, Темур ҳам III ва II дан қора белбоғ соҳибларидир.

Спорт инсондан кучли ирода, фидойиликни талаб этади. Булар спортчини муваффақиятлар сари элтади. Шухратнинг ҳам бугунги кунда мухлисларини қувонтирадиган ютуқлари кўп. Бу ютуқлар ортида тинимсиз меҳнат, метин ирода, юксак ишонч бор.

Ўтган йилларнинг салмоғи унинг кўплиги билан эмас балки, мазмундорлиги билан ўлчанади. Маҳоратли спортчимиз ўттиз беш баҳорни қаршиляпти. Бугун унинг ортга боқиб фахрланса арзийдиган ютуқлари кўп. Бу ёш йигитликнинг энг навқирон палласи, аслида. Унинг шогирдлари... Ўттиз беш ёшда шогирдлари ҳақида гапириш ўринлимикан?! Ўринли ҳам гап эканми, айни кунда улар билан бутун мамлакат фахрланади. Халқаро турнирлар ғолиблари Карим Аҳмедов, Шерзод Олимхўжаев, Одил Илҳомжонов, кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Жонбулат Амантаев номлари спорт оламида машҳурдир. Улар ҳаёт мактаби бўлган армияда хизматни ўтаб, шаклланиб, спортга янада ҳавас қўйишган, дея баралла айта оламиз.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Шогирдлари орасида шарқ яккакураши бўйича юздан зиёд Ўзбекистон чемпионлари, ўттиздан зиёд халқаро турнир ғолиблари бор. Бундан ташқари тўрт нафар шогирди Осиё чемпиони, яна тўрт нафари жаҳон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлишган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда спортга бўлган эътибор янада кучайди. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Болалар орасида спортнинг каратэ турига қизиқиш катта. Улардаги бу қизиқишни янада рағбатлантириш мақсадида чемпионимиз ўзи машғулотлар олиб борадиган спорт секциясида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун бепул шуғулланишни йўлга қўйди.

Шарқ яккакураши бўйича тренерлар учун мўлжалланган турли ўқув қўланмалари Шухрат Арслонов муаллифлигида яратилди. Билим ва тажриба бошқалар билан баҳам кўрилганда янада сайқал топиши шубҳасиз. Чемпион йиллар давомида тўплаган билим ва тажрибаларини китоб ҳолида ўқувчиларга етказишга аҳд қилди. Ва бу ишни муваффақият билан амалга оширди. Бугун унинг қаламига мансуб ўзбек ва рус тилларидаги «Каратэни ўрганиш» китоби кенг ўқувчилар оmmasига етиб борди. Китоб содда ва раво тилда ёзилган. Бундан ташқари «Дзюдо» китоби ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Агар она тилимизда спортга доир адабиётларнинг айтарли кўп эмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, бу китобларнинг аҳамияти нечоғли катта эканини тушуниб олиш қийин эмас.

Айни дамларда ҳам маҳоратли спортчимиз қизгин фаолият билан банд. У Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти халқаро ва миллий кураш кафедрасининг доценти. Келажак режалари ҳам талайгина. Чемпионимизнинг қизгин фаолияти спортсевар мухлислар учун ҳали яна кўп-кўп янги номларини, янги юлдузларини танитиши шубҳасиз.

Таниқли курашчининг фарзандларини кузата туриб беихтиёр донишманднинг шу сўзлари хаёлимдан ўтди: «Болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишни энг яхши воситаси оталарнинг Ватанини севишларидир». Ҳа, Шухрат Арслонов халқаро майдонларда она Ўзбекистон номидан чиқиб, зафар кучганида ана шу муҳаббатини янада ёрқинроқ намоёниш этди. Машҳур курашчимизнинг бундан кейинги йўллари ҳам ҳаминша зафарли бўлсин!

Инобат ЗИКИРИЛЛАЕВА.

### Футбол

## БАҲСЛАР КЕСКИН ТУС ОЛМОҚДА

Сешанба ва чоршанба кунлари қитъамизнинг 16 шахрида Осиё чемпионлар лигаси баҳсларининг 2-тури бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари ҳам навбатдаги ўйинларини ўтказишди.

«Пахтакор» футболчилари мазкур турда Саудия Арабистонининг 11 карра чемпиони, икки марта Осиё чемпионлари кубоги соҳибидир, ҳозирда ҳам мамлакат чемпионати пешқадамларидан бири бўлган «Ал-Ҳилол» жамоасини қабул қилишди. Учрашувдан бир кун аввал бўлиб ўтган матбуот анжуманида иккала жамоа бош мураббийлари ўз шогирдларини фақат ғалаба учун майдонга чиқишларини таъкидлаб ўтган эдилар. Қутилганидек, учрашув жуда кескин ва муросасиз тарзда кечди. Меҳмонлар дастлабки дақиқаларда ноқ фаол ҳаракат қила бошлашди. Натижада учрашувдаги биринчи хавфли вазият 9-дақиқада «Пахтакор» дарвозаси яқинида содир этилди. Бундан тўғри хулоса чиқарган майдон эгалари аста-секин ташаббусни ўз қўлларига ола бошладилар. А. Гейнрих, О. Аҳмедов, З. Тожиевлар бир қанча қулай имкониятларга ҳам эга бўлишди, аммо 1-бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди – 0:0.

Аввалги турда ўз майдонида дуранг ўйнаб, қимматли очколарни йўқотган «Ал-Ҳилол» футболчилари 2-бўлимни ҳам жонбозлик билан бошлашди. 54-дақиқада меҳмонлар томонидан уюштирилган хавфли ҳужум вақтида «Пахтакор» ҳимоячилари жарима майдони ичида ўйин қондасини бузишди. Учрашувни яхши бошқарган хитойлик ҳакам 11 метрлик жарима тўпи белгилади. Саудияликларнинг руминиялик легионери Родои пенальтини аниқ бажариб, жамоасини олдинга олиб чиқди – 0:1. Араблар билан ўйнаган жамоаларимиз учрашувнинг кейинги дақиқалари қандай кечшиши мумкинлигини яхши билишди. Аммо «Пахтакор» футболчилари бунга йўл қўймасликка эришдилар. 56-дақиқадаёқ А. Гейнрих томонидан узатиб берилган бурчак тўпини З. Тожиев боши билан меҳмонлар дарвозасига аниқ йўллаб, ҳисобни тенглаштирди – 1:1. Албатта, бу натижа иккала жамоани ҳам қониқтирмас эди. Меҳмонлар ҳам, меҳмонлар ҳам ғалабани ўз томонларига оғдириб олиш учун кетма-кет ҳужумлар уюштириб туришди. Аммо барча саъй-ҳаракатлар пучга чиқиб, дуранг натижа учрашув охиригача сақланиб қолди.

Мазкур гуруҳдан жой олган «Саба Баттери» (Эрон) – «Ал-Аҳли» (БАА) жамоалари ўйинида ҳам дуранг натижа қайд этилди – 0:0.

Ушбу гуруҳда икки ўйиндан сўнг 4 очко жамғарган «Пахтакор» пешқадам бўлиб турибди. «Ал-Ҳилол» ва «Саба Баттери» жамоалари икки, «Ал-Аҳли» эса 1 очкога эга.

«Бунёдкор» футболчилари эса бу турда Дубай шаҳрида маҳаллий «Ал-Шабаб» жамоаси меҳмони бўлишди. Шунинг таъкидлаш лозимки, бу учрашувда устулик асосан меҳмонлар томонида бўлди. «Бунёдкор»чилар кўплаб хавфли вазиятларини юзага келтиришди, С. Жепаров, Ривальдо, Рамос, Солиевлар тўп киритиш учун қулай имкониятларга эга бўлишди. Аммо, футболда кўп тилга олинмаган «сен гол урмасанг, сенга уришди», деган ибора яна бир бор ўзини эслатди. Майдон эгалари санокли қарши ҳужумлардан самарали фойдаланиб, меҳмонлар дарвозасига иккита тўп киритишга муваффақ бўлишди. Гарчи «Бунёдкор» 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса-да, бундан фожиа ясаининг ҳолати йўқ. Ҳали олдинда яна тўрт учрашув бор ва футболчиларимиз вазиятни тўғрилаб олишларига ишонамиз.

ОФК кубоги баҳсларида иштирок этаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси бу турда Яманининг «Ал-Тилал» жамоасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

### Спорт в подразделении

## ВСЕСТОРОННЕЕ ФИЗИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ



Физическая культура и спорт являются одним из важных средств воспитания военнослужащих, укрепления их здоровья, всестороннего физического развития и подготовки к выполнению возложенных на них обязанностей в ходе современного боя. Поэтому процесс физического воспитания военнослужащих должен быть неотъемлемой частью деятельности всех командиров и их заместителей по воспитательной работе. Что думают об этом накануне нового учебного года, как готовятся к нему спортивные активисты одного из военных округов?

— В нашем подразделении накануне праздника Науруз намечена обширная программа спортивных праздников и соревнований по различным военно-прикладным видам спорта, — рассказывает младший сержант Ш. Турдикулов. — В части созданы все условия для всестороннего физического развития каждого военнослужащего. Большинство, проходящих службу у нас, — профессионалы, и хорошо понимают, что именно спорт воспитывает в военнослужащем качества, необходимые для повседневной и боевой деятельности: выдержку, самообладание, настойчивость, находчивость, волю к победе.

— При проведении занятий по физической подготовке с рядовыми срочной службы, — делится своим опытом младший сержант Ж. Жураев, — стремлюсь, чтобы отличительной чертой каждого спортивного упражнения, индивидуального или группового, являлось

соревнование, борьба за победу и стремление достичь наилучшего результата — рекорда.

— Основой системы физической подготовки в нашем подразделении, — говорит младший сержант Х. Махмудов, — является выполнение нормативов военно-спортивного комплекса. Но с наступлением весны не упускаем и такие важные элементы физического воспитания, как спортивные игры, а также природные факторы: воздух, солнце и вода. Готовим материальную базу, спортивные городки, бассейн к новому учебному году, чтобы максимально загрузить их в летние месяцы.

— Хорошим стимулом для занятий спортом, — добавляет младший сержант М. Эрмуродов, — является участие в 17-м смотре спортивно-массовой работы и Всесармейских играх. Вместе с тем наши командиры не забывают и о стимулировании военнослужащих непосредственно в подразделении и части. Памятные подарки победителям спортивных праздников, значки, выдаваемые выполнившим требования нормативов, почетные грамоты и благодарность перед строем — хорошие стимулы, и для начинающих службу солдат, и для ветеранов спортивных батальонов.

Как не раз отмечалось в нашей газете, начальникам физической подготовки и спорта, спортивному активу подразделений удается с максимальной эффективностью организовывать в частях и подразделениях в праздничные и выходные дни различные состязания и спортивные праздники.

Наш корр.

НАВРЎЗ

# СПОРТ

«Кубок Амира Тимура»

## ТАЛАНТЫ ИЗ НАРОДА

Более четырехсот подростков от 9 до 16 лет собрал закончившийся на днях IV Международный турнир по тээквон-до (ИТФ) «Кубок Амира Тимура». Наряду с представителями всех регионов Узбекистана, в нем приняли участие спортсмены из Казахстана и Российской Федерации.

— Прежде всего хочется отметить заметный рост развития тээквон-до в самых отдаленных районах нашей страны, — отметил, подводя итоги турнира, президент Ассоциации тээквон-до (ИТФ) Республики Узбекистан обладатель VII дана Пулат Усманов. — В этом огромная заслуга молодых наставников Фахриддина Умарова, Убая Мукарамова, Марата Насибулина, Акмаля Алиева и Отабека Зияева, Бобобека Казакова, умело работающих с детьми даже находясь далеко от признанных спортивных центров.

И действительно, нельзя не отметить успех воспитанников инструкторов, работающих в сельских районах Андижанской, Кашкардарьинской, Наманганской, Навоийской, Сырдарьинской областей, завоевавших немало медалей высшего достоинства. Лучшими среди своих сверстников стали юные спортсмены Наргиза Бекназарова, Достон Саттаров, Галина и Александр

Хегай, Рамиля Вильданова, Кристина Хвон, Дмитрий Шокин, Олег Шигай, Хилола Шаропова.

Достойна похвалы и четкая организация судейства на турнире. Обладатели второго дана Луиза Сагитова, Аброр Каримов, Атахам Азимов, Бабур Бектаев, четвертого дана Шахноза Шухратжанова, Ирина Ким, Юрий Ли, Евгения Лим сделали все, чтобы подростки оценили все достоинства честной и бескомпромиссной борьбы.

Данный турнир во многом состоялся благодаря активной поддержке Министерства по делам культуры и спорта, Центра восточных единоборств Узбекистана, многих общественных и спортивных организаций. Талантливые подростки из глубинки, даже те, кто не занял призовых мест, приобрели первый опыт выступления на крупных международных соревнованиях.

В Узбекистане глубоки традиции народной борьбы и спортивных единоборств. «Кубок Амира Тимура» прочно занял свое место в ряду наиболее массовых и привлекательных для подростков состязаний. Благодаря энтузиазму молодых наставников он приобщил к миру спорта и здорового образа жизни немало детей, выявил много народных талантов — будущих чемпионов и призеров мировых первенств, гордости узбекского спорта.

Майор Хайридин ЗАЙНИЛОВ.



Фото из архива.

Атлетический клуб будущего воина

## АТЛЕТИЧЕСКАЯ ГИМНАСТИКА — ЭТО СИЛА

**Для мышц плечевого пояса, груди, сгибателей и разгибателей рук**

Исходное положение: основная стойка, диск в вытянутых вперед руках. Опустить диск поочередно к правому и левому бедру — выдох, в исходное положение — вдох (1).

Исходное положение: основная стойка, диск в согнутых руках над головой (2). Вращение диска в сторону вокруг головы (3). Дыхание произвольное.


Исходное положение: основная стойка, диск в согнутых руках за головой (4). Поднять руки вверх (5) — вдох, в исходное положение — выдох.

Исходное положение: основная стойка, диск в согнутых руках на груди (6). Поднять руки вверх — вдох, в исходное положение — выдох.

Исходное положение: основная стойка, диск в вытянутых вперед руках. Отвести прямые руки в сторону (7). Дыхание произвольное.

Исходное положение: в упоре на руках, диск на спине. Отжаться от пола, спину держать прямо, туловище опускать ниже (8). При сгибании рук — выдох, в исходное положение — вдох.

### УПРАЖНЕНИЯ С ДИСКОМ



Бокс

## ШЕРЗОДНИНГ ГАЛАБАСИ

Россиянинг Екатеринбург шахрида профессионал бокс кечаси бўлиб ўтди. Унда бокс бўйича жаҳон чемпионатларининг кумуши ва бронза медали совриндори, Афина Олимпиадаси иштирокчиси Шерзод Хусанов ҳам рингга кўтарилди. 69,9 кг вазн тоифасида баҳс олиб борган ҳамюртимиз бу сафар мезонлар вакили Артём Вичкин билан учрашди. Яқинда ўзининг йигирма тўққиз ёшини нишонлаган Шерзод дастлабки раундлардан оқ фаол ҳаракат қилиб, тезкор зарбалари билан рақибини анча шошириб қўйди. Тўртинчи раундда эса боксчимизнинг чап томондан берган кучли зарбасини ўтказиб юборган россиялик боксчи нокаут ҳолатига тушиб қолди.

Яна бир соф галабага эришган Шерзод Хусанов профессионал боксадаги жами галабалар сонини 12 тага етказди. Шулардан 7 тасида у рақибларини нокаут билан мағлубиятга учратган.

Н. ПУЛАТОВ.

Дзюдо

## ПРАЗДНИКУ «НАВРЎЗ» ПОСВЯЩАЕТСЯ

Всенародный любимый праздник весны «Наврўз» является не только праздником обновления. «Наврўз» в стенах Узбекского государственного института физической культуры превратился и в настоящий спортивный праздник студенчества.

Дело в том, что здесь проходили соревнования по борьбе дзюдо среди студентов высших учебных заведений города Ташкента, посвященные «Наврўзу».

Более 150 спортсменов в разных весовых категориях приняли участие на данных состязаниях, но сильнее всех оказались хозяева турнира. Во всех весах победили представители УзГИФК, которые и стали обладателями главных призов. Это Уктам Эргашев (60 кг), Эльбек Очилов (66 кг), Шухрат Арсланов (73 кг), Зафар Буриев (81 кг) и Фазлиддин Мелиев, который завоевал первое место в весе 90 кг и +90 кг.

Все победители и призеры были награждены ценными призами и дипломами соответствующих степеней.

# МАДАНИЯТ

НАВРЎЗ

## БАҲОР ВА ГЎЗАЛЛИК АЙЁМИ



Юртимизда айём шукуҳи кезиб юрибди. Баҳорий илиқлик кўнгилларга-да кўчгандек гўё: лабларда табассум, чехраларда хушнудлик, бахтиёрлик ифодаси. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз. Баҳор уларга сеvimли ўйинларини қайтарди-да.

Наврўз – кўҳна ва навқирон байрам. Аждодларимиз томонидан қадрланган бу улғ айёмни эъзозлаб, давом эттирмоқдамиз. Мудофаа вазирлигига қарашли 171-сонли умумтаълим мактабиди ҳам баҳор ва нафосат, янгилик ва яшариш айёми – Наврўзга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда мактаб раҳбарияти, ўқувчилар, «Гулистон», «Бў» маҳаллалари вакиллари, ота-оналар, шунингдек, Мудофаа вазирлиги тасарруфидидаги мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари иштирок этишди.

– Наврўз байрамиди ўқувчиларимиз қизгин тайёргарлик кўришди, – дейди мактаб директори Наргиза Мелибоева. – Байрамгача мактаб худудиди ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Янги кўчатлар, гуллар экилди. Ҳашар йўли билан амалга оширилган бу ишларга барча, ҳатто биричи синф ўқувчилари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бу каби тадбирларни мунгазам ўтказиб келамиз. Мақсадимиз болажонларимиз онгиди Наврўзга, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга ҳурмат уйғотиш, уларни миллий истиқлол гоёлари руҳиди тарбиялашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, ташкиллаштирилган байрам дастурини томоша қилган ҳар бир киши ўқувчиларнинг истеъдоди, ижро маҳоратига қойил қолади. Байрам дастури ўзининг ранг-баранглиги, қизиқарлиги, асрий анъаналаримизга уйғунлиги билан кишига завқ бағишлайди. Айниқса, бешинчи синф ўқувчилари ва боғча тарбияланувчиларининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ўқувчилар баҳорни, Наврўзни мадҳ этувчи шеърлар, қўшиқлар, шунингдек, лапарлар, ўланлар ижро этишди, шўх-шўх рақсларга хиром айлашди. Қувонарлиси, бошқа миллат фарзандлари тилиди янграган ўзбекона шеърлар, қўшиқлар, улар томонидан миллий либосларда ижро этилган халқона рақслар олқишларга сазовор бўлди. Бундан англаш мумкинки, Наврўзни юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари бирдай эъзозлайди, азиз деб билади.

– Наврўзни жуда яхши кўраман, – дейди биричи синф ўқувчиси Хуснора Султонова. – Чунки бу байрамда сумалак, ҳалим, турли ширинликлар пиширилади. Байрамга синфдошларим билан биргаликда тайёрландик. Шеърлар ёд олдик, қўшиқлар айтдик.

– Бугунги байрам жуда кўтаринки руҳда ўтди, – дейди маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ильмира Валиева. – Ҳар бир синф байрамга ўзига хос тайёргарлик кўрганлини улар томонидан намоиш этилган байрам дастурларидан ҳам сезиш мумкин. Бу эса фарзандларимизнинг асрий урф-одатларимизга содиқлиги, аждодларга муносиб авлод бўлишга интилаётгани исботи, назаримда. Халқимизнинг азиз ва суоқли байрамиди нисбатан хурмат туйғулари билан улғайган авлоддан Ватан тараққиети йўлиди кўп ишларни кутсақ бўлади.

Байрам ниҳоясиди ўзларининг чиқишлари билан барчага хушқайфият бағишлаган мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига совғалар улашилди. Миллий таомлар, халқ амалий санъати ва либослар кўргазмалари, ўқувчилар ўртасиди тасвирий санъат ҳамда спорт мусобақалари ўтказилди. Голиб ва совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жамшид АРСЛОНОВ.

Тухфа

### НАВРЎЗ КЕЛДИ

Қишининг совуқ нафаси сўниб  
Кўклам келди тўлини ой бўлиб,  
Эл шодлар наварлар тўлиб,  
Наврўз келди, дўстларим Наврўз.

Осмон узра ясси камалак,  
Берар ундан қалдирғоч дарак.  
Дошқозонда қайнар сумалак,  
Наврўз келди, дўстларим Наврўз.

Бу ўлкага ярашгай байрам,  
Гувоҳидур кўҳна бу олам.  
Ҳар юракда шодлик мужассам,  
Наврўз келди, дўстларим Наврўз.

### ЎЗБЕКИСТОН

Ватаним Ўзбекистон,  
Номи тилларда дoston.  
Яшар элатлар омон,  
Сенга шараф-шон юртим.

Олтин, зардир тупроғинг,  
Жаннатга қиёс бағринг,  
Тенги йўқ қишлоқ, шаҳринг,  
Бўл омон, омон юртим.

Халқи меҳмондўст ҳар чоғ,  
Бағрикенг, танги, қувноқ,  
Лол қолмишдир Ҳинд, Ироқ...  
Машҳури жаҳон юртим.

Подполковник Нуриддин ОБРЎЕВ.

## ЁШЛАР УЧУН БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Наврўз арафасиди юртимизнинг барча гўшалариди замонавий таълим-тарбия, маънавият ва маърифат масканлари, маданият қошоналари, тиббиёт, спорт-соғломлаштириш мажмуалари фойдаланишга топширилмоқда. Пойтахтимизда ҳам Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежининг янги биноси ўқувчи-ёшлар учун байрам туҳфаси бўлди.

Шу муносибат билан бу ерда бўлиб ўтган тадбирга таълим, темир йўл соҳаси раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар йиғилдилар.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигиди юртимизда барча жабҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар навқирон авлодни соғлом ва баркамол, ҳар томонлама пухта билимли, юксак маънавиятли, теран тафаккур соҳиблари этиб тарбиялашдек улғувор мақсадга йўналтирилгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим-тарбия йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар барча соҳалар учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилаёттир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда темир йўл тизими жадал ривожланмоқда. Темир йўлларни тошқариш тизимини такомиллаштириш, йирик сарможий лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодиёт тармоқларининг, аҳолининг темир йўл хизматига бўлган эҳтиёжини янада тўла-роқ қондириш, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш борасиди кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани,

янги линияларнинг ишга туширилгани бунинг ёрқин далилидир.

1800 нафар ўғил-қиз билим олаётган Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежиди соҳанингни ўн йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллежининг учта корпусдан иборат янги бинолари ўқувчиларга пухта таълим беришда амалиёт жараёнини ўташга хизмат қилади. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув кабинетлари, кенг ва шинам аудиториялар, компьютер синфлари, амалиёт машғулотлари учун ўқув устахоналари, спорт заллари, ахборот-ресурс маркази ўғил-қизлар ихтиёрида.

– Президентимизнинг биз, ёшлар камолотига қаратаётган доимий эътиборини ҳар қадамда ҳис қилиб турамыз, – дейди мазкур коллеж ўқувчиси Анвар Ҳамдамов. – Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларнинг қадрига етиш, ўқишга алоҳида қўнғ ва маъсулият билан ёндашиб, билдирилган ишончини оқлаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

ВАТАНПАРВАР		Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.		Таҳририят манзили:	
Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги	Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан	Шу сонга масъулар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМОЛОВ.	Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиди 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.	100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.	«Ўзбекистон» навирият матбаа ижодий уйиди чоп этилди. Босмақона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.
МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам ПОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚУЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нуриддин МУЛЛАБОВ, Шухрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРТАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАЊИРОВ.		Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46; Факс: 256 17 98.	Таҳририят фикри муаллифлар нуқтан назаридан фарқланши мумкин. Таҳририятга келган кўчмақлар, хатлар ва суратлар таҳрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.	«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказиди Р. Исмаилов ва З. Хошимов томонидан сақфаланди.	Газета жума куни чиқади. Адади 27200.
				Наврўз кўрсаткичи 114.	Буюртма № J-7090.